

Муқимини

икки томлик
асарлар
тўплами

II том

ЎзССР ДАВЛАТ БАДИИЙ
АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1960

Назира тайёрловчи
ҒУЛОМ ҚАРИМСИ

ҲАЖВИЁТ

САТИРАЛАР

[ТАНОБЧИЛАР]

Бўлди таажжуб қизиқ ҳангомалар,
Арз этайин эмди ёзиб номалар,

Адл қулоғила эшит ҳолими,
Зулм қилур, баски, менга золиме.

Ўн ики ойда келадур бир таноб,
Ўзгалара роҳату менга азоб.

Султон Али Хўжа, Ҳакимжон² икав,
Бири хотун, бириси бўлди куяв.

Иккаласи бўлди чунон иттифоқ,
Гўё хаёл айлаки, (қилмай нифоқ),

Ош есалар ўртада сарсон илик,
Хўжа — чироғ ёғи, Ҳакимжон — пилик.

Бир-бирисига солишурлар ўрун,
Эрта-ю кеч ўпушиб оғиз-бурун.

Саллалари бошларида оқ сават,
Кўрпача тагда ҳама вақт уч қават

Бирлари мўлтонинамо, ҳийлагар,
Бирларидур кундапиху гавдахар.

Оғизлари мақтаниб ўнбеш қариш,
Майда суҳан, эзма (чурук), занчалиш.

Қайсики қишлоққа тушар отидин,
Элни йиғиб, воқиф этар зотидин.

Дерки: «Кўзунга ҳали кал жўжаман,
Махтуми аъзамлик ўзим хўжаман.

Бизга бобо ҳазрати Шохлиғ мазор,
Мухлисимиз мардуми аҳли диёр.

Ҳам яна Эрҳубби бўлодур тағо,
Аммамизинг эрларидур Нурато³.

Биби Убайда бўладур холамиз,
Гоҳ келур эрди кичик боламиз.

Хизр отамларга буродар эрур,
Чимлиғ азизлар менга додар эрур.

Гарчики мен олиму шайхи замон,
Қирқингиза эмди берай бир қозон.

Манки танобингга чиқибман келиб,
Хизматими яхши қилинглар билиб.

Ўт қўюбон куйдурадурғон ўзим,
Ҳокимингу ўлдурадурғон ўзим.

Хоҳ танобингни ду чандон қилай,
Хоҳ карам бирла бошингни силай».

Хўжа сўзини мунга бермай қарор.
Мардуми саҳройи бўлур беқарор.

Дерки Ҳакимжони — «Аё оқсоқол,
Бизни топибсан магарамким ўсол?»

«Ҳозир этиб тўрт нафар мардикор,
Тўғри қил олдимға қилибон қатор.

Арқоними еринга судраб чиқай,
Баччаталоқ қишлоқиларни (урай),

Бир бурайн мўйлабимни чиқиб,
Торт танобини жазоси сиқиб!

Яхшилигингни фуқаро билмагай,
Ҳоли булар кўзга бизи илмагай.

Икки танобини қилай ўн таноб,
Юртингизи куйдуруб айлай хароб.

Хоҳ ўлинг, хоҳ қолинг, баччағар»,
Дебки, узангуга аёгин тирар.

Бир-бирига қишлоқ эли боқишиб,
Гоҳ уён, гоҳ буён чопишиб,

Жамъ бўлиб айлаубон маслаҳат:
—«Дўғмаға,— дер,— бир нима бериб жўнат».⁴

Ақча қўлида ики-уч мўйсафид
Дерки:— «Бу назрингизу, бизлар мурид».

Зулм билан эллигу юзни олур,
Боз танобини дучандон солур.

Тоғи булар яхшию, бизлар ёмон,
Эл тамизидин ҳазар эт, алъамон.⁵

* * *

Ўзга яна ғусса будурким, дейин,
Шунчаки бир қисса булардин кейин:

Қўшти Жалолхон⁶ деган ўғлин манга,
Деди — «Руқум ўргатасиз сиз анга»,

Юклади ўғлини менга, муҳтасар,
Бу дағи ортиқча (менга дардисар)...

Сўзни, Муқимий, керак этмак тамом,
Маззаси қолмас узун ўлса калом.

[МАСКОВЧИ БОИ ТАЪРИФИДА]

Ҳикоят қилай, турфа даврон экан,
Халойиқ ҳама маҳву ҳайрон экан,

Чиқиб янги масковчидин бойлар,⁷
Синар ўтмайин баъзиси ойлар,

Хусусанки эшони Ҳодихўжам,⁸
Йўқ оғзида қарзини ваҳмида нам.

Керак берса Масковга бир лак, қани,
Битиб ваъдаи пул, (ўзи мўлтани),

Дер эрмишки, ўрусга нисфин берай,
Келар йилга ярмига муҳлат сўрай.

Қачон бўлмаган гап қабул айласин,
Муқаррар дегайким, печать бойласин.⁹

Мунинг устига қарзидур Андижон
Ким, ўз халқидин — барчадин бу ёмон.

Бу ҳам қирқ минг сўм эмиш, деди қарз,
Ўтуб ваъдаси берсалар вақти фарз.

Нетармиз, дебон қистамас эл пулин,
— Берурмен,— деса,— сўмига ўн тийин.¹⁰

Чунончи хўжам, Подшоҳўжани¹¹
Чу Маскав юборган билан мол қани?

Фабрикантлар ваъдага молини
Беришмай,— деди, йиғлаб аҳволини.

Бориб мол учун, мол ололмай келиш
Ёмон, аҳли тужжорга мушкул иш.

Олиб сулсини ақчасин хўжайин,
Бериб мол конторга қилди тайин,

Олай деса, конторда йўқ бир пақир,
Деса: олмайин, ул заколат куйир.

Бу савдо билан бошида кечқурун,
Борур кўҳе ё орқадин, ё бурун.

Қочиб кетди маччойилар¹² аксари.
Бориб шулки юртига таъкидлари:

—«Сароеки, ў бошадаш, зинҳор,
Даронжо марав мемури, эй табор»

Сарой эгаси камбағал Бобожон
Кўрар тожике йўқ, бўлур тоза қон.

Очилгач келиб эртаси ҳужраси,
Қилур жангу жанжол ҳар эртаси:

—«Кўтармакка юк деб, малай сақласам,
Узига дегай, ишлатурлар акам».

Ўрисга ижора қўйиб зовутин,
Борур эрди ишлик бўлиб, чиқти кун.

Чиқиб қочди бир-бир ҳама мардикор,
Купес қолди бу сирга ҳайрону зор.

Топиб мардикорини—«Сейчас юринг,
Пожалиста,— дер эрди,— эмди туринг».

Деди:— ҳар куни берсанг ўн сўм ҳам,
Борилмайди, қўй зовутини, хўжам».

Дубора яна борди бир ишга шул,
Сўкиб «нет,— деди,— келма дуррак, пошёл»!

Хўқанд ичра эссизгина ҳавлилар,
Келиб икки минг ақчага сотдилар.

Олур эрди уч-тўрт мингга, қарант
Нетар, бўлса, қарзига ўлгунча танг?

Ўзи оқшом ҳавлисида, хар кими
Кўрар келди эшон, қочар одами.

Агар борсалар қайси ҳаммомга
Чиқар ходимийлар қочиб томга.

Сабаб сўрди ҳаммомчи қочқонидин,
Делиларки:— Биз кечтук эҳсонидин»...

Бериб арза маъмурга: Эй ҳокимим,
— Деди,— бор тўққиз юз олтмиш сўммим»,

Олиб буйруқ отиға Хайруллахон¹³,
Шариатга қамту ўтурган замон,

Келиб қолди ўзига ногаҳ қасам¹⁴,
Сариҳ бўлди ёлғонлиғи муттаҳам.

Қизини олиб гўркави шўрлик,
Тушурлик тушиб, бўлмади жўрлик,

Келиб тошқидин ичкари кирмади,

.....

Деди оҳ уриб:—«Бўлса эр ҳоли бу»,
Фигонидин эл ичра тушди гулу.

— «Дариғоки, бахтим қаро бўлмаса,
Сенга тушмас эрдим, худо урмаса».

Чиқиб ичларида ниҳон қотишиб,
Базўр қўйди ҳамсоялар босишиб,

Вале растада савлатин кўрсангиз
Ким, арзийди шайхи замон билсангиз.

От устида мардум қилурлар гумон,
Мударрислари «Бег»ни, деб Тош эшон.

Амома бошида, сафид жомалар.
Хаёл айлагайсизки алломалар.

Қилиб мухтасар, сўзни қилдим тамом,
Малоловар ўлғай чўзилган калом¹⁵.

[САЙЛОВ]

Қачон ким бўлди ҳаким амри бирлан ибтидо сайлов,
Амалдор аҳли бошига бўлиб келди бало сайлов.

Тераклар баргидек титраб, жамии қози — мингбоши
Дегойларким: «юзини тескари қил, эй худо, сайлов».

Сочиб қарзи-қувола, пул кўтариб, истаюб мансаб,
Бўлолмай кўп кишини синдируб, қилди гадо сайлов¹⁵.

Агар минг хатми қуръон этсалар, қўйлар сўюб арзир,
Улумдин қолди қолганлар, бўлиб эрди вабо сайлов.

Олурға пора элликбошилар мингбоши — қозидин,
Ижобат бўлди — бўлди айлар эрдилар дуо сайлов

Талоши жоҳ айлаб, от чопиб, олмай даме ором,
Мусулмонларнинг рангин айлади чун қаҳрабо сайлов.

Муқимий, оғриди бошлар халойиқ гуфту-гўйидин,
Шаҳар тинчиб қолурди бўлсачи эмди адо сайлов.

[АХТАРИНГ]

Подшоҳ йўқлатсалар ногаҳ, гадо деб ахтаринг,
Тутманг ҳаргиз номими, бахти қаро, деб ахтаринг¹⁷.

Қимса билмайдур мани, ному насаб қилсанг баён,
Лола янглиғ доғи ғамга мубтало, деб ахтаринг.

Лайли топғил, десалар, Мажнуни саргардонини (нг),
Кўзларининг ёшидур ранги ҳино, деб ахтаринг.

Истаган чоғда топай деб, бўлса кўнгилда хаёл,
Қоматидур бори меҳнатдин дуто, деб ахтаринг.

Ҳажр водисида кезгай доимоким хўблар,
Хоки пойидур кўзига тўтиё, деб ахтаринг.

Бир шакарлаб, зулмпарвар ҳасратидан, дўстлар,
Умрлар умри чароғи безиё, деб ахтаринг.

Даҳр зулмидин сиришки тинмай оқиб айланур.
Чарх жавридин бошида осие, деб ахтаринг.

Толии шум, вожгун бахту ғизоси дарду ғам,
Нотавон мўри заифдин бенаво, деб ахтаринг.

Ёр васлиға етолмай қолмиш улкунким Муқим,
Ушбу боисдин ўлумиға ризо, деб ахтаринг.

ЎАПАЛАК ҚИШЛОҒИ ТУҒРИСИДА

(Махмур ғазалига мухаммас)

Кўрди сандек шаҳи одилни на инсу на малак,
Арранинг зулмидин эмин ҳама боғу чакалак,
Янги ой кўзига хасмингни отурға камалак,
Эй жаҳондори зафар кавкабаи даври фалак,
Эшитинг қиссаи қишлоғи хароби Ҳапалак¹⁸.

Ғаждуму офию бий, ўтласа чаррандалари,
Бир гала мўру малах, бўрию даррандалари,
Ўлдурур чақса мабодо кана, газандалари,
Турфа қишлоқ, жин урган ани паррандалари
Товуғи — игначию, ўрдағу ғози — капалак.

Чуғзи вайрона тешиқ, уйлари сўрохи камар,
Ғижи-биж тулкию кирпигикону эчкиэмар,
Ўтга қўшнига чиқиб, бир кечаси йўлда тунар,
Тепага чиқса киши, ундаю мунда кўринар:
Бир қапа, икки қапа, уч олочиқ тўрт каталак.

Чопишур янтоғ ўтун марду зан иссиқда куюб,
Ер зағора нонини, топса отин қанд кўюб,
Ғази йўқ шўрва каду ейдуган ошида суюб,
Ажириқ илдизини майда келиларда туюб,
Қайнатиб, кунда ичиб, отини дерлар сумалак.

Отлари лоғару қоқию харобию хариш,
Раҳм қилмай минадур, икки қадам жавр миниш,
Очилур оғзи десанғизда вузу ғўсл қилиш
Чўл, йўқ қатраи сув, катта-кичик, ёзу қиш,
Қўлини қумга ювиб (ортига) суртар тувалак.

Кўрпача тагда қомиш, бошларида болиш увот,
Нару мода аралаш, билмас алар айбу уёт,
Соқову гунг сўфи, йўқтур имомида савод,
Масжиди ертўла, бир эски қсронғу зулумот,
Кўр қилур кўзга уруб кирса киши кўршапалак

Кўчти халқи ёпиниб қўҳна, увода тўнини,
Чархдин ўтқаришиб оҳу фиғону унини,
Солмасун душмана ҳам бошига келган кунини,
Кеча ногаҳ эшитиб шуҳрати тилло пулини,
Ҳапалак кўрқишидин учти мисоли капалак.

Бўлса ул хисрави жам жоҳ карамдин не ажаб,
Фуқаро ҳолидин огоҳ, карамдин не ажаб,
Ҳам Муқимин сўраса, гоҳ карамдин не ажаб,
Кечса Махмури учун шоҳ карамдин не ажаб,
Ҳапалак юртиға тушган пул агарчи лак-лак.

[ДАРИҒО МУЛКИМИЗ...]

Дариғо мулкимизнинг соҳиби аҳли шарор ўлмиш,
Шариат ҳукми қозилар қўлида пур ғубор ўлмиш.
Ба жойи амри маъруф, кори мункар ошкор ўлмиш,
Ҳакиму, олиму, соҳиб фасоҳат хори зор ўлмиш,
Бу кунда кимки имонин сотар ул эътибор ўлмиш.

Замона аҳлини бир хайли бордур ҳайф инсонлик,
Шул инсофи билан ул айлағай даъво муслмонли,
Бировга ҳийлаю макр айлаюр, афъоли шайтонлиқ,
Бўлур хурсанд ўз қилғон ишига буйла нодонлиқ,
Бериб қиз кекса бойга фахрила хешу табор ўлмиш.

Ҳама модар зинолар ҳамнишини қозиюл ислом,
Расолар бўлдилар тортиб ўзин ҳар гўшада гумном,
Туну кун фиқҳнинг йўлиға нодон қуйдилар иқдом,
Бунингдек қўрқаман, дўстларки, бадтар бўлмағай айём,
Нечун ким маслаҳатдони замон аҳли қимор ўлмиш.

Ҳазор афсуским, илм аҳлиға бир зарра иззат йўқ,
Ғанийларда саховатдин асар, хайр ила ҳиммат йўқ,
Хирадманд аҳли донишларда ҳам қадр ила қиймат йўқ,
Фақр аҳлиға мардумларда эҳсону мурувват йўқ.
Бахилу кўр каби эл кўнгли ҳам торикун тор ўлмиш.

Бўза, хамру, муссалас бўзагардан тарк бўлмайдур,
Халойиқлар ҳужум айлаб эшигидин узўлмайдур,
Хумининг катта одамзодлар келгунча бузмайдур,
Халойиқ... ўзгани манзур қилмайдур,
Маҳалли фиқҳи мардумлар қадам жойи мазор
ўлмиш.

Кетардим бош олиб гар бўлса эрди, рўзгузорим йўқ,
Нетай безоди тўша йўлга юрмакка мадорим йўқ,
Турарга қолмади тоқат, кўнгулда ихтиёрим йўқ,
Ўзингдин ўзга, ёраб, раҳбари лайлу наҳорим йўқ,
Ҳидоят айлағайму деб Муқиминг интизор ўлмиш.

[ДАР МАЗАМАТИ ЗАМОНА]

Дарифоким, ажойиб турфа бир охир замон бўлди,
Ики қўл то ёқода юрмасанг ишлар ёмон бўлди.

Уруб бир неча ерни босмачилаб зор қақшатди,
Ки аксар бевау бечоралар бехонимон бўлди.

Тушуб хат: «берсун оқча мунча,— деб,— гар бермаса
кўрсун»
Не бўлди Нур Муҳаммад аълам ул ҳам ончинон бўлди.

Мавосою мадуро йўлини кўзлаб чиқишганлар,
Тирик қолди аларнинг шарру зулмидин омон бўлди.

Ҳама зир-зир сиуб, оқшом чиқолмай уйдин эшикга,
Саломат кўз очиб тонг отса турмоғлиғ гумон бўлди.

Йиғилди ҳар тарафдин зўр зан, хунрез ўғрилар,
Алардин нечаси бадбахтларни пирсиён бўлди.

Яқин бир ойғача пулдорлар аҳволи ҳар оқшом
Киши билмас етар жойи даруни коҳдон бўлди.

Отиб тонг ухлашолмай дуздлар ваҳми билан ҳаргиз,
Семиз бойлар озиб, ғам бирла чўпу устухон бўлди.

Қаю мажлисга борсанг, босмачилардин гапургайлар,
Бўлак сўз ҳеч сиғмай ёлғуз ўзи дoston бўлди...

Муқимий шаҳарга шундоғ киши мириасас бўлса,
~~Синглик ҳондеса ўғрилар~~ энди бенишоғ бўлди.

[ҲАЖВИ ВИКТОР БОЙ]

Қисса бози дафтарга олгон экан Виктор бой,
Бойлар бойи бойларга кордон экан Виктор бой,
Маълум, машҳур Хўқандга шайтон экан Виктор бой,
Кантуралар ичинда ёмон экан Виктор бой,
Темир сандиқ дегани ёлгон экан Виктор бой.

Ҳиссат харис давонлар хушомадгў нечаси(?)
Машваратни(нг) бобида борур эрди кечаси,
Молу, матоъ ҳимматлик санга берди ончаси,
— Ман хонаи пухта,— деб олдинг жаҳон оқчаси,
Санга берган одамлар нодан экан Виктор бой.

Ман мунъим,— деб юрганлар, даври даврон сурганлар,
Фаросатни(нг) йўлида оқил ман, деб юрганлар,
Минг лак сўмни берганлар, йиғлаб келиб юрганлар,
.....
Андижонлик бечора меҳмон экан Виктор бой.

Билмасларни билдурдинг, сутхўр кўнглин тиндурдинг,
Макру ҳийла ишлатиб, қўноқ қилиб қўндурдинг,
Қўп бойларни синдурдинг, сутхўр кўнглин тиндурдинг,
Йўқ жойлардин ундурўб, сандиқ пулга тўлдирдинг,
Бир курашда йиқитган полвон экан Виктор бой¹⁹.

[ҲАЖВИ ВИКТОР]

Фалокат шум бадрагсан касофат тавамон Виктор,
Сиёқи кундаи дўзах, жаҳаннам ошиён Виктор,
Мусулмонлар ҳақиға кўзладинг жавру зиён Виктор,
Синиб қилдинг ўзингдек кўп кишиларни ҳазон Виктор,
Буларни ҳам жазоси дер эди дорул-амон Виктор.

Зиёфат айламоғликлар, талаш юз минг такаллуф-ла,
Юрурди хизматингда пиру ёш юз минг такаллуф-ла,
Чиқордилар йўлингга неча юз минг такаллуф-ла,
Паё-пай тортишибон нон-ош юз минг бой такаллуф-ла,
Эшиткач боришингни хосса бойи Андижон Виктор.

Кидиргон бирла омборида чумчуқларга дон чиқмай,
Қачон бергай гадога бир тийин руҳи равон чиқмай,
Баногоҳ авлиёни бир тарафдин келса нон чиқмай,
Отига охуридин ерга бир кафдин сомон чиқмай,
Бўлур эрдинг кафи дасти муаззаз меҳмон Виктор.

Қўриб даъволарингни билмас эрдилар юрокиндин,
Ҳамиша судрар эрдилар кириб эгри учокиндин,
Карим охун, Қосим даллол пир ушлаб этокиндин,
Бурун, албатта, огоҳ бо хабар воқиф кечокиндин,
Хаёл айлардилар инсофлик шайхи замон Виктор.

Келиб оҳиста кантурга дедиларким мавосодин,
Сотиб нақт ақча қилди баъзи одам мулку ашъёсин,
Емай, ичмайки берди икки қўллаб халқ дунёсин,
Бу рангда кўзладилар ўзларин торожу яғмосин,
Иложи бўлса еб кет бир тийнини ҳам берма жон
Виктор²⁰.

[ВОҚИАИ ВИКТОР]

Эшит, турфа сўзлар ҳикоят қилай,
Ҳикоят агарчи, шикоят қилай.

Жаноби ўшал Ҳоди Хўжа эшон,
Олур ўзларин ағниён замон.

Хаёлида Хўқонда дийдур: «қани,
Ўзумдан бўлак хўжай саййид, ғани?»

Бериб оқча Викторга ўн етти минг,
Ўтар қон билан ичларидан йиринг.

Қилиб махфи элдин пулин қистағай:
— Санго манда жон ошноси,— дегай,

Чунончи бу йил Андижон одами
Ҳаён айлади сандин ўн минг ками.

Олиб баски етти ярим пахтани,
Ўн икки яримға итарди сани.

Ба ваъда ипак олибон санга ман,
Баҳосида берган эдим тан ба тан.

Бўлақларни бир сўмиға ўн бақар,
Берилганда ҳам шулки ҳаққинг кетар.

Келиб туштилар бойлари Андижон
Афандимни ҳавлисида меҳмон.

Муқаррарки, ҳожим санга учрагай,
Алар оқчаси важҳидин сўзлагай.

Келиб бўш афандиға сен зинҳор,
Бутун бермағил пулларин зинҳор.

Бериб кўндурай бир сўмиға ярим,
Чароким ўзимни туғушконларим.

Бери холабаччам, бириси акам,
Кичиги укам, мўйсафиди дадам.

Хатим кўзга суртуб қилишгай гумор,
Қабул айлагай манда деб, ихтиёр.

Дегайлар: ишим бор кетай, борму май?
Ёмон диққат ўлдим букун оз ичай.

Кўтарилса шояд кўнгилдин ғубор,
Вале кимсаға қилмағил ошкор.

Биров ичканим билса яхши эмас,
Ичарманда бўлсанг кишига демас.

Кўнгуллар тилаб санга дерман сирим,
Дегайлар мени барча мардум: пирим.

Шариатда майки, билурман ҳаром,
Киши билмагай деб, будур илтижам.

Қилиб ичкилик ду-баду ёширин,
Кетар чоғда ҳавлисиға кечқурун.

Дегайлар Карим охунум меҳмон,
Борур бу кеча одаминг бир зомон.

Самовар қўйсун, деб олиб кетиб,
Эшик, тешику, дарчани беркитиб...

Бир оқшом эди: «бор!» деди бормади,
Бери қилди Охун бошин ёрмади:

Тўлиб ўпкаси йиғлабон зор-зор,
Деди: «Мунча охир дединг, — бор-бор.

Эшикингда қўйсанг агар от боқай,
Ўлумга буюрсанг бəшимла чопай,

Бориб қай кеча бўлди корим тамом,
Томоғимдан ўтмас ҳануз ҳам таом...

Жавобимни бергил, агар бор десанг,
Юрай ёки қўй бормагил, бор десанг».

Эшиткач Охун ушбу ҳангомани,
Олиб бошга қотти кулиб жомани.

Ўтиб буйла пинҳон қизиқ можаро,
Урусларга бўлди, магар бир бало:

Бу ҳам синди ногоҳ Лахтин сабил,
Бериштиму билмамки бир-бирга тил.

Йиғилди тамоми пули борлар,
Қилиб жонлариға бу ғам корлар.

Деманг ушбу сўзларни сиз ўтрук,
Ўтуз икки ойға олишти сурук.

Хабар дўғма берди нулдор келиб,
Олур эски вексилни янги қилиб.

Бўшон бист ҳазор оқчаға бегумон.
Ўн иккига вексилни янгилогон;

Сакиз мингиға ўзга махфи бориб,
Бўлак янгилаб келди чарчаб-ҳориб.

Бу ишга жамии тижоратчилар,
Дедиларки, девона — Мажнун магар.

Бу аснода топди Мусажон шикаст.
Қилиб гарди накбат юзиға нишаст.

Пули бор эди минг сўм мунда ҳам,
Урусдин ёмон мунча чекди алам.

Ўшал оқшоми уйқуси келмади,
Ниҳон дарду сўзи киши билмади.

Деди учраб ўтканда Мовлон ака:
«Сиза илтимосим бу ким: жон ака;

Олиб берсангиз оқчами олти минг,
Боринг беш юзини ўзингиз олинг!»

Деди: «бойки андин пул олмоқ қийин,
Бусотида анқо эрур бир тийин.

Агар етса эди унарга кўзим,
Олур эдим аввал пулимни ўзим».

Йўлиқти бу ўтиб, келиб Рудник,
Дебон: «ну, давай идрас» олиб илик.

Муса жонга «ақчанг,— деди,— қанча бор?»
Деди: «бир минг уч юз на олти ҳазор»

Бу сўз ҳам, дейин, қолмағай то ниҳон,
Келиб Косими суйидин Андижон.

Дедиким: «қани уч мингимни беринг,
Ва гарна шарият десангиз юринг!»

Ики мингчани олди, бир минггини,
Тушиб ўртасига оғою ини;

Отанг яхши деб елкасига қоқиб,
Халос эттилар отка зўрлаб тоқиб.

Бу ҳам борки, ўғли эди читфуруш,
Дўконини беркитди, деб, «қилди куш»

Хўқанд олдуриб келдиким мол олиб,
Берай йиғламай бориб, ўлтур солиб;

Киши бермади ваъдага молини,
Кафил нусрат олди жуҳуд шолини.

Қилиб меҳмон нону чойи билан,
Жўнатти яҳудини бойи билан.

Ўтиб сўми бир минг, ёқиб жонни ҳам,
Ололмай баҳолаб, олинди гилам.

Окосини ўғлин яна дам-бадам,
Юбормоқчи Масковга — йўқ бир дирам...

Путин олти тийиндин қарор айлади,
Бўлуш оқчасини шумор айлади.

Гулоба бериб узди қиймат баҳо,
Олиб сурдилар кўзга айлаб дуо.

Келиб кимниким оқчаси бор эди,
Униш бир сўм ўлгунча душвор эди.

Агарчанд нахри зиёд ўлса ҳам,
Фанимат кўриб олдилар бешу кам.

Агар қистаса қарзлар ақча йўқ,
Ва лекин бу янглиғ тороқо-туруқ;

Сонур ўзларин Хўжа Аҳрори вақт,
Пиёда жиловиди иқболу бахт.

Сарой — ўрдаси, наздида хон эди,
Ики ёнида юрса икки юзи

Агар хайрдин сўзласа ҳар киши,
Урарким, синар ўгтуз икки тиши.

Гадо қўлида кўрса ногоҳ нон,
Дегай:—«берган одам эмас мусулмон!»

Қилай ман ҳам эмди сўзимни тамом,
Малол овар ўлғай чўзилган калом.²¹

[ДАР ШИКОЯТИ ЛАХТИН]

Мусулмонлар ҳақиға кўзладинг жавру зиён, Лахтин,
Буларнинг ҳам жазоси дер эди: дорул-амон Лахтин,

Карим охун, Қосим даллол пир ушлаб этагингдин,
Хаёл айлардилар инсофлиғ шайхи замон Лахтин.

Керак пулдорларни мунча ҳам қақшатмасанг эрди,
Бўлар иш бўлди эмди эл пулиға тоза тон, Лахтин.

Емай ичмайки, берди икки қўллаб халқ дунёсин,
Иложи бўлса, еб кет, бир тийин ҳам берма, жон Лахтин.

Темир сандуқ дебон хўб муътамад билган кишиларга,
Кетар ҳаққинг агар берганда бир қопдин самон, Лахтин.

Қўйинг, пул қистаманг, гар жон саломат бўлса топилгай,
Мабодо тонмагай деб қўрқаман жоҳил ёмон Лахтин.

Биров куйди, бировлар синди, мунга мунча куймаклик.
Муқимий, қўй на ҳожатдур демоғлиқ: «ину он Лахтин!»²²

[ВОҚИАИ КҶР АШУРБОИ ҲОЖИ]

Ажаб халқ эканмиз, ажаб рӯзғор,
Қизиқ ҳодиса, турфа лайлу наҳор,

Ашурбойдин эшитинг қиссае,
Аё эй бу Фарғонада номдор.

Қоровул уйидин ярим оқшоми,
Баногоҳ бўлди фиғон ошкор.

Маҳалла бу ҳангомадин уйғониб,
Эшигига келди сағиру кибор,

Қоровул, стариши-ю, мингбошилар,
Чопиб келдилар, деб: начук кор-зор?!

Босиб кирдилар бу начук дод деб,
Қоровулнинг уйиға, беихтиёр...

Кўруб дедилар: бой экан, қочиринг,
Ашур кўр ўзи ҳам бўлуб беқарор.

Қўюб томга бир бузуқ норвон,
Қўлидин тутуб кўрни, қилди дучор.

Ики-уч поғона чиқиб, шошилиб,
Йиқилди, синиб шоти, ул мурдавор...

Иториб кетидин пишанглар билан,
Азоб ила томга қилишди сувор.

Қочар эрди томда саросима кўр,
Чалу ростига музтару беқарор.

Халожо эди, туйникидин ани —
Кетиб боши бирлан ўшал нобакор.

Туруб ҳовлининг соҳиби ногихон,
Чироғила нақзи вузуға чиқор,

Халожода пиш-пиш қилур бир нима
Деди: не балодурсан, оёозинг чиқор!

— Секинроқ гапир, мен Ашурбой,...— деди.
Қочиб ўлтуруибман, сенга интизор.

Бу сўзда халойиқ, гулув айлашиб,
Тутиб чиқдилар этгали сангсор.

Қоровулни, хотин, қизи бойни
Гаронишга келтирдилар ҳар чаҳор.

Кириб илгарироқ кордон қошиға,
Сиримни очиб қилма, деб шармсор.

Қўлингга тушуб феъли шайтон билан,
Деди: товба қилдим ҳазорон-ҳазор.

Приступга маълум қилмоқ учун,
Олиб кирдилар тўғри айлаб қатор.

Деди: нега бостинг бировнинг қизин
Бобо ҳожи бўлсанг, купес — молдор.

— Урушиб эди эру хотин бўлар,
Яроштирағали қилган эрдим гўзор.

Урис, тўра олдида мункир келиб,
Деди: туҳмат айлар олуғға ниқор.

Шариатга айлаб ҳавола, деди:
Бу даъвога тейишли қозиға бор.

Ҳақорат қилинган кишилар қолиб,
Тошиб бой сўзи бунда зўр эътибор.

Қачон камбағалларнинг сўзи ўтар,
Агар бўлса ақчанг, сўзинг зулфиқор.

Ниҳони сочиб симу зар сув каби,
Босилди машаққат билан бу ғубор...

› Халойиқға қилмас эди ихтилот,
Агар таъбида бўлса номусу ор.

Муқимий сенга ушбу сўз не керак,
Бўлак ҳар кими қору аъмоли бор.

Ва лекин эшитконга танбих бўлуб,
Қолур сафҳаи даҳрда ёдгор.²³

[ТУЙ]

Эшитинг бир ҳикоя Иқондин,
Тўй ночор қилди Ёлғондин.

Хўжайин берди Тошкентдин тил.
«Тўй қилар бўлсанг, қўй ўзингга кафил.

Ўғлингизни, — дедики, — қилманг тўй,
Балки от тезагини қилманг бўй.

Не керак сизга тўй қилмоқлик
Керилиб обрўй қилмоқлик.

Гар десангиз мени қозон қурманг.
.....

Ман ризомас кишига нон берсанг,
Ё товуқ сақласангу дон берсанг,

Туйнугингдин агарда чиқса тутун,
Мунда бер дастмояларни бутун.

Бўлса уммидингиз агар биздин,
Манфаат кўрмасин бирав сиздин».

Ушбу мазмунда қоқди сим хўжайин
Шод бўлуб эр, хотин дели: «Улайин!»

Соф ният сувики лойланса,
Не ажаб хайр эшиги бойланса,

Кичигу катта, хўрд ила реза,
Қилдилар бир-бирига истеза.

Уй ичи — ўрнига ўюн-кулгу,
Юлушиб юз йиғи-сиғи, қайғу.

Ташқарида қимирлаган эркак,
Бир-бировига аччиғу жиртак.

Тўйга ўз тухмидин хотун демади,
Аччиғидин отаси ош емади.

Тўй-тамашо азога айланди,
Бил ахир турди, куйдию ёнди.

Қўй олиб сўйди арриғ уч сўмга,
Урди гўшт ила ёғини хумга.

Уч кишини маҳалладан оқшом
Чарлади, келди олдириб илдом.

Отларини дейин,— десанг,— ким-ким?
Сартораш, Кўр ҳожи, Сайид Қосим,

Уртага қўйди калласини чиқариб,
«Кўргузинг маслаҳат»,— деди қизариб,

Биров ундоғ деди, биров мундоғ,
Элда айтур чунончи ким тўмтоғ.

Машварат айлашиб ҳоришдилар,
Неча ерга ўчоқ қозишдилар.

Оқибат маслаҳат бу ерга қарор
Топтиким, чиқдилар секин бозор.

Қаллага еткудек биринч ила ёғ
Келдилар олишиб учида оёғ.

Ис чиқармасдин ошни дамладилар,
Анга лойиқ тўқузни ғамладилар.

Учоқ устида гар йўталса бирав,
Ер эди елкасига етти кўсав.

Бири қаттиқ чиқарса овозин,
Билмасин қўшни, деб тутиб оғзин.

Қўшнилар ҳам солурлар эрди қулоқ,
Асарин топмас эрди дегу табоқ.

Дейдиган одамин тутиб номин
Деди: есин келиб ошу нонин.

Етти одамни ўз маҳалласидин,
Қорни тўқ, янги тўн, басалласидин,

Деди шовқунламай имо уйидин,
Мундин, ундин, юқоридин, қуйидин,

Кирдилар тўйга қўл ювиб, дегани:
—«Ҳайра мақдам», деб ўтқазиб ҳамани,

«Тўй муборак», дейишти пешу пас,
Деди — Мундоғ деманг, бу тўй эрмас!

Яхшилар — қилди тўй — деманг зинҳор,
Хўб бўлмас эшитса хешу табор.

Билсалар бойлар — аҳли расталарим,
Ичларида қийин кейин юрарим.

Нима кўп менда — ёру ошно кўп,
Бой кўп, шайху хўжа, мулло кўп.

Етса ногаҳ қулоқлариға бу гап
Обрўйим кетиб қолур-да тугаб,

Мен бир одамнинг одамию малай»...
Занчалиш, эзма ҳам чўзулди талай.

Тўйга кирган ўшал беш-ўн одам,
Деди:— «Хўп гап замонада шу ҳам».

Солди алқисса эски дастурхон,
Қўйди сойил каби неча хил нон.

Бириси юмшоғу бири қотган,
Бири иссиқ, бири моғор отган;

Енг учида қўюлди тўқкиз нон,
Кулчалар тошки, синдирур дандон,

Сузди ош бир ликавда уч кишидан,
Кетти ошни кўриб ҳама ҳушидин.

Ош мисоли табақда кўз ёши,
Курмаки кўп, гурунчидин тоши;

Бир оғиз эмди олдилар янги,
Чиқди лаппак табақ уза чанги.

Фотиҳа жаҳл ила ўқишли туруб,
Келдилар тўйдин уйга оч кекуруб.

— «Икки юз сўм бўлурми, деб, ширавор?»
Бўлгани шул тўйининг охири кор.

Борҳо айтур эрди тўйларда,
Ёру дўстига кўча-кўйларда:

— «Қирқ чорак гурунч олай дейман,
Яна тўйимга етмагай дейман.

Хотирим жам тўғрисидин унум.
Камлигим бир сўқум билан ўтунум.

Бошласам тўй агар қозонни қуруб,
Ўтказинг ўзингиз бошида туруб».

Йўқ бириси-да бу деганларидин,
Тўққузу ошларин еганларидин,

Кўча дарвоза тўй кўни занжир,
Тўкти мискин, гадо йўлига қир,

«Хатми қуръон» қўюлди тўйнинг оти,
Бўлса шундоғ бўлурмида уёти?!

Урди чўт сарфиға тўй, ўтганда,
Тузгача жами ўттуз уч танга.

Ушбу сўзлар, Муқим, эмас ёлғон,
Қўни-қўшниси шоҳиду бурҳон.

Мухтасар бўлди топти сўз анжом
Аддуо, вассалому нома тамом.

[ВЕКСИЛ]

(Завқий ғазалига мухаммас)

Мастур қолмағайким: сўзнинг йўғони чиқди,
Олтиариқлари ҳам вексилни кони чиқди.
Заводни битказолмай Эшонни жони чиқди,
Афсус, эй халойиқ, ишлар ёмони чиқди,
Охир замона маълум бўлди, нишони чиқди.

Ҳар ишки халқимизга ҳокимлар этса фармон,
Қилмай иложи йўқтур душвору хоҳи осон,
Нуқра-кумушларидин бойлар хижил, пушаймон,
Юз дод қилмасунму бечораи мусулмон,
Ҳар тангада миридин яққол зиёни чиқди.

Банд ўлди олди-сотди, фуқароларингни бил, деб,
Пуллар жаримасини қилсанг экан, биҳил, деб.
Бозору бай очолмай қишлоғу шаҳр сил, деб
Арз этдилар халойиқ ҳокимга: ҳукм қил, деб,
Қирқ кунда уч миридин буйруқ дегони чиқди.

Диққат ҳама соталмай, ё бир нима олурға,
Қассоб етди ўзни гўшт ўрнига тилурға,
Солган қулоқларини эл гап недур билурға,
Бозор аҳли, ҳайрон савдо-сотиқ қилурға,
Сўйи самога йиғлаб косиб фиғони чиқди.

Халқеки камбағалдур гўёки ғалтак ўлди.
Ўлганни устига ҳам бир неча калтак ўлди,
Бу воқиа, Муқимий, ҳар ерда дастак ўлди,
Пул-дабба, нарх-қиймат устига пўстак ўлди,
Пўстак (белига) боғлаб Завқий баёни чиқди.

[ҲАЖВИ ХАЛИФАИ МИНГ ТЕПА]

Махзани холи даҳан, тил мори гўё баччағар,
Заҳри қотил суҳбати монанди дунё баччағар.

Дангаса, номардлик майдонида сарпо улуғ,
Муттаҳамлик дафтارين бошида тўғро баччағар.

Ис чиқарган ерда ҳозир мисли шайтон ҳамтабақ,
Қанча сўксанг шунча шилқим; турфа суллоҳ баччағар.

Ботини чўян қозон, қайнар ичида реву ранг,
Зоҳири бир сўфи сурат, қўлда асо баччағар.

Ётқузиб тилсанг баногаҳ қорнидин чиқмас алиф,
Салласин кўрган киши дер:— «Катта мулло баччағар».

Ҳалқада мундин бўлак болонишин йўқ, охири
Қилмағай деб қўрқаман ҳазратга даъво баччағар.

Неча муддат йўқ эди, ул қайданам ҳозир бўлиб,
Ош арусда ҳангираб, кўп қилди ғавғо баччағар.

Шунча қўйнинг пўрдоғу пўстунбасин ўғирлади,
Тозалаб мингтепасига қилди савғо баччағар.

Сурмалар тортиб қачон кўрсанг кўзига, доимо
Ўзга бергай, қўлида ойна, оро, баччағар.

Билмам одам шаклида юрган уммисибъёнмукин,²⁵
Отини тутсанг агар ҳар ерда пайдо баччағар.

Бир пучак пул хайр ногоҳ бир гадо қилса тама
Истаган янглиғ вужудин андин анқо⁴³, баччағар.

Меварад ҳаржо шикамро маҳз пур кардан, дигар
Нест парвойи ғами имрӯзу фардо, баччағар.⁴⁴

Кир ювиб мағзобасин кўпугини олиб йиғиб,
Рўзада қўйғай отин қандин нишолло, баччағар.

Илгари филжумла номусу ҳаёси бор эли,
Қайси кун ҳаждинки келди, бўлди расво баччағар

Борса ҳар ерда уруб беҳуда ёлғон лофу қоф
Дерки: «Султон берди менга етти тилло», баччағар.

Гар асо тутса қўлиға сиз ани айб айламанг,
Воқиянким, кўзи очиқ, ботин аъмо баччағар.

Қилмас эрдим ҳажв, ночор айладимким ўқишиб,
Аҳли донишга бўлур деб дафъи савдо баччағар.

Ҳеч кимни баччағар деб бўлмагай, то бу тирик,
Мундин ўзга баччағар йўқ, ўзи танҳо баччағар.

Эй Муқимий, сендин озоре биравга етмасин,
Душманинг ҳам бўлса ҳаргиз дема асло баччағар.²⁶

[ТУРФА НОДОН БАЧЧАҒАР]

Кўрмадим оламда сандек турфа нодон баччағар,
Суратингни кўрган одам дерки, шайтон баччағар.

Бу қадар расволиғингдин эътиборинг йўқ сани(нг),
Бу сабабдин сотасан ўзингни арзон баччағар.

Гоҳ тўқимни олиб қорнингга, айлаб акслик,
Бе низом эшакка ўхшаш беқуюшқон баччағар.

Доимо йиртиқ кийим бирла юурсан кўчада,
Янги киймайсан эгнингга ҳаргиз иштон баччағар.

Сан билан қилгон киши суҳбат, қулоғи кар бўлур,
Доимо ҳар ерда бўлсанг лофу ёлгон баччағар.

Билмайин сўз айтасен ҳар ким юзиға чоптируб,
Беҳаёю, беадаб, оғзи паришон баччағар.

[ДАР МАЗАМАТИ ҚУРБАҚА]

Пирларинг ҳаққида кўп қилманг фиғон қурбақалар,
Дам туринг, битти қулоқлар лаҳза, жон қурбақалар.²⁷

Бошқа вақти майли гавго қилсангиз, хомўш ўлунг,
Шаҳардин келган эдилар меҳмон, қурбақалар.

Бош чиқориб ҳавздин ҳардам надур фарёдингиз,
Еки бу масжид деб айтурсиз азон, қурбақалар.

Ҳеч ҳавзу, ҳеч кул қурбақасиға ўхшамас,
Барча калладору фарбеҳ паҳлавон қурбақалар,

Хоҳ-нохоҳ Минг теппа деб, ўйлаб қилурсиз зикри жаҳр,
Ҳовз давринда ҳама масту пиён қурбақалар.

Не учун домла имомдин қўрқмассизлар, агар,
Бир сиёсат бирла бўлдингиз ниҳон қурбақалар.

Илгари эркан Ойим қишлоқ, Муқимий, эмди хайф,
Баччағар оқ дўппилик қорни йўгон қурбақалар.²⁸

[А В Л И Ё]

Бошларида шапка гоҳе, гоҳ дастор авлиё,
Қўлларида субҳаю бўйнида зиннор авлиё.

«Тавба» денг охир замона чиқса бу янглиф чибок,
Ҳар (хотинга) ошиқу ҳар (қизга) хуштор авлиё...

Шул эрур кашфу каромотики бўйлаб субҳу шом,
Чиқса ҳар ердин бир ис ҳозир хабардор авлиё.

Доимо бепарда сўз халқ ичра айтур беибо,
Бўлмагай деб қўрқаман ногоҳ сангсор авлиё.

Тоза илкини ювиб, ейдур ҳалол англаб гумон,
Учраса ҳар ердаким макруҳу мурдор авлиё.

Гар муқаллид бўлса пўстун бирла тоқат қилмасанг
Муз қизиқликлар, ёғар тақлидидин қор авлиё.

(Гавдасидин) йўқ бўлак оғирлиги дунёда ҳеч,
Охират сори сафар қилса, сабукбор авлиё...

Филҳақиқат бўлма гафлатдин бадандеша, Муқим,
Баски шуҳрат топти расволикда бисъёр авлиё.

[ЧОЙФУРУШ]

Қилган жувон бўлиб, битта хуштор, чойфуруш
Кўрсанг қачонки мурдакови бор чойфуруш.

Белбоғ сотилди, бир неча кун хўжайин қилиб,
Аммо бир кун муюшда дўкондор чойфуруш.

Қим сўрса нарх иккиси бирдин баҳо қўйиб,
Қилгай гаранг келса харидор чойфуруш.

Пойлаб емакка бир нон олиб бир-биранини,
Тиқ этса ғалладонга хабардор чойфуруш.

Беизни хўжайин тийнини қилса сарф агар
Тушкай дўконга қулф баякбор, чойфуруш,

Кундуз ҳавоси ер билан осмонга сиғмаган
Лек ақшом... ёмон хор чойфуруш...

Нисбат қилурға арзимагай ҳажв ҳам ўшал,
Кетсун, қўй эмди, садқан ашъор чойфуруш.

[УРУҒ]

Бошлади мардум аро шўриши маҳшар уруғ,
Айлади чун рўдапо халқни музтар уруғ.²⁹

Нонини бултур еган, пойлаган эрди алар,
Ҳайф куйиб ақчаси қилди чу ахгар уруғ.

Зарда қилиб жонивор, бўйлаки хор қилдилар,
Қолмаса номдин асар, бўлмаса хуштор уруғ.

Ҳикмати парвардигор, банда таажжуб қолур,
Бўлди чу хоки сиёҳ зарга баробар уруғ.

Кимгаки ўтказсалар, ваъдага олганига
Насъяга ҳам олмайин, эртаси қайтар уруғ.

Учраса гоҳ бир таниш, қўлини маҳкам тутиб,
Қўймайин аҳволига, ҳасратин айтар уруғ.

Кўрди ўтар ошно, дерки, деса: «камнамо»,
Бўлди бошимга бало, бор эди камтар уруғ.

Қайдаки дарвешлар қўйға олур фотиҳа,
Дебки, дуо қил сотиш бўлса муяссар уруғ.

Қозилар иқболига тухмнинг жанжоли кўп,
Битса агар муфтилар фатвойи маҳзар уруғ.

Хирмани сармоясин боди зарарга бериб,
Бир неча бойваччани қилди қаландар уруғ.

Сўзни, Муқим, мухтасар ўлмоғи яхши, вале
Қанчаки оз, айласам шаънига дафтар уруғ.

[ТАР МЕВАЛАР]

Оҳ не кунким есанг, тайёр экан тар мевалар,
Қадри чандон йўқ экан—бисъёр экан тар мевалар,³⁰
Хоби роҳатбахши жисми зор экан тар мевалар,
Ушбу йил Фарғонамизда хор экан тар мевалар,
Боғлиқ одамга ёмон душвор экан тар мевалар.

Юртлар мингбошилари [ҳам] келдилар ёниб — тутаб,
Нозу неъмат журмини Хўқанд уёзидин тилаб,
Мухтасар айлаб тамоми муддаосин — мунтахаб
Қилди деҳқон арз ҳокимга, дедиким яхшилаб
Сотмағил, фармойиши жондор экан тар мевалар.

Зомуча чиққан назарлардин тушиб беихтиёр,
Бир тийин берсанг этаклатмуш эдилар бешумор,
Ҳеч арзон қолмас эркан қиммат этмай рўзгор,
Бодиринггу олуца халқ ичра топти эътибор,
Ўзгаси то ҳандалак бекор экан тар мевалар.

—«Олма, ўрукни киши бозора олиб келмасун,
Чунки иллатлик, еганларга балоси тегмасун,
Бир мусулмон, от тутиб, шафтоли чилги демасун,—
Рус ҳукуматдонлари манъ этди,— мардум емасун,
Есалар, офат тегиб ўлор экан тар мевалар».

Боғбонлар ҳам бўлурми боғиға кирсанг тажанд,
Миннатидин умрлар кирган чекар эрди газанд,
Дарҳақиқатким бузуқ ниятлари бўлмай писанд,
Чилги, шафтолу—кепак бирлан, чигитга икки чанд,
Сотқучи қишлоқ юриб, аттор экан, тар мевалар.

Қўрани пайкалга деҳқон ҳам темурлардин қуруб,
Кимки ўтса илкидин олўр эди итдек ҳуруб,
Феъли бадларни ажаб бўлди жазосини кўруб.
Сой, ариғларга сават бирлан палиска оғдариб,
Пишганидин бўғулиб безор экан тар мевалар.

Ошкоро боғда зардолу тералмай ҳайфким,
Бир қошиқдонда биравга келтуралмай ҳайфким.
Тош-тарозулар қабоқлардин қуралмай ҳайфким.
Шаҳрга бир дона саҳродин киралмай ҳайфким,
Муртади ҳар растаю бозор экан тар мевалар.

Сифлапарвар чарх еткурди фалакка нолишим,
Қалтираб, титраб бўлунган эрди тобистан, қишим,
Ғарқ пишган кўкча қовун, тегмагай аммо тишим,
Ез ҳам неъмат билан, шундоқ гузарлар чўлким,
Чорсу, чорсу дер экан, тар бор экан тар мевалар.

Турфа иссиғким ҳаволар тобиши нори жаҳим.
Ҳар нафас айлаб ҳароратлар фузун ўтлуғ насим,
Ташналиғдин ҳўл табиат хоҳлади қайтиб дамим,
Ваъдалар қилди келар йил айлайин рўзи Муқим,
Едириш мендин, бу йил қарздор экан, тар
мевалар.

[ҲОЖИ ҚАДОҚЧИ]

Домиға тушмаган кам турфа тузоқчи Ҳожим,
Бермайди қилса нася судраб, чатоқчи Ҳожим.
Енгил ҳазилни билмас, нозу фироқчи Ҳожим,
Кўрғанда сўфи кундуз, оқшом қароқчи Ҳожим,
Минганда ўзин олғай эшшак, улоқчи Ҳожим.

Бечора камбағалсан, филжумла тарз косиб,
Чиқмайди чўнтагингдан урғанда бир сўм осиб,
Ҳар ким билиб йўлини юрса, изини босиб,
Илкиннга қўндуруб куш, ул сенга номуносиб,
Боқиб ўзингга иш қил, касбинг қадоқчи, Ҳожим.

Ҳар ерда кўрса шубҳа, билгай ҳололу тоҳир,
Ботинда бухлу кина, ҳар кимга дўсти зоҳир.
Оч қолса каллапазлар шўрбоси борса ҳозир,
Бу билмаган ҳунар йўқ, ҳар қайси касба моҳир,
Ҳоли темирчи уста, ҳоли сувоқчи Ҳожим.

Халқ айди, келди чакки, дўконга келганингда,
Келмас эдинг бу одам олдиға билганингда,
Олдингда дўсту душман гар унда жилганингда,
То етмагай губоре, деб қўрқамен ёнингда —
Эй, Тожихон қароси юққай, бўёқчи Ҳожим.

Мажлисда лоф урманг, бор деб терак боғимда,
Давлат шукур бажодур, йилқиларим тоғимда,

Ҳовлимда мунча ғалла, хумлар тўла ёғимда,
Иблис ҳийла дарсин анда ўқур чоғимда
Улганда панд бергай, келса сўроқчи, Ҳожим.

Ногоҳ бир тарафга қилсанг агар сафар сен,
Чиққунча то шаҳардин эллик тушуб қўнарсен,
Ҳар бир овулда ётиб бир кечадин тунарсен,
Олдинда ҳоли тикмиш йиртиқ, синиқ қадарсен,
Бир ерда хўб яраштинг икки ямоқчи Ҳожим.³¹

[ГАП ТУҒРИСИДА ГАП]

Ҳар кишиким кўрпасига пой узатмайдур қараб,
Сал вақт ўтмаски кўзлар жониби Шому Ҳалаб,³²
Сўрсалар ушбу шикоятга буродарлар сабаб;
Ғозиёғ³³ ликда зимистон ер эди бир жўра гап,
Карру фарлар бирла бир-бир қочти, қолди гап тугаб.

Ҳожати теъдод эмас, даркор эмасдур отлари,
Мардум устидин ҳамиша, еб-ичиб авқотлари,
Ҳеч Қорундин кам эрмас еру сув, давлатлари,
Кўча-кўйда кўрсангиз от ҳуркитар савлатлари,
Уйларида ой ўтиб чой ичмагайлар ўт қалаб.


Лоф рахшин катталик майдонига харён суриб,
Қўл билан ҳар дам бурутларни юқорироқ буриб,
Юз тарафдин сўзга ёлғондин масаллар келтуриб,
Жўра дастурхонларида чорзону ўлтуриб,
Пашмаку ҳалвони урғайлар нишолдога булаб.

Маърака, мажлисда олур ўзларини Таҳматан.³⁴
Ишлари даъво-ю манманлик агар кўрсанг қачан,
Муфт базм, улфатчиликка дўппи қайтоқи чапан,
Ҳеч эркаклик ярашмас, хўби шулким мисли зан
Эмди уйда хапгина ўлтурсалар кокул тараб.

Ҳақларига оз эди ҳар қанча чакки сўз десанг,
То қиёмат кам агар ҳар қанча дашном айласанг,

Боз кетган устига кетган масал бордур, кесанг
Ичкараси бирла ҳам эмди таваккал гап есанг;
Эрлари ўрнига шояд хотуниндин тегса гап.

Гаплареки, еб кетиб қарз ошни қилмаслар адо,
Қўрқаман улфатчилик барҳам егай деб ўртадо,
Аҳли ҳимматлар қаниким, айласанг жонлар фидо,
Кулмайин найлай Муқимий товба деб, ушлаб
Бўлса хотундин хароб эркак, замони бул



Муқимийнинг „Лайлак“ сарлавҳали сатирасининг муътабар қулёзма нусхаси. Алоҳида қоғозга ёзилган бу нусха шоир ва драматург Собир Абдулланинг шахсий кутубхонасида сақланади.

[ЛАЙЛАК]

Бўлур оқ сурати лайлак магарким сан қаро лайлак,
Бошимдан айланиб кетмассан чунин осие лайлак,
Сафар қилсанг Сибир кет, муфт аз баски киро лайлак,
Улоқ чопсанг, йиқилсанг, бир куни қилсанг қазо лайлак,
Санго гўрков ҳассам, (таёқларим) туткай азо лайлак.

Наҳорда маргимушни каффа от ўлмай десанг хар-хар,
Етиб ер тишлаб ўрнимдин агар турмай десанг хар-хар,
Жаҳонда ер босиб бир лаҳзае юрмай десанг хар-хар,
Агар бир умр безгакни юзин кўрмай десанг хар-хар,
Қаду бастингга қилсун эрта-кеч эшак... лайлак.

Борурда Марғилон айланма қумларда ҳориб қолсанг,
Емакка нон тополмай кўча кўйларда ғариб қолсанг,
Мабодо деҳу қишлоқлар оросига дориб қолсанг,
Бўлуб ногоҳ мусофир бир вилоятга бориб қолсанг,
Қилиб иззат сани ҳар ерда берсунлар ғизо лайлак.

Соқол от тўрва, оғзи ғор, ҳама бору йўқи ишкам,
Гапургай лоф уруб ҳар ерда дунёни иши миркам
Намоз ўқи, десанг дерким, мусулмонлиғ йўли

кам-кам,

Бўлур лайлак деган ингичка, нозик, новчаю ихчам,
Магар сан бошимизга ким бўлуб келган вабо лайлак.

Ҳамиша муддао шулдурки, ҳаргиз бе (...) ўтмай,
Ювинди кўрса ҳар ерда йўқ имкони ялаб ўтмай,
Қутурган ит каби мумкин эмас элни талаб ўтмай,
Биров бирла қалин бўлса ородин ҳеч гап ўтмай,
Ажабким кўзи чаппа эртаси ноошоно лайлак.³⁵

[АСРОРҚУЛ]

Садқаи одам кету юз ҳайфисан, Асрорқул,
Заҳр ичкан, кийгонинг бўлсун кафан, Асрорқул.

Қайда ким борсанг чекиб, элдин уқубатлар мудом,
Бўйнинга ҳар ерда солсунлар расан, Асрорқул.

Аксари умри (...) ўтуб, еб тўймаган,
Сингдиралмай эрта кеч урган ҳасан, Асрорқул,

Янги Қўрғондин келур хирмонга нон қуйгай, магар,
Хуржунида нўшқати зоғу заған, Асрорқул.

Эгнида оқ жома-ю дасторлар зоҳир вале,
Қоп-қаро ботинлари деги чўян, Асрорқул.

Бор экан келмасун, одам гадә деб бир умр,
Устидан дарвозасини қулфлаган, Асрорқул.

Саллаи харроти-ю, уст-бошлари навъи силиқ,
Юзни совунлаб, ўзини сирлаган, Асрорқул.

Ҳайф Маҳдумхонки, бўлмиш улфатинг қишлоқда,
Баднамо, бадбўйсан, сассиғ сухан Асрорқул...

Катталиқлар номуносиб санга, сан кимсан ўзинг,
Улганинг яхши бўлуб эрдинг қачон, Асрорқул...

Манқаси бурнидин оққон турфа ифлосу палид,
Ош еса беш панжаси ҳам дар даҳан, Асрорқул.

Панд эрур санга — Муқимий — ушбу сўз ҳажв айласам,
Бош олиб кетсанг керак бу шаҳрдин, Асрорқул.

**[ДАР МАЗАМАТИ САГЕКИ, ЭЛЛИКБОШИ НОМИ
НИХОДА БУДАНД]**

(Элликбоши деб аталган бир итнинг ҳажви)

Қарилиғ юки тушубон манга, қади мавзуним букулиб
кетиб,
Соқолим оқи ўлум элчиси, яна хотирим чўкулиб кетиб,
Муни устиға лақабим ёмон, қутулаймукин кўмулиб
кетиб,
Ула қолайин тирик ўлгуча, ҳама жунларим тўкулиб
кетиб,
Тожик аҳлини чориғи каби, жигарим чоки сўкулиб
кетиб.
Баданим чақа анга йўқ чақа, десам ман ҳануз раги
кўрсатай,
Бу касал мени дами қўймағай, қичишиб десам нафаси
етай,
Бу аламлари ила юргуча, қилингиз дуо ўлубон кетай,
Нони қоқи манга берадур тишим ўтмаса на илож этай,
Яна қолмади тўкулиб тишим, суяк оғзими ўпуриб
кетиб.
Тура тур дами эшит арзими, ака суфиё санга айтайин,
Жилиир каби жасадим қўтур, бу ситамларим кима
айтайин,
Чиқайин десам кўча сори эл, деб элликбоши қилишур
қийин,
Кеча-кундуз истиқоматим, ҳамма муллага тешилиб
биқин,
Яна вақфдин манга бермағай, қопойинмукин
қутуриб кетиб.
Манга муллалар қилибон жафо чилвир ила бўйними
боғлади,
Бўғубон ёмон йиталаб юруб, томоғимга кескини
жойлади,

Йиғилиб ҳама мени қўймайин, элликбошиликка сайлади,
Мединскийга қилойинму арз, бу саҳар мени хафа айлади,
Дам-бадам келиб сўфи баччағар, манга чангитиб
супуриб кетиб,

Бу жаҳонда бир мусофирам ва на манда она на падар,
Дер эди мени бу шаҳар ичи кучими борида шери нор,
Бу жароҳатим сиза арз этай, ўлумима бердилар хабар,
Ётиб эрдиму кўз эди юмуғ, «мана нон» деди битта
баччағар,
Хира қилди табъими бир киши, очсам оғзими
тупуриб кетиб.

Қилиб илтижо сўфиға дедим: «қичиди таним баданим
сила,
Увалаб эзиб қичи (қўлларим), мана манда нифти тўн
тила,
Касал устиға хафа қилдилар, сабаби буким қиламан
гилз,
Кўчага қувиб чиқадур уриб, бир охун акам зулм
ила,
Белима тепиб битта боққолинг, чиқа ёзди жон
зузулиб кетиб.

Неча кун эрур тумов ўлмишам, яна кўк йўтал юрагим
эзар,
Тилаганда табъ бир таом қилиб, бергали қани бир
табор
Едуруб манга сўфи ўн собун, дилим авлабон деди «жун
чиқар»,
Қичима хориш бўлубон букун, кўтарурга пут қани бир
мадор,
Турайин десам йиқилай дедим, оёқим кеча чўзулиб
кетиб.

Ҳама он хомуш бир эшитмагай киши ҳеч қийл ила
қолини,
Йўқ эди дейин деса муниси ғаму дарду ҳажр малолени,
Элу халқдин кўзини юмиб, мўйини юлиб пару болини.
Демас эрди бошиға келса тиг, эллик боши кимсага
қолини,
Деди ноғиҳон тўлуб ўпкаси эски дардидин қўзулиб
кетиб.

[БЕДАРАК КЕТДИНГ, ОХУНИМ]

Неча кундур бедарак кетдинг, йўқолдинг, охуним,
Ногихон бетоб бўлсанг ихтимолдинг, охуним,
Еки бир ёре ила бир ерда қолдинг, охуним,
«Хўб келай деб кечқурун» келмайки қолдинг, охуним,
(Ет) каби кўрганда хижлатдин уёлдинг, охуним.³⁶

Лозим эрди ётибон уйқуни урмоқ қай кеча.
Эй кўнгулларга тушиб суҳбатни урмоқ қай кеча,
Йўл тегиз бўлса хаёл этдинг югурмоқ қай кеча,
Санга ҳам осон эмас лойлоқда юрмоқ қай кеча,
Мисли ит қувғон бузук — келгунча толдинг, охуним.

Дўстлик шундоғ бўлурми ҳафтада бир келмасанг,
Одамиятликка расмин қайдоғ эркан — билмасанг,
Хат юборганда келурсан бир ўзингча келмасанг,
Лозим эрди ваъдага мундоғ тахаллуф қилмасанг,
Синдингу лах-лах бўлуб эмди ушолдинг, охуним.

Деб эдинг: «бир кун бориб ҳасратлашиб ётмоқчиман»,
Алдадинг келмай ва лекин санга алдотмоқчиман,
Бу ишингга эмди мен отларга судратмоқчиман,
Бир ўшал жонибга борганда кўруб ўтмоқчиман,
Сўрсалар бек жонларим лоҳаз йўталдинг, охуним.

Уз маҳалланг хўб бепарво юарсан, беибо,
(Еш, ялангларга) уялмай сўз қотиб беҳаё,

Кўринур кўзларга, лекин, суратинг сўфинамо,
Такъя лаб, жарлар, самовору оқарсув, хуш ҳаво,
Мунча ҳам сероб экан обод олдинг, охуним.

Ёгса ёмғур, ўтса чакка хона таъмирин бузар,
Эртароғ том теп чиқиб, тарновлар остидин сизар,
Кўп пулинг чиққан иморатлар юрак-бағринг эзар,
Беш ёғоч дарвозасини лойиға отлар сузар,
Ул кеча келдинг яёв, қайдоғ ўталдинг охуним.

Назмни бигишлигина айёмдин охун қадим,
Ўқимай «охун» бўлиш осону табъингдур салим,
Маст бўлуб олдиға қўй чексун тамоқунинг чилим,
Дахли йўқ сўз бирла кўнгул чоқини кўклар Муқим.
Гўиё уста ямоқчи новҳа чолдинг охуним.

ЮМОРЛАР

ТАЪРИФИ ПЕЧ

Совуқ қайда экан ороми жон, печ,
Дегайким баъзи нодонлар: ёмон печ.

Эшикдин қалтираб келсанг иситгай,
Ки мушфиқ волидангдин меҳрибон, печ.

Совуқ душман бўлиб урса шабохун,
Қилурға дафъи ул соҳибқирон, печ.

Зимистон фаслида қурсанг уйингга,
Ҳузури дил, чу боғу бўстон, печ.

Чу тортиб келса лашкар қору борон,
Ўзи танҳо қочурғай қаҳрамон печ.

Келур на сандали тўғри, на гулхан,¹
Чиқорғонин, Муқим, эткай омон, печ.²

[КҮСАМЕН]

Оҳ, соқол қадри ўтуб, кўнгулда армон кўсамен,
Ҳафтада ойнаға боққанда ҳайрон кўсамен.

Барчада бўлса соқолу менда бир тук бўлмаса,
Йиғлабон ушбу аламдин гоҳ пинҳон кўсамен.

Сен ёшим сўрма, билолмайсан, ўзим ҳам, шунчаким,
Катта-катта мўйсафидларга падархон кўсамен.

Еш гумон этма кўриб аптим, соқолим йўқ учун,
Маллахондин³ қолган эски қарри таллон кўсамен.

Бўлма овора, билолмайсен суриштирган билан,
Бир чигилменким, ешилмас асли чистон кўсамен.

Еш гўдак бирла кураш тушсам чиллакдай оширур,
Суратим кўрсанг агар ўлгунча полвон кўсамен.

Ҳар шаҳарда кўп агар юрсам, бир ой юргум келур,
Найлайн савдойи, аҳволим паришон кўсамен.

Найчилик бўлди фалак бедодидин охир ишим,
Йўқса, бир вақтида сурган даври даврон кўсамен.

Жағларим Шайдонни даштидек гиёҳ йўқ яп-яланг,
Энгакимдин бир Оло Маҳрам намоён кўсамен.⁴

Сўрма мазмунини қил найдин қиёс аҳволими,
Езу қиш ҳар ерда мундоғ соҳиб афғон кўсамен.

Бир фақирдин бир фақирни, дўстлар, тутманг дариг,
Бир дуоғўйи Муқимий мен қадрдон кўсамен.

[ҲАЙРОН КЎСАМЕН]

Қамбағал бир тўда гўдак ичра қолган кўсамен,
Рост хоҳиким, гумон қил, хоҳ ёлғон кўсамен.

Кўп бўғулганман, ҳаво иссиғ, кетарман эрта-кеч,
Дафъи савдо қилғали ўшу Аровон кўсамен.

Уйға овқати учун ун-мун олиб бермоқчиман,
Бир тийин йўқ, дўстлар, ёнимда ҳайрон кўсамен.

Гоҳи беҳуд, гоҳ худ ҳолимға йиғлаб, гоҳ кулуб,
Алғараз ким бир нафасда неча алвон кўсамен.

Эрта бирлан бор жанозамға хабар даркор эмас,
Ош емай ёткан кечим, албатта, ўлгон кўсамен.

Зийнат эркакка сақол эркан, соқолим йўқ учун.
Халқ оро ўлгунча шумшук бад намоён кўсамен.

Хайр мардумда, Муқимий, кам қолиб тушмай чақа,
Най чолурға қолмаган бир зарра дармон кўсамен.

[ПАРИШОН КЎСАМЕН]

Езда иссиғда куюб, ҳар ерда юргон кўсамен,
Хоҳи шаҳру, хоҳ саҳрою биёбон кўсамен.

Зиндалиғ водисида тентуб гадолиғлар билан,
Бир қадамға қолмаган юрмакка дармон кўсамен.

Найлайн овора бўлмай мулкида Фарғонанинг
Камбағалликдин ниҳоятда паришон кўсамен.

Бораман савдо қўзуб, Мажнун сифат фасли баҳор.
Кўзга хокин сурмака Тахти Сулаймон, кўсамен.

Якка нафсимға гадолиғ айласам, андоғ эмас,
Жўжаси кўп қип-қизил деган: «Қани кон?» кўсамен.

Даҳр базорин харидориға саққол эътибор,
Бесоқоллик дардидин ҳар ерда арзон кўсамен.

Киссаларни, яхшилар, ковлангки шундоғ най чолиб,
Кетмаган то бир пақирдин олмай осон, кўсамен

[ДЕВОНАМЕН]

Дўстлар, бечора, қашшоқ камбағал девонамен,
Най чалиб, ҳар ерда ўқуйман ғазал, девонамен.

Беқаноатлик гадо қилди, дарифо, ноилож,
Бандалик шартида, лекин беамал девонамен.

Салла, оқ тўнлар кўруб, сохтимни инкор айламанг,
Бўлмасам ҳамким асл девона, кал девонамен.

Хайр этинглар бир тийиндин кечаси дегжўш этай,
Одатим шул: ош емай ётсам касал девонамен.

Ғудойиб турмай беринглар бир пақир, хоҳ бир мири
Аср қичқирғон хурусдек, бемаҳал девонамен.

Хира шилқимлиққа ҳам йўқдур ўзумнинг тоқатим.
Зардаликмен гарчики дуну дағал девонамен.

Мардикор иш қил, аёқ-қўлинг бутун найчи деманг,
Най агар чалсам бажомен, ишга шал девонамен⁵.

[O T]

Урма бир қамчи, олуր минг интиқом, ўлсун бу от.
Тишлабу тепиб ўтар умри мудом, ўлсун бу от.
Ҳеч кишига бўлмагай чун ваҳши ром, ўлсун бу от,
Тоб йўқ афтини кўрмоққа, ҳаром ўлсун бу от,
 Ҳайфдур ҳаргиз суғорманг, ташнаком ўлсун бу от

Турфа қирчангию, санғи, хираю бадкордур,
Фикри-зикри доимо андешаси озордур,
Шовқунидин, эл миниб чиқсанг агар, безордур,
Гар сафар қилсанг бирав ҳамроҳлиққа зордур,
 Шатта солғай йўлда ким қилса салом, ўлсун бу от.

Бад қабоқ, сурат совуқ, рангида кўрким қони йўқ
Бедани чайнаб ютарға тиш била дармони йўқ.
Ҳар қадамда қоқилур жисмида лоғар жони йўқ.
Минган одам бўлмаса мажруҳ то имкони йўқ,
 Гўйё қайрага тиғи бениём, ўлсун бу от.

Доғули хислат, муғомбир, феъли-атвори қизиқ,
Боғласанг бир ерга, келсанг ноғиҳон қайтиб ешиқ.
Бермагай тутқич, мисоли сабчибон ўғри мишиқ,
Гарчи ҳанги, жанггаридур, кошки бўлса пишиқ,
 Ўлгуча қўшу жувоз бобида хом, ўлсун бу от.

Зарра минганда ҳузур ила ҳаловат кўрмадим,
Шумлигидин ҳеч бир манзилда тинчлик кўрмадим,
Эрта оқшом пуштлаб, бир лаҳза емсиз қўймадим,
Қанча боқсанг силга ўхшаб, ранги чиқмас билмадим.
 Синдуrolмас, еса рад қилғай таом, ўлсун бу от.

Яхшиси бул: бош кесинг қилганда тўй, айлаб сўқум,
Ё муҳимми хайра қўш, ўрнига қўй айлаб сўқум,
Ҳожат эрмасдур йўқотғил гуфтгўй, айлаб сўқум,
Дум билан ёлин кузаб, жаззоси сўй айлаб сўқум,
Парчаи жул, садқаи зину лоҷам ўлсун бу от.

Дафъатан тўхтар йироқдин бўлса бир одам дучор,
Анга боқиб кишнагай оғзин счиб чун аждаҳор
Қайтадур ночор ўталмай орқасига, кўча тор.
Садқаи.ему хашак кетсин, қўйинг очу наҳор,
Эртароқ етсун ҳалокатга тамом, ўлсун бу от.

Чап бериб, пойлаб тепарга устухон йўқ этида,
Ёндашиб бормай йироқроқ тур охурнинг четида,
Дўст бўлмай дур — масал — туклук нимарса бетида,
Олдин келсанг оғиз солгай, мабодо кетида —
Тепадур хоҳи чуқурлиқ, хоҳ том, ўлсун бу от.

Хуркуб ўтмас ўлса кўзига кўринса бир гиёҳ,
Ботинолмас анга бир эллик чуқурча — катта чоҳ,
Чўчимасдин ким қилур ўзига-ўзи иштибоҳ,
Икки қўл доим яқода шарридин истаб паноҳ,
Минган одамни қилур субҳини шом, ўлсун бу от.

Қимса бозора сузиб дум, эй Муқимий солмади,
Бир харидори чиқиб, олган пулимга олмади,
Нечаким бадбахт тadbир айладим сотилмади,
Тобу тоқат менда эгарлаб минарга қолмади,
Келганига олса сот, эмди ҳаром ўлсун бу от⁶.

[ҲАЖВИ ОТ]

Эй сипеҳри макраMAT, в-эй меҳри буржи иътило,
Шахси олинг айламиш ҳақ мазҳари иззу ало,
Бўлмишам мен хаста ҳар турфа балоға мубтало,
Яъни отимдур бошимға бир ало кўзлик бало,
Барча кулғай арз агар қилсам мен ушбу ҳожатим.

Бир отим бордур, аё шаҳзодан олий мақом,
Кимса кўрмас бу сифат този нажоду хуш хиром,
Йўл юрур вақтида қилғой гаҳи ғамза, гаҳ мақом,
Ҳар қадамда бир неча қуллуқ қилиб айлар салом,
Ким анинг авзоидин ҳар лаҳза ортар ҳайратим.

Ему ўт берсам егай туфроғ ҳам тоши била,
Қорни тўйса сувга имо айлағай боши била,
Йўлга кирса сув ичиб бурни оқор ёши била,
Ҳар қадам қўйса агар мункиб кетар боши била.
Халқ ичинда ортадур шармандалиғдин хижлатим.

Неча ёшга кирган эрконсан дебон сўрдим хабар,
Деди: «Ман келганда йўқ эрди бу оламдин асар,
Неча йилдин сўнгра пайдо бўлди авлоди башар,
Бу жаҳонда оту эшшак хоҳи мода, хоҳи нар,
Жумла мандин тарқагон авлодиму зурриятим».

«Чув!» десам кўздин оқизғай йиғлаб ашки шош қатор,
Гулдуруклаб йўрғалар, аммо бёғи бемадор,
Ногаҳон ул йўлда кўпрук сиз ариғ келса дучор.
Ултуруб йиғлар ўталмай оҳ тортиб зор-зор,
Ман ҳам анда йиғларам, раҳмим келиб, ҳам
диққатим.

Дерман: «Эй оху тану този нажоду хуш хирад.
Сен кечургайсен кезиб бу олам ичра неку бад,
Бу аригдан сен сизин ўтмакка йўқдур манга ҳад,
Ҳазрати Дулдулни(нг) рухидин талаб қил бир мадад.
Девзодим, сар-сарим, шабдез соҳиб иззатим».

Чун бу сўзларни эшитса қайнабон тошиб кетар,
Меҳр ила чайнаб сўлуқ тиши ғижирлашиб кетар,
«Ёпирим!» деб сакраганда теплашиб, шошиб кетар,
Шалп этиб сувға йиқилғоч дўмбалог ошиб кетар,
Ман ҳам анда йиқилиб беғоят ўлғай кулфатим.

Кўп имирлаб эртадан оқшомғача айлар шитоб,
Тентираклаб, ҳансираб, ҳам қалтираб тортар азоб,
Нега тош юрғондек аҳволи бўлур терлаб хароб,
Уч қадам юрғон экан диққат била қилсам ҳисоб,
Аччиғи келгай агар билса ҳисобу диққатим.

Нўхтаси пўлод ўлуб, арқон темур бўлса узар,
Ҳар тараф борса қочиб ҳангомаи махшар тузар
Ҳар на келса рўбарўға тумшуғи бирлан сузар,
Турфа ишлар илгари таҳсин ҳунарлар кўргузар.
Ким борисин шарҳини кулмоққа йўқдур қудратим.

Бир куни боғлаб салома кирмиш эрдим менфигор,
Дафъатан ўзмиш лажомин ул яъни нобакор.
Йиғилиб калтакламишлар они халқи бешумор,
Бўлди дарвешонада шўри қиёмат ошкор,
Эшитиб мен ушбу сўзни ҳаддин ошди ҳасратим.

Бормиш ул бозорга гоҳи чопиб, гоҳ йўрғалаб,
Қайда борса қувламишдур оти оту ит талаб,
Куйдурубдур тўкинисон бусапазлар ўт қалаб,
Йиқилибдур лой аро кўп энтикуб, кўп ҳарсилаб,
Бедаракдур эгару анжоми бирла савлатим.

Йиғилиб бошим аро халлоқи олам бандаси,
Ушбу ҳолатдин етиб кўкка алрани(нг) хандаси,
Оти қурғур жумла махлуқотнинг шармандаси.
Мен изо тортиб, улай деб, халқ сарафкандаси,
Мотамилардек булуб ул мажмуъ ичра ҳайъатим.

Ҳосил улким етти андин манга бу янглиғ малол,
Келдим уйга хастау шармандау ошифта хол,

Бори ғам қилмиш эди чеҳрамни зард, ашкимни ол,
Хушим элтар эди савдо била ҳар сӯе хаёл,
Дарғаҳинг сори ҳидоят қилди ақлу фикратим.

Сан сен истихқоқ бирла сарвари олий мақом,
Мутгакойи аҳли фазлу муқтадойи хосу ом,
Комронлиғ маснадида шодком ўлғил мудом,
Издиёди давлатингни ҳақдин истаб бардавом
Кеча-кундуз сидқ ила қилмоқ дуодур одатим.

[БУ ОТИНГИЗ]

Эй афанди, сахт берафтор экан бу отингиз,
Турфа, лекин, доғули, айёр экан бу отингиз.

Гар синаб бир қамчи урсангиз муғамбир ғаш ёқиб,
Ходими қилган киби ухлор экан бу отингиз.

Елиға қўйсанг гиру боғлаб тегирмон тош ила,
Бир қадам юрмай дуруст қолор экан бу отингиз.

Урнидан турмай ётиб ер отингиз ему хашак,
Етмай охурга боши ночор экан бу отингиз.

Кўз очолмайдур финак бориб, магар кайфи баланд.
Ичкани сув ўрниға кўкнор экан бу отингиз.

Суратини кўрган албатта гумон айлаб дегай:
«Зўр улоқчи, пойгачи, тулфар экан бу отингиз».

Сизга жон ҳожат эмас, лойиқ экан бу дабба от,
Боби кети-кеттики аттор экан бу отингиз.

От қуйиб сотмиш, Муқимий, отини жаллоблар,
Бўлмаса бир эшаки тайёр экан бу отингиз.

[ОТИМ]

Бу падар лаънат ҳаром ўлгур отим,
Ҳар қачон ким ман минар бўлсам касал.

Зарра келмас ўзиға боққан билан,
Емиға қўшиб бериб қанду асал.

Меъдаси тобора сушт, ўлғай заиф,
Силму билмайманки лоғар камбағал.

Етса ўрнидан туролмас нотавон,
Қилмасам қўйиб пишанг бирлан шатал.

Йўқ табиб ким, югуруб боқтирмадим,
Тортсайди эртароқ кошки ажал.

Кетидин дурбин қўюб боқсанг агар,
Ушу Учқўрғон кўрингай то Азал.

Тўғрисида бўлмасун оту улов
Хўжа хондек ҳеч каси шамъулқамал.

Эл аро афсоналар қилди мани,
Ҳар тарафдин чиқди минг байту ғазал.

Етмагайманким, пиён бозориға,
Эртадин то кечғача қилсам жадал.

[ДАР СИФАТИ АСБИ ТОЖИ ТИЛГРОФЧИ, БА ТАРИҚИ
ҲАЖВ МУҚИМИЙ ГУФТААСТ]

Синну солидин сўрарсиз гар отимни, дўстлар,
Ушбу йил тўлса, мукулмонсиз, аниқ мингга кирар,

Ёшлиғида борлиғи дандонларини оғзида,
Кексалиғдин бормуди, ё йўқму билмас тишлар,

Қамчини зарби билан йўртарда оғзича кетиб,
Мастлар учган каби ул ерда ҳушидин кетар,

Ончунон лоғар, харобеким, заифлик бобида,
Қантариб қайдоғки уч кун кетсангиз шундоғ турар.

Ҳафта кавшаб, донае емдин олибон оғзиға
Ютса, қайдоғким бутун, шундоғ ичидан боз ўтар.

Дарҳақиқат, Тожиё, бечораи ҳайвонга жавр,
Рўзи маҳшар ҳақ қасос олса, сени ҳам бу минар.

[УЛОҚЧИЛАР]

Одам демангу тоза бало денг, улоқчилар,
Қайдоғ бало мисоли вабо денг, улоқчилар.

Отларга жавр этибки, чопишкай уриб ҳама,
Қилган иши ҳамиша жафо денг, улоқчилар.

Бечора отни қамчилашурлар жаримасиз,
Қилмас хаёл явми жазо денг, улоқчилар.

Улган бузовни тортишадур бир пақир деб,
Ҳайвон сифот ҳарбгаро денг, улоқчилар.

Лаънат тириклигигаким, овқат учун мудом,
Ҳар тўйда хира, шанқи гадо денг, улоқчилар...

Азрўйи жаҳл ўлса агар тортибон улоқ,
Маҳшар кунидан юзи қаро денг, улоқчилар.

Гар десанг чопишда сурупий йиқилмайин,
Ушлаб жиловингизни фидо денг, улоқчилар.

Дашномингизга арзимагайлар Муқимийё,
Ҳар қанча ким казою казо денг, улоқчилар.

[АРАВАНГ]

Оқибат қилди дардисар араванг,
Ҳам қулоқларни сахт кар араванг,

Юз маротиб пиёдалиқ жаннат.
Дейдилар ё сақар-сақар араванг?

Ғилдираб ҳар қадамда минг дўқ-дўқ,
Мунча нотинч (тақар-тақар) араванг,

Шаҳрихон борғуча ҳалок қилиб,
Бизни ўлдурди, мухтасар, араванг.

Бўлса шул яхши дебки мақтаганинг,
Бормуди мунданам батар араванг.

Сотар ўлсанг ўзум баҳо қўйсам:
Бир мири оту бир бақар араванг.

Йўлда чарчаб, пиёда ҳоришлар
Роҳат албатта билназар араванг,

Манзилига Муқимий етгунча,
Еди лекин-да, мочахар араванг.

[А Р О Б А]

Бозор чиқмай энди, зинҳор, ароба қурсин,
То келганингча айлар безор, ароба қурсин.

Ногоҳ кайфи учкай келса агар тарақлаб,
Ичган гиёҳи бўлса кўкнор, ароба қурсин.

Кенг кўчаларни қилгай ўлгунча бесаранжом,
Қилмай ўшал ҳунар деб нажжор, ароба қурсин.

Юкланган эрса ғалла, юрсин омонки маъзур,
Эски сўлоғи чиққан, бекор ароба қурсин.

Қишлоқ бетамизи бир игна олса қўшиб,
Танг растасига киргай аттор, ароба қурсин.

Бўлса киройи тушсанг пуржиналик каласка,
Гарчандким, қилурлар гулдор ароба қурсин.

Луччак аробакашлар кўкка боқиб ғўдайган,
Босқай юролмаганда ҳушёр, ароба қурсин.

Айлантириб бошингни, дил беҳузур доим,
Миндим нетай сафарда ночор, ароба қурсин.

Чиқсанг, Муқимий, бозор, айларга дафъи савдо
Қилгай жаҳонни кўзга кўп тор, ароба қурсин.

[ЛОЙ]

Кўчага чиқмоққа лекин сахт ҳайрон қилди лой,
Қор ёғиб, қайтиб баҳор эрди — зимистон қилди лой.

Барфу борон устига тинмай ёғиб бўлғониға
Ўзи ҳам чоғимда ўлгунча пушаймон қилди лой,

Бўлмаган қишларда ёмғур, қор ўлуб фасли баҳор,
Бош кўтарган сабзани хок ичра пинҳон қилди лой.

Порсою зоҳиду обид риоят айламай,
Тойдуруб, ё сачралуб олуда домон қилди лой.

Бу фақиру бой демай, ногоҳ аёғига чолуб,
Ерга ургайким ани, ёрабки, полвон қилди лой.

Очилуб бодому савсан, гуллаганда ушбу йил,
Жойи тобистон магарким, таггри фармон қилди лой.

Кўчага чиққоч Муқимий калласин ўгуртуруб,
Яхши қилди, нафси кофирни мусулмон қилди лой.

[ҲАЙРОН ҚИЛДИ ЛОЙ]

Эл ҳалокига бу қиш чун Нуҳи туфон қилди лой^а,
Мадраса масжидни айлаб фарқу пинҳон қилди лой

То нузул этса малоик субҳ ҳақ амри билан,
Осмондин ер уза — тушмакка ҳайрон қилди лой.

Бўлмағай бечора, бойни фарқ айлаб имтиёз,
Хоҳиким туфорию озода яксон қилди лой.

Қор ёмғир устига тинмай паё-пай ёғилуб,
Бўлғониға ўзи ҳам, чоғим, пушаймон қилди лой.

Қиш бўлур эрди совуқ, яхбандлиғ, парварлигор
Қудрати бирлан магар жойи зимистон қилди лой.

Зоҳиду обид агарчанди риоят айламай,
Тойдуруб ё сачралуб олуда домон қилди лой.

Кўчага чиққоч, Муқимий, келмасин ўгуртуруб,
Хўб бўлди, нафси саркашни мусулмон қилди лой.

[ДАР МАЗАМАТИ ИСКАБ ТОПАР]

Турфа махлуқи вужудидур заҳар искаб топар,
Бир милит ухлатмадилар то саҳар искаб топар.

Ҳам ёмонликка ҳаво иссиғ, булутлиғ кечалар,
Димлиғи етмасмукин қийнаб чақар искаб топар.

Найзасини захмидин ҳаргиз омон топмас киши.
Қўлларида найза — қонингни ичар искаб топар.

Дамларинг қайтиб ўларсан ёпиниб, олсанг ўзинг,
Йўқмукин дафъиға тадбири дигар, искаб топар.

Ҳурмат этмай халқни тўғри келиб чаққай сабил,
Демағайлар: «қозилар, мингбошилар», искаб топар.

Беркитиб эшик-тешикни шарридин истаб паноҳ,
Беркиниб ётсангки, лекин баччағар искаб топар.

Ҳикматин билмас Муқимий банда сунъи ҳақ билан
Бўлмаса йўқ ҳеч саҳрою шаҳар искаб топар.

[ШИҚОЯТИ БЕЗГАК]

Илоҳиким, юзи бўлғай қозондин ҳам қаро безгак,
Тутиб, рангимни қилди, оздуруб, чун қаҳрабо безгак,

Қарилар суннатини гар йигитликда ҳавас қилсанг,
Берур илкинга бир йўл ушласа, яхши асо безгак.

Эл озорини кўзлар бўйла шиддатла тутиб қаттақ,
Магар андеша қилмас мункири рўзи жазо безгак.

Зи сартопо набуд аз дарду андуҳу ғамат холи.
Мусаллат шуд, худоё, тавба кардам, аз кужо безгак⁹.

Табу тобидин ўртаб жисм куйди сабру тоқат ҳам,
Бу қайдоқ дард, ёраб: ман турай Қўқонда ё безгак.

Бағорат бурда қувватҳо, хурушон мерасад имрўз,
Намедонамки, боз акнун чи ҳақ дорад бамо безгак?¹⁰

Йўғон бир одами семизни тутсинким, бир оз озсун,
Тутар ман нотавонни, тутмаса ҳам гўйё безгак.

Илоҳи бандамен ожиз, Муқимий, лутф қил, қолсун,
Баҳаққи сураи қуръону оёти шифо, безгак.

[БЕҲАД ЕМОН БЕЗГАК]

Қасалларни ичида, дўстлар, беҳад ёмон безгак,
Ёмон ҳам бўлмагай деб, бир балойи ногаҳон безгак.

Қамоли шидлатидин дардини бошдин олиб ҳушинг,
Қилур рангингни туткач бир минутда заъфарон, безгак.

Мураббиси ўзингдин ўзга йўқ, ёраб, бу бандангни,
Ўзинг дардиға дармон қил, бўлубон меҳрибон, безгак.

Худоё бу начук махлуқ эдиким, раг билан пайдин,
Тутар пинҳони, раҳм этмай, магар номусулмон безгак.

Демаским: «тутмайин қавму қариндошини кўрмоққа,
Келибдур мунда Масковдин неча кун меҳмон», безгак.

Бу янглиғ бандаларга берса озор интиқомиға,
Қурубон беҳу бунёди не тонг бўлса хазон безгак,

Илоҳо, сақла шарридин Муқимийға жияндур бу,
Баҳаққи чор ёру ҳурмати пайғамбарон, безгак,

[Ж Ў Ж А М]

Донга шаққиллаб, урушқоқ кўрса, ногаҳ, дам жўжам,
Йўқ юзи бедонага боқмоққа бўйни хам жўжам.¹¹

Солса қўйнига киши бузгай жаҳонни вақ-вақи,
Тезласанг бедонага хиппа-хижил мулзам жўжам.

То кўтармай сунни пурқуб, хом урушмайду, деманг
Зарбидин пишмакни озиб бўлдилар шалғам жўжам.

Мижжаю, кўзу, оёқ, бошини кўрганлар деди:
«Мунга Хўқандда муқобил жангги шахлот кам»
жўжам.

Новча хуш гардан, мулойим, пур томоғда холини,
Кетмади солмай суқини кўрди ҳар одам, жўжам.

Шамълар ёқиб кўториб, ухламай то субҳи дам,
Қолмади ман ютмаган хуноба бирлан ғам, жўжам.

Расми бедона қочар эрди, урушқач зўридин,
Бул ажабким чуқулашмай ваҳши соҳиб рам, жўжам.

Рост айгил баччае, сандин Муқимий гап сўрар,
Шулмуди ёким бўлакни бердиму Рустам, жўжам.

[ҚИЙҒИРЧИЛАР]

Уч кун овлаб бир тирик бермас манго қийғирчилар,
Ҳар куни беш-ўн олиб, қилмай хато қийғирчилар.

Бойдада, бойваччага ғойиб бериб яхши тулак,
Қилдилар бизларга қолғонда адо қийғирчилар.

Икки қийғир бирла овлаб, эртадин оқшомғача,
Ҳеч ҳосил этмадилар муддао қийғирчилар.

Бирларидур додхоҳ ўғли ҳукумат дастгоҳ,
Бири Ғойиб сартарош ул по-бапо қийғирчилар.

Кечқурин олиб келиб беш-олти мокиён ўлук,
Урдилар жўжа тулакни лиффаго қийғирчилар.

Додхоҳ ўғли жувонмарду муруват ошкор,
Ангадур ҳар ерда худдом ошно қийғирчилар.

Сайри сангистон, Муқимий, Нодим ила айлагач,¹²
Ўзларидин қилди бизни норизо қийғирчилар.¹³

[ФОНУС]

(Завқийга жавоб)

Гап берилур борурда хуркоку сур фонус,
Сигмайди ҳеч эшикдин ҳам чун танур фонус.

Бир дош қозонда қайнат илгари шам ёқмай,
Бўлсун мулойим андак, азбаски ғўр фонус.

Инъом бўлди сизга гарчанд Тошкентдин,
Бергаймудик деганда Шайхантаҳур фонус.

Қўйса балога кишнаб оқшом сабаб бўдурким,
Фонусларга мунда бўлган ғаюр фонус.

Сизникида нетонгим, бўлса пишиқу чаққон,
Бизларда мунда эрди кўп ландаҳур фонус.

Йиртиқларин ямаб сиз яхши қилиб ёқинг шам,
Маъюс кетди мундин бо сад қусур фонус.

Бор эрди табъларда бермак сени бировга,
Жойингни энди топдинг қилғил шукур фонус.

Хотирда йўқ эдиким, кўздин Муқимий кетсанг
Завқий сени тилабдур беғ мак зарур фонус.

[Ш А М О Л]

Қилди оламни кўзимга танг шамол,
Юзга ургач, гарду хоку чанг шамол.

Қилди аҳволим паришон айлаюб,
Хотирим ойинасига занг, шамол.

Қўзғолиб турди саҳар маҳшарму деб,
Айлади бир соат ҳангу манг шамол.

Чектируб, ҳар дам отиб, тўб гулдураб,
Душманеким, ёраб айлар жанг шамол.

Қар қилиб бошдин учиргай саллани,
Хўб қилур, лекин, гаранг калланг шамол.

Гангратиб тортар этакдин ҳар тараф,
Қилгай одамни чўлоқу — ланг шамол.

Ип билан тортиб иякдин қўймасанг,
Қочкай олиб дўппию салланг, шамол

Очибон боғларни ҳам айлар хазон,
Оллоҳ, оллоҳ бу начук найранг шамол.

Ғайри соний ҳикматин билмас, Муқим,
Бандасан дафъига урма чанг, шамол.

[Б У Қ О Қ]

Ушбу Хўқанд ичра бордур марди бир нодон бўқоқ,
Бир эшакка юклаган хуржун киби тўлгон бўқоқ.

Еғфурушнинг човасидек осилибдур бўйнида,
Ёсифо (?—!) майдонида доим эрур жавлон бўқоқ.

Сўзлаганда гунбазе гўё садои берғуси,
Ё кулол дўкони билмам бўйнида хумдон бўқоқ,

Ё... ахлати бирлан қилиб шудгорлик,
Тарбуз эккан ҳар бири бир кўзадек деҳқон бўқоқ.

Ҳар нафас олганда отлар ҳуркиб, эшак қочиб,
Ул йўқолганларга бергай доимо товон бўқоқ.

Пул йўқотган кўкнорилардек эгилган қомати,
Кўтаралмай юклаган тўрва киби сомон бўқоқ.

Кўзлариға қон тўлиб, шоҳсоққадек ўйнаб чиқиб,
Гарданиға зўр келиб, томирлари арқон бўқоқ.

Соябондек кўтариб, ҳар кўчада савлат қилиб,
Ошноларни бошлариға сояи айвон бўқоқ.

Расволиғни шарти шулдур, бу бўқоқ фармонида,
Бўлди ғам деҳқони хирманни қилиб бордон бўқоқ

Шодлик йўқтур кеча-кундуз иши мотам билан,
Қолди ғам остида бўлиб бошиға зиндон бўқоқ.

Жон берарни шиддати бир кун они бошидадур,
Бу жаҳонда юрганидин яхшидур ўлгон бўқоқ.

Бир балойи ногаҳонким, ослибдур бўйнида,
Улса ҳам бошида ўлтургай бўлуб гирён бўқоқ.

Хўқанд ўзи кўп тамошо, яхшидур одамлари,
Бир неча (ўзи бузуқнинг) бўйнида йўғон бўқоқ¹⁴.

[КАЛ ҚИЗИҚ]

Чун Ҳалокунинг ити, ҳар ерда сарсон кал қизиқ,
Бир шаҳарга йўқ бориб, бир ҳафта тургон кал
қизиқ,
Қавми қардошин хаёли шулки ўлгон кал қизиқ,
Неча кун бўлдики, пайдо бўлди шайтон кал қизиқ,
Ёгилур бошига лаънат мисли борон кал қизиқ.

Бошига солсанг агар нўқтани тўнғуз кал узар,
Тўхтамай келгай қочиб, тўғри самовору гузар,
Учраса одам йўл устида ҳўкиз янглиғ сузар,
Ногаҳон пул топса иштонбоғига туфлаб тугар,
Умрида кўрган эмас бир эски ҳамён кал қизиқ.

Заррае шарму ҳаё йўқ оғзида доим (чатоқ)
Шум қадам, модар зино, оқи падар, хотин талоқ,
Суратидур оқ кўпак, оғзи мисоли ит ялоқ,
Куймойинму ёр бирла доим ўлса ҳамтабоқ,
Бир каф исло кўрмаган умрида талқон кал
қизиқ.

(Баъзи бирлар) бу маҳаллар калнидур жононаси,
Шамъи рухсорини кал тонг откуча парвонаси,
(Уйлаким, ул ернидир) кал отаси, кал онаси,
Тобланур оқу, қарою гоҳ сариф пешонаси,
Гоҳ фистоқи бўлур, гоҳе наформан кал қизиқ.

Бу ишимдин оқ сақолимла, демас, ор айлайн,
Ўзни ғафлат уйқусидин эмди ҳушгёр айлайн,
Хислати зиштани тоқай тилда такрор айлайн,
Ман они қайси хунук феълени изҳор айлайн,
То оёғдин-бошгача фасли зимистон кал қизиқ.¹⁵

[П А Ш Ш А Л А Р]

Айтайин бир қиссаеким, дод қўймас пашшалар,
Кимга бориб дод айтай, бедод қўймас пашшалар.

Мубтало бўлғил илоҳо тортанакнинг ториға,
Учраса анга яна ҳаргиз қутулмас пашшалар.

Ушлабон думлориға чўплар суқуб, қилсам азоб,
Ҳужра ичра қувладим ҳаргиз кетмас пашшалар.

Ҳар таом кўрса ўзин якбора ургай шул замон,
Доимо қилса хўрак ҳам оч, тўймас пашшалар.

Ман қуварман, ул қочар, эмди чоритди найлайин.
Судъясиға арз этарман: «Дод қўймас пашшалар!»

Кеча бўлса оқи қўймас, бўлса кундуз қораси,
Ухлайин десам ётиб ором бермас пашшалар.

Тўпланиб юргай бошимда, бир-бирини қувлашиб,
Доимо ғавғо қилур, жанжоли битмас пашшалар.¹⁶

САËΧΑΤΗΟΜΑ

[ҚУҚОНДАН ШОҲИМАРДОНГА]

Фарёдким, гардуни дун
Айлар юрак-бағримни хун,
Кўрдик, бир аҳли фунун —
Чарх анга кажрафтор экан.¹

Қолмай шаҳарда тоқатим,
Қишлоқ чиқардим одатим,
Хоҳи яёв, бўлсун отим,
Гаҳ сайр ҳам даркор экан.

«Ултарма»га қилдим юруш,
Йўлдош эди бир читфуруш,
Етдим жадаллаб вақти туш,
Бирдам қизиқ бозор экан.

Бир маърака кўрдим бутун,
Жамъи ёпинган бошга тўн,
Боқсамки, беш юзча хотун,
Воиз сўзин тинглар экан.

Мингбошилиқ кимнинг иши,
Десам, деди бедониши,
Бир «Қўштегирмонлик» киши,
Хўжа Исо бадкор экан.

Мағрур, хасису бешу кам,
Ҳар гапда юз ичгай қасам,
Такжой олур моховданам
Ҳожи ўзи мурдор экан.

«Дўрманча»га кетдим ўтуб,
Еқамни ҳар соат тутуб,
Ётдим ул оқшом ғам ютуб,
Дашти қароқчизор экан.

Унда бўлус Ғози деди,
Ҳам муфти, ҳам қози деди,
Юрт барча норози деди,
Қилғон иши озор экан.

Боз издиҳоми воизи,
Бадкайфу очилмас кўзи,
Юқори бошидин тизи,
Эрмаклари кўкнор экан.

Сўрсам дедилар «Бўрбалиқ»
Бирмунча эчкилар ариқ,
Келса киши еяр тариқ,
Шому саҳар тайёр экан.

«Оқ ер»дин ўтдим, бойлари —
Олий иморат жойлари,
Меҳмонсиз ўткай ойлари,
Келса биров ночор экан.

Аммо назарда «Рошидон»
Фирдавс боғидин нишон,
Уйнаб оқар оби равон,
Саҳни гулу гулзор экан.

Маъюс бордим «Зоҳидон»,
Бир кўча кетгунча дўкон,
Шўх одами, ичмай пиён,
Маст, отаси безор экан.

Сувлар сепилган сўрилар,
Бўрланган ўчоқ-мўрилар,
Табъинг мабодо чой тилар,
Дамлашлари ишқор экан.

«Олтиариқ» қурсин ўшал,
Селларда қолдим бир маҳал,
Бўлдим ивиб ёмғурда шал,
Тўн шилта, ҳўл эзор экан.

Мингбошиси сўфинамо,
Тасбиҳу бўйнида ридо,
Чўқуб қочар зоғи ало,
Бир доғули айёр экан.

Хайру сахо важҳига кар,
Бир пулни юз ердин тугар,
Келса гадой ногаҳ агар,
Бир нон чиқиш душвор экан.

Кўрдим чуқур «Чимён» эрур,
Ер остида зиндон эрур,
Душманлари меҳмон эрур,
Боғи унинг тутзор экан,

«Водил» мақоми дилфизо,
Кўчаларидур дилкушо,
Анҳорида оби сафо,
Себарга, обишор экан.

[ҚУҚОНДАН ФАРҒОНАГА]

Чун шаҳрдин чиқдим «Кудаш»
Кўнгул бўлуб маҳзуну ғаш,
Мажнунсифат, девонаваш,
Сер чашмаю кам чанг экан.

«Яйфан» агарчи хуш ҳаво
Одамлари енгилнамо,
Бир-бирларила доимо,
Бўлар-бўлмасга жанг экан.

«Нурсух» каби бир жой кам,
Тушмай ўтиб қилди алам,
Олма, анор ўрнига ҳам
Боғида тоқу занг экан.

Кўп одамидин «Бешариқ»
Боғларда экмишлар тариқ.
Етим ҳақи — гўшти балиқ,
Қилмишлари найранг экан.

Чарчашни билмас юрсалар,
Пурзўр кетмон урсалар.
Вақти намозга келсалар,
Масжид сорига ланг экан.

«Рафқон» ажойиб жой экан,
Бир кўча кетган сой экан,
Салқин супа ҳой-ҳой экан,
Ким кўрса җангу манг экан.

Озодадин тўпори кўп,
Дукчисидин аттори кўп.
Чойхўридин кўкнори кўп,
Бир раста носу банг экан.

Айвончалар мисли катак,
Бир йўлки, одам сиққудак,
Чит бирла бир ерда алак,
Бозори тору танг экан.

Хуфтонда кирдим бир дўкон,
Қилди ашула бир жувон,
Эшак деманг, ундин ёмон,
Ҳанграрда яхши ҳанг экан.

Қийғир кўтарган уч йигит,
Ухлатмадилар бир минит
Ҳам бошда тонг отқунча ит,
Фингшиб чиқиб, ванг-ванг экан.

Айлай саёҳат энди бас,
«Конибодом» қилмай ҳавас,
Ҳар ерда ётган хору хас,
Кўзга тикан якранг экан.

[ҚУҚОНДАН ИСФАРАГА]

Афлок кажрафтор учун,
Ҳардам кўнгул афгор учун,
Қўқанд тангу тор учун,
Сахро чиқиш даркор экан.

Бордим шаҳардин «Яккатут»,
Баққоли дузди бадбурут,
Бир танга соткай бир қурут,
Инсофи йўқ, таррор экан.

Қишлоқ жувони йиғилишиб,
Иссиғда ўйнашгай пишиб,
Ўтган тамошобин тушиб,
Сешанба кун бозор экан...

Мингбоши Эшдавлат акам,
Аммо қуруқ савлат акам,
Қилса чиқим гар бир дирам,
Уйқу қочиб, бедор экан.

«Яйфан» каби толзор кам,
Йўқ соясида зарра ғам,
Зебо санам, қоши қалам,
(Жонон)лари бисъёр экан.

Дўмалари ҳам хўб бажо,
Волоснойи уҳда буро,

Юрт ишларини доимо,
Хайриятин кўзлор экан.

— «Нурсух» каби ҳам юрт йўқ,
Боғдору деҳқон қорни тўқ,
Масжидлари ҳам кўп улук,
Турфа фараҳ оғор экан.

«Рафқон»ни бозор жойи танг,
Муллолари чаққон, гаранг,
Омилари ҳам мулла ранг
Кўйлак кийиб, дастор экан.

Гар меваси бир туп сотар,
Бир пулни юз ердин тугар,
Берса гадога нон агар,
Минг йилда ҳам душвор экан.

Аmmo «Работи» баччагар,
Йўқ ҳеч одамдан асар,
Бир подажойи гову хар,
Чун оғули тайёр экан.

Ду бора юрдим даштлаб,
Бодом конига қараб;
Мирза Умарни сўраглаб,
Ҳавлисида нажжор экан.

Бўлғай ўшал Бурҳон омон,
Яхши йигитдур бегумон,
Хурсанд қилди ногаҳон,
Мингбоши Хол саркор экан.

Армонки кўпрак юрмадим,
Бир-икки ҳафта турмадим,
«Тикка Работ»ни кўрмадим,
Пур файз бузруквор экан.

Маъюс чиқдим «Исфара»,
Дил хаста, мажруҳу яра,
Иссиққа куйган қоп-қора,
Олти жиҳат кўҳсор экан.

Анҳору сою чўллари,
Уйнаб келадур сувлари,
Ширинки зардолулари,
Қанду асал бекор экан.

Шерсиэ эмасдур бешалар,
Бордур саховат пешалар,
Қилманг ёмон андешалар,
Яхшилари ҳам бор экан.

Қози жувонмарди накў,
Бориб-келибон чоражў,
Ногаҳ бўлиб дарди гулў,
Санчиқ тутуб бемор экан.

Ҳожи Зухур ҳам Ўрдада,
Сарҳавзлар, олий сада,
Борса агар бир ғамзада,
Жониғача эсор экан.

Бойваччасидур бадбуруш,
Тўғри сўзи аччиғ-туруш,
Сил, эски бачча, чойфуруш,
Ҳофиз Умар, Қаҳҳар экан.²

Бўлма ҳаловатга касал,
Оламда йўқ бениш асал,
Бешак мукофоти амал,
Дунё қурулғон дор экан.

Алҳамдулилло: бехатар,
Келдим Муқим айлаб сафар,
Музтар қолиб, кўрмай зарар,
Ҳақ бандасига ёр экан.

[ИСФАРА САЕХАТИДАН

(Янги топилган парча)

Шаҳр ичра тоқат тоқ ўлуб,
Дубора йўллар қоқ ўлуб,
Кўз Исфара муштоқ ўлуб,
Аввал чиқиш «Яйфон» экан.

Кун тобишида бу сафар,
Йўллар сақардан ҳам батар,
Тоғ ичра раҳзан баччағар,
Кўп элни қақшатгон экан.

Кетгунча йўллар хорлар,
Йўл захмидан озорлар,
Кўкка етар куҳсорлар,
Ҳайҳот, хористон экан.

Қир пастида шўртанг ариғ,
Бир тўп йигит ўргай тариғ,
Тўнсиз, ялонғоч, ҳай дариғ,
Бечора, оч деҳқон экан!

Кам ғайри Қаҳҳору Умар,
Фарғонада ҳофиз дигар,
Билмас эканман беҳабар,
Навмидлар хушхон экан.

Ўтган китобдори замон,
Хаттига ҳайрон инсужон,
Чун дахмаси гўё жинон,
Ўқишлари қуръон экан.

«Чоркў»га ҳам келдим етиб,
Отдин йиқилдим шилп этиб,
Беҳуш-ўзимдин кетиб,
Ман сахт бедармон экан.

«Чорқу» гузорин тор бил,
Атрофини кўҳсор бил,
Панжшанба кун бозор бил,
Бир-икки-уч дўкан экан.

Бой мардикори маччайи,
Чунтоғ сомонлик лойи,
Бечорага нону чойи,
Тўн ўрнида ўткон экан.

Аммо амин Абдурасул,
Ким бәрса хизматкор ўл.
Яхши йигит, очиқ кўнгул,
Юрт устида турғон экан.



МАКТУБОТ

ШЕЪРИЙ МАКТУБЛАР

АССАЛОМ

Эй сипеҳрида саёдат моҳи тобон, ассалом,
Баҳрида олий насаблиғ дурри ғалтон, ассалом.

Борки кўрдим, машойих зодаларни кўрмадим,
Сиздек исмат пардасида пок домон, ассалом.

Бу дуо шому саҳар: гар боқсалар сой тошлари,
Дафъатан бўлғай илоҳо лаълу маржон, ассалом.

Орзулар буржидин айлаб тулуъ иқболингиз,
Айласун ҳақ давлатингизни фаровон, ассалом.

Юргону тургонда доим ёрингиз Илёс ўлуб,
Сув десангиз Хизр тутсин оби ҳайвон, ассалом,

Айрилибман Сиз карам пеша, сахо андешадин,
Тангдур, дунё қоронғу мисли зиндон, ассалом.

Ёдингиз тушкан маҳал кўнгулға, эй олий табор,
Ўтмоғи мушкил томоғдин луқмаи нон, ассалом,

Лутфингиз мингин бириға қайтаралмай яхшилик,
Бе ниҳоят ҳасратим кўп, дилда армон, ассалом.

Воқиотеким ўтубдур мужмалан тақрир этай,
Ҳолим ўлсун сизга маълум, эрди пинҳон, ассалом.

Тошкентга келганимдин то бу муддатларғача,
Кўзга уйқу кечалар келмайди чандон, ассалом.

Хотирим ношод, таъбим ланж, ғаш доим дилим,
Иштаҳо кам, қувватим йўқ, зарра дармон, ассалом.

Боиси таъхири хат бўлди бу лоҳазликларим,
Йўқса келган кун қилурдим, топсам имкон, ассалом.

Мулла Йўлдош охун ила мунда келгандин, бери,
Ул киши гар соғ эса, ман дарди дандон, ассалом.

Гар топиб фурсат қўшумдин, гаплашай, деб бораман,
Лоҳаз улкун анда йўқ имоға фармон, ассалом.

Ўз иши бирлан агар чи сўрмагай оёарадур,
Ҳар начук бўлса омон бўлсун қадрдон, ассалом.

Абдуфаттоҳни топиб келганда бердим хатларин,
Ишлари битмай чала, бормакка ҳайрон, ассалом.

Кечаю кундуз жадаллаб ишларимни биткуруб,
Қилмасам бўлмас,— деди-чун мурғи тайрон,
ассалом.

Арзу ихлосе мусоҳибларга денг бизлар учун,
Қолмасун Шайхи Далойил то Эшонхон, ассалом.

Пайтини топиб Миён ҳожи тўрамга арз этинг,
Биздин ўткан кечсалар, шоядки, нуқсон, ассалом.

Лоюад биздин дуо келганларида еткуринг,
Насриддин хўжа мабодо ё Калонхон, ассалом.

Учраса бир тўда тожик бирла гар Мулла Зиё,
Гў, ки дорад ҳар дуйи ў бар шумоён, ассалом.

Эртаю кеч тинғишиб солдук қулоқ Хўқандга,
Қилса шодя бизга ҳам деб бир мусулмон, ассалом.

Айладим чин эътиқод ила салом, эй дўстлар,
Лоақал сизлар қилинлар бизга ёлғон, ассалом.

Шукри лилло ақраболарни топиб бу ердаман,
Бир неча кун ризқимиз борича меҳмон, ассалом.

Тошкандда, чойфурушлик растасида хешимиз,
Отларини сўрсангиз Хўжа Сулаймон, ассалом.

Растаи мазкурни ёки гурунч каффонидур,
Рўбарўсида Ҳақимдур катта дўкон, ассалом.

Ул кишига тегса деб хат қилсалар манга етар,
Аҳли раста ҳаммага маълум намоён, ассалом.

Руқъайи манзума қилдим мин хижолатлар билан,
Хушк холи меравад савфо зи домон, ассалом.¹

Охирида хатлари тегди муҳаррам ойини (нг)
Дардманд эрдим етушти гўйи Луқмон, ассалом.

Ҳар ҳуруфидин кўнгуллар кўзгуси топиб сафо,
Кулбаи ихзонларим бўлди чароғон, ассалом.

Фикр этарда бўлди мазмунин муяссар гўйиё,
Булбули шўридага сайри гулистон, ассалом.

Маънисидин сар-басар рў берди хотиржамлик,
Бўлмаса диллар эди беҳад парешон, ассалом.

Охири Мирза Қамолу, Эрназар Бегимга ҳам,
Айлади ушбу Муқими кўйи ҳижрон, ассалом.

[МИННАТДОРМАН]

(Жавоби саломи Муқимий ба Фурқатий)

Не қилай сизларга йўқ бўлса гулу гулзорман,
Муддао топишмоғу ман толиби дийдорман.²

Ҳар нафас сомий бўлинглар токи, эй аҳбоблар,
Айлайин кайфияти аҳволни изҳорман.

Тарки пайғом ўлганига, эй буродарлар сабаб,
Мунда бўлдим муддати уч-тўрт ой беморман.

Дўст бўлдим ҳар кишига, кўрдим андин минг жафо,
Топмадим, дунёни кездим, мунису ғамхорман.

Рўзгоримдур парешон, зоҳиру ботин хароб.
Чарх давридин жигар хун, сийнаси афгорман.

Умр ўтар, тавфиқ берсун ҳақ, дуо қил дўстлар,
Бениҳоят маъсият, гумроҳу бадкирдорман.

Ҳар саҳар ғам еб тутарман бу маҳаллар рўзани,
Шом бўлса айларам меҳнат билан ифгорман.

Топди дил ойинаси сайқал ғуборидин хатинг,
Йўқса сар то по эдим андуҳ ила зангорман.

Умрлар хат қилмас эрдим, келмасайди хатларинг,
Келди сиздин рукъа сўнгра айладим ночорман.

Хайрият Махдум мулойим эмди бўлмишлар, қадим
Кўнглини қаттиғлигидин дер эдим, кўҳсор, ман.

Бўлса хилват жой Махдумжон ва сизлар бўлсангиз,
Қилса ҳасрат ул киши ҳам, ҳам десам асрор ман.

Ҳалқан зулфин хаёли кўнглума ногаҳ тушар,
Белларида куфр элин кўрсам агар зуннор ман...

Руқъан Абдулазизхонда юрарсан неча йил,
Дептилар тегмайдилар борган билан бекор ман.

Кимга дод айлай бориб шум толиимни дастидан,
Кўза синдурган азизу, суе кетурган хорман...

Гамзудо хонишларин ўпкам тўлуб ёд айларам,
Гар эшитсам ўлтуруб бир базмда сетор ман.

Узларин закки олиб, хат қилмадилар лоақал,
Эмди Завқий юрмасун деб халқаро ҳушёр ман.

Неча кўз тутгим демас кўнгул учунким: «Бормусиз»,
Ҳеч нимарса бўлмасам ҳам кўп қадрдон борман.

Қилмади хат деб, қилай хатлар дедим койиб, сўкиб,
Боз туштум ўқибон жаҳлимдин истиғфор ман.

Мулла Саъдилла билан Абдулкарим мирзани ҳам,
Ҳақлариға қўл очиб қилдим дуо бисёр ман.

Эй муҳиблар юрган эркандур фароғатда деманг,
Соғиниб сизларни тун-кун уйқу йўқ бедорман.

Ҳасби-ҳол айлаб қилибдур хат, сўраб ҳолин, Муқим,
То қиёмат Фурқатийдин эмди миннатдорман.

[ЖАВОБИ РУҚЪАЙИ НОДИМ НАМАНГОНИИ]

Ассалом, эй тўраи олий жаноб,
Матлаи дебочаи ҳар фаслу боб...³

Рўзани тўртида хат тегди келиб,
Бизга, эй зоти камолат иктисоб.

Фаҳм этиб соғу саломатликларин,
Етти дилларга фараҳлик беҳисоб.

Хат ўқилди завқ бирлан сар-басар,
Бир иборат чиқди мазмуни итоб.

Дептиларким, ваъдага бўлди хилоф,
Буйла бўлмас эрди бўлса мустажоб.

Қайси кунким ул тарафга кеттилар,
Рўза қистаб келдилар айлаб шитоб.

Йўқ куюшдин бошқа гап, дўзах киби,
Тошкандлар тобишидин офтоб.

Рўза келгунча шул иссиғ кунда халқ,
«Келса, дерлар, розимиз оби азоб»

Тиллари чиққон, халойиқ ташна лаб,
Жумлаи мўмин юрак-бағри кабоб.

Рўза тутган бандалар деб алъаташ,
Ичмагай ифторда ғайр аз яхоб.

Баъзилар иссиғда бетоқат бўлуб,
Рўзадин андақ қилишти интиҳоб.

Ассалом ўрниға мардум кўрушиб,
Бир-бирисиға дегайлар: «оҳ, об».

Хушлари келмас берурға кўз юмуғ,
Гар ото қилса савол ўғил жавоб...

Халқ ақлидин адашгону гаранг,
Бошларида ҳуш йўқ, маъзи ҳубоб.

Икки йил иссиғ ҳавода келсалар,
Қўрқаман кўп шаҳар бўлғай, деб, хароб.

Рўзаман, диққатчилик, кам ҳавсалам,
Қолмади қўлға қалам олмаққа тоб.

Уқуса ногаҳ қулогимға қўнуб,
Бу маҳалда ёқмағай булбул-хуноб.

Бу сабабдин ваъдамиз ёлгон бўлуб,
Ҳам чунон сиймоб мо дар изгиروب.

Қолган эрконмиз ёмон ўрганишиб,
Сиздин ажраб бизда камдур хўрду-хоб.

Етса гар ўз қуллариға бу хатим,
Қолмасун, албатта, тақсир, бе жавоб.

Баъди рўза айласам азми Хўқанд,
Ниятим валлаҳу аълам биссаваб.

[НУКТАДОНЛАР, АССАЛОМ]

(Тошкентга назм билан хат)

Ассалом, эй ошнойи қадрдонлар, ассалом,
Қадрдонлар яъни оқил нуктадонлар, ассалом.

Ҳар қаю мулкега етса мақдамингиз юмнидин,
Ёраб этсун тарҳ боғу бўстонлар, ассалом.

Ҳиммати олиларингиз оқибат раҳбар бўлуб,
Рўзи қилғай шукр файзи жовидонлар, ассалом.

Қўл узатсангиз агар не ишга ғайраз манфаат,
Заррае кўрманг илоҳоким зиёнлар, ассалом.

Таъбингиз ойинаси зангори ғамдин пок ўлуб,
Доимо хуррам бўлинг, кўп йил омонлар, ассалом.

Не шарафлиғ соат эрканким келиб Хўқандга,
Бўлдингиз бир неча кунлар меҳмонлар, ассалом.⁴

Бир Макайликхон билан юзлаштуралмай, оҳким,
Бўлди ҳасратлиғ кўнгул устиға қонлар, ассалом,⁵

Ҳафта ўтмай келдилар қишлоқларидин учрашиб,
Арзингизни мў-бамў қилдим баёнлар, ассалом.

Кўп юриб қолганларига беҳад армонлар қилиб,
«Бормасам бўлмас,— дедилар,— Тошкентлар»,
ассалом.

Телбадин маъзур тутсангиз карамдин не ажаб,
Бўлди хаттим тарк бир неча замонлар, ассалом.

Мултамас шулким саломингизни тарк этмай тулинг,
Ман ҳам эмди узмайин то танда жонлар, ассалом.

Ёдингиздин чиқмасам дерман бу нисбат бирлаким,
Яхши-яхши мунда то биздек ёмонлар, ассалом.

Орзуи суҳбатингиз фикру ёдим субҳу шом,
Соғинурман ошкорою ниҳонлар, ассалом.

Ҳамдилиллоким қўлум ҳам топти сиҳҳат андаке,
Ҳоли не кечти дебон қилманг гумонлар, ассалом.

Қафшу маҳси тўғрилар қилган калушга ваъдангиз,
Айлади то хайрингиз мундоғ ҳаёнлар, ассалом.

Қатта ваё кичкина бўлмай хўжам бўлсун васат,
Бир кияй ман ҳам киёдур мусулмонлар, ассалом.

Ёру аҳбобим дуоси-ла, Муқимий, зиндаман,
Гоҳи сиздин ҳам манга келсун нишонлар, ассалом.

[САЛОМ, ЭЙ МЕҲРИБОНЛАР]
(Жавобномаи Муқимий ба Фурқат)

Салом, эй ошноӣи жонажонлар,
Ақидат пеша, мушфиқ меҳрибонлар.⁶

Аёзи вақту Афлотуни даврон,
Фаридуддаҳр, Аристуйи замонлар.

Каманди фитрат ила сайди маъни,
Қилурга чусту чобук нуктадонлар.

Ўқиб мактубингиз маҳзун кўнгулга
Фараҳлиқ егти, бўлдим шодмонлар.

Бу дур афтодани йўқлаб сўрабсиз,
Бўлинг, ёрабки, кўп йиллар амонлар.

Худо хайрини берсун яхшиларни,
Бор эркан эсларида биз ёмонлар.

Хатингизда газетхона ишиға
Бўлубсиз, қутлуғ ўлсун, таржимонлар.

Шерик Шайхантаҳурда беш киши-ла,
Муборак дарс ўқиш ушбу ошонлар.

Ёнур равшан, агар ҳар кимни шамъи,
Хушам парвонадек зоҳир ниҳонлар.

Агар сўрсангиз аҳволимни шул кун,
Қўл оғриқ устиға дарди миёнлар.

Бу ранжим шиддатидин гар десам, йўқ
Кўзимда уйқу то вақти азонлар.

Дариғо сифлалар Хўқандда дойим,
Мусулмонсиз, гизо ҳар лаҳза қонлар.

Фалак тийри жафо ҳар кимга отса,
Мени айлар, «Ўшал, шул!» деб нишонлар

Саломингизни ким дўстларға дедим,
«Дуо мандин ҳам айтингиз» дегонлар.

Муқимий ҳасратим куйдурса қоғаз,
Начук таҳрир этиб айлай баёнлар.

[САЛОМ, ЭЙ ЕРУ ОШНОЛАР!]

(Мактуби манзуми Фурқат ба Муқимий)

Салом, эй менга ёру ошнолар,
Қадрдонлар, замири пурзиёлар.

Муқимий, Ҳожи Муҳиддин, Заеқий,
Муҳаййир — барча закию расола.

Фасоҳат гулшанида мисли булбул,
Навосанжу зиҳи нағмасарола.

Биҳамдиллиллоҳки, мандин сўрсангиз ҳол,
Юрубдурмен қилиб завқу сафола.

Саломатдур таним, хурсанд вақтим,
Худованд айлади беҳад атола.

Фалакнинг давридин комим раводур,
Агарчи эл кўрар андин жафола...

Ризоман Тошканд одамларидин,
Сўрар ҳолим фақиру ағниёлар.

Мақомим мадраса-Шайхантаҳурда,
Эрур улфат неча мазмун адола.

Уқурмиз беш киши «Шарҳи виқоя»,
Муҳайё неча яхши домлола.

Газетхона ишига бўлса пешин,
Борурман ҳар куни, гаҳ кун арола.

Салом иблогидин сўнгра Муқимо,
Мени сўргонлара айтинг дуолар.

Ёзинг аҳволингиздан бир рақима,
Будур сиздан умиду илтижолар.

Сўз ўлди мухтасар, зиқ эрди фурсат,
Кўп эрди йўқса Фурқат муддаолар.

[БОР ЭРДИ]

(Москвага, жияни Р. Дўсмаатовга хат)

Оҳ вақтеким, нехуш лайлу наҳорим бор эди,
Меҳрибон сандек, есам ғам, ғамгусорим бор эди,
Мақдамингла бошда тожи ифтихорим бор эди,
Кўзларимда нуру белларда мадорим бор эди,
Қайда сансиз бир нафас эмди қарорим бор эди.

Чекмиш эрди даҳрда ҳар канча камлик хотирим,
Нотавон кўнглум, ниҳоятда ситамлик хотирим,
Келишингдин бўлубон хуррам аламлик хотирим,
Сухбатингла шод бўлмишди бу ғамлик хотирим,
Дилда васлингга фуруғи навбахорим бор эди.

То видоълашмакга борилди кеторингда сани,
Ҳингладим пинҳони оташга тушорингда сани,
Сайр этиб юрганда юрмишдим канорингда сани,
Не саодатлиғ замон эрканки борингда сани,
Маҳфилим равшан сафолиғ рўзгорим бор эди,

Давлату иқбол жомидин ҳақ айлаб баҳраманд,
Пояи қадрингни қилгай бора-бора то баланд,
Айлагай акронинг ичра сарфарозу аржуманд,
Ҳеч ёдинга келурму, дебки шаҳрида Хўқанд,
Бир ғариб, бекас тағойи хоксорим бор эди.

Найлайин ўртанмайин бахти қоралиғ ўтиға,
Бўлди шум толеъларим боис гадолиғ ўтиға,

Енмишам ҳардам ўтундек бенаволиғ ўтиға,
Бунда бизни куйдуруб мундоғ жудолиғ ўтиға,
Ҳеч айтурсанми деб: хешу таборим бор эди.

Пур зиё чашмим кўруб, ногоҳ раъно суратинг,
Берди маҳзун кўнглима фарҳат мужалло суратинг,
Ақча бирлан хатларинг тегди, на танҳо суратинг,
Етди ўн уч сўм ила хуш гарҳ зебо суратинг,⁸
Деб юбормишсан Муқимий интизорим бор эди.

[ПАЙҒОМИ МАНЗУМА]

Андижон шаҳрида юрган ошноларга салом,
Ошнолар, яъни ул ақли расоларга салом.

Эртаю кеч берибон улфатчиликлар додини,
Қилғувчи менсиз ўшал зовқу сафоларга салом.

Ота Фозил ҳам Муҳаммадхону ҳожи Мирзабой,
Қори Муҳиддин билан Аҳмад Боболарга салом.

Ҳожи Муҳиддин тўрам ҳам олсалар шодя алик,
Ким қилурмен ёд этиб Бўтақороларга салом.

Кўрмасам ҳам ғойибона майли мандан еткуринг,
Растаю бозор аро гулгун қаболарга салом.

Рухпарвар савтидин маҳруммен гарчандким,
Ҳофизу созанда, жамъи хушнаволарга салом.

Робитам йўқтур, агарчи, холисаниллоҳ денг.
Кўрсангиз ҳар ерда ринду порсоларга салом,

Гоҳи сиздин ҳам нетар келганда азруйи карам,
Дил шикаста, ранг-рўйи қаҳраболарга салом.

Фақр аҳлиға ниҳоятда тавозиғлиғ Муқим,
Не керак баъзи такаббур, бадҳаволарга салом?

ЎЛ ҲУСН СУЛТОНИГА САЛОМ

Ул ҳусн пойтахтини (нг) султонига салом,
Чун мулки Миср Юсуфи Канъонига салом.

Мандин, сабо, чаман сари қилсанг гузар, дегил:
«Гулчеҳраларни сарви хиромонига салом».

Ҳижрон қоронғусидаги бахти қаро қилур,
Ўн тўрт кечалик маҳи тобонига салом.

Тўтини лол этгувчи ширин каломидин,
Муъжиз баёнлу лаъли суҳандонига салом.

Ҳар бир нигоҳи қилғувчи бунёди дил хароб,
Маст икки чашми фитнаи давронига салом.

Боқишларида сийнани айлаб нишоналар,
Бисмил қилурға новаки мижгонига салом.

Табъи муборакиға гарон етмагай мабод,
Эмди Муқимий айлағуси жонига салом.

НАСРИЙ МАКТУБЛАР

[МАҲМУДХУЖА... ВА ҒОЙИБОНА ОШНАМИЗ МУЛЛА ҚАРИМЖОН]

Юз қосир баёнлиғ бирла арзим эшитсалар, арз қилсам, шулки, 7 июнда, саратонда жума айёми ёзилган марҳамат номалари яхши фурсатда ўралган кафш ва маҳси бирла етиб, оқ дастурхонга, Уста Қобил қуллик қйлиб кўп шод бўлуштук, илоҳо омон бўлунглар.


Дубора махфий қолмасунким, Хўқандда ниҳоятда дилгир ва халқидин озурда, чунончи:

Маро зи рўзи қиёмат ғамеки ҳаст инаст
Ки, рўйи мардуми Хўқанд боз мебинам.

Бир каримона шева билан олдируб кетсалар, халқ орасида гуфт-гў бўлсамки, «Хўқандда ҳеч ким харидор бўлмади, алар бечорапарвар кишилар эркан, Муқимийни олдируб кетибдур», десалар манга бас. Бўлак ҳеч ишим бўлмаса ҳам хизматларингда юрсам.

Севум бора пинҳон қолмағайким, Макайхон Марғилонда эрдилар, келдилар. Арзи ихлосларин кумочқа еткуруб сизлардин кўп хурсанд қилдим. Ажаб эрмас Тошканд(га) борсалар, кўрсалар.

Зиёда атолат мужиби малолат, аддуою вассалом камина ҳақир Муқимий.¹




Муқимийнинг 1889 йил ёз ойларида Қўқондан Тошкентга, дўстлари Маҳмудхўжа билан мулла Каримжон (шоир Камий) ларга ёзган мактуби. Мактубнинг автографи Ўз. Ф. А. Шарқшунослик, институтида, Ҳ. Ҳ. Ниёзий фондида (инв. № 7628, папка XXII) сақланмоқда.

[БИРОДАРИ КИРОМИИ МАВЛАНИИ КАМИИ!]

Дил дўстлиғ аҳдида устувор ва ошнолиғ пояси пойдор, аммо, (неча) йиллардурким, ҳеч бир-бирға хат ва хабар қилишолмай йироқ тушуштук, йўқ эрса кўнгуллар ниҳоятда яқин эрди. Шу вақт фақирға нисбатлиқ Мулла Низомиддин ном Тошканд бориб хайрият сизга мулоқий бўлуб, неча кун ул ердаги ёру биродарларни кўрсатиб тамошо қилдирубсиз, эшитиб кўпдин-кўп хурсанд бўлдук. Ўзингиз бир носдони сангин ва Мулла Бобомуҳаммад. биродаримиз чой ва Сайид Оқилхон² рўймол ва кўлоҳ ва тасбиҳ ирсол айлаганлар эркан, тегди. Ва сазияи хитойиларини Хазратға³ аталган экан, олиб кириб бериб ҳақларига дуолар олдук. Эмдилиқда ушбу фақирни саросар тақсирдин Сайид Оқилхон эшонга арзи ихлос ва ақидатларимизни айтасиз. Ва яна Миён Фазл Қадр ҳазратға ҳам бисъёр-бисъёр арзи бандалиқ айтасиз. Ва яна яксара тамоми ёру ошнолариким, ул Вилоятда бўлур эрдилар — ҳаммаларига дуо айтасиз. Хусусан Хон акамга⁴ ва Сиддиқ қори⁶ биродаримизға. Ва яна бир исмни қалами жалий билан ёзиб юборсалар деб экансиз, неча замонлардин бери бемашқ, кам ҳафсалалик, қўллар қалтираб базўр ёздук, айбга буюрманг. Ва дигар Мулла Бобомуҳаммадни қайта-қайта фақирни (нг) тарафидин сўраб салом динг ва Мулла Боқижонбой ва Умар қори-буларга ҳам дуо айтинг.

Зиёда нима дейлук. Аддуоу вассалом аддои Муқимий деб биласиз⁶

Нолае дорему маҳви пардан гўши худем,
Шавқи моро бар каси дигар димоғи арз нест⁷.



Муқимийнинг Тошкентга шоир Камийга 1899 йилда ёзган мактуби (автограф). Мактубнинг асл нусхаси Узб. Ф. А. Шарқшунослик институти фондида сақланади (инв. № 7628, папка XXII).

**[НУРИ ДИЙДАМИЗ ВА ЖИГАР ГУШАМИЗ
РЎЗИМУҲАММАДЖОН⁸**

Баъдаз таблиғи салом... алҳамдулиллоҳ, ушбу камина дур афтода тоғанғиз ўшал мазкур мадрасада шукр гузорлиғ ила ўтуб... ҳар дойим ва ҳар вақт сизнинг эсон ва омон, хуш ва хурсанд ва хуррам, безгак ва бетоб бўлмай бой афандини хизматларида собит қадамлиғингиз масъулдир.

Ва аммо юборган хатингизни олиб эрдим, то ҳануз жавобина хат ёзарға фурсатим бўлмай кечикти, маъзур тутинг. Лекинда жамиъ ёру биродар, қавму қариндошлар то ўшал икки мингбошиғача саломингизни еткурдим, аларни ҳам сизга дуолари ва саломлари бор.

Ва яна ўқўйдурган дарсларим кўп, ҳеч вақт йўқ, кундузи сабоҳ билан дарсимга бораман ва кеч келаман, дебсиз. Дарсни камроқ ўқусангиз ўзингизга зўр келмас...

Ва яна махфий қолмасунким, ул жаноби Катта бой абзи ва ўғлиларина ва ҳама ул ердаги ва ул эшикдаги одамларга ва мактабхонадаги шерикларингизга ҳам фақирдин саломлар айтинг.

Зиёда аддуоу вассалом. Ушбу хат ёзилди 12 ўктабирда.

Аллои фақирини хақир камина тағонғиз Муҳаммад Аминхўжа Муқимий.

Ва яна махфий қолмасунким, ушбу хат жаъоби (ға) беҳавсалалик қилмай хат ёзингиз. Бизлар ҳамиша ха-

از دیده نیر و بکر که نشسته
 خط و ستمانی می افشاید
 بعد از بیخ سلام بسته او سلام کند که او
 باش که در سه دهه شکر که از این ایام او توبه نماید
 پس کتاب ایسن نام نوزده فرسیده شود
 بزرگ و پند بولای بی افندی خدمت
 ثابت قدم لغز مسول در انا و بارگانی
 ایسب ایدیم تا هنوز چه این خطی نازده فرسیده
 بولای بجهتی معذرت تو ترک بکنید و هیچ باز

Муқимийнинг Москвага — жияни Рўзимуҳаммад Дустиатовга 1898 йилда ёзган мактуби (автограф). Мактубнинг асл нусхаси Ўзб. Ф. А. Шарқшунослик институти фондида сақланади (инв. № 7628, папка XXII).

тингизга ташна, балигеким, сувдин ажрагандек ва сизни аммо билмиманким, қайдоғсиз.

... Бир-биримизга хатимиз ғанимат аммо минбаъд (бир-биримизни) кўрамиз ва ё кўрмимиз. Бар вақт омон бўлсангиз Хўқанд тарафлариға нону насиб тортса келасизким, биз ҳам йўқ, умрнинг ҳар соат ва ҳар нафаси мугтанамдур. Йўқлаб турсангизда олло рози бўлсун.
Боз аддуоу вассалом.

**[КЎЗЛАРНИНГ НУРИ ВА МАЖРУҲ СИНАЛАР
СУРУРИ АЪНИ РЎЗИМУҲАММАДЖОН]**

Баъдаз изҳори қоидаи дуо макшуфи замири ойна мазоҳирингиз бўлсада шулким, юборган иккинчи хатингиз ҳам Азимжон бойбачча қўлидин тегди. Саросар ўқуб мазмунидин шикаста хотирларга мумъё хосияти етиб бир дона сариф ифак саллалик, ўзи ҳам ёлғуз бир дона экан, Мулла Азимжон топиб чиқти, ҳақи беш сўм эллик тийин. Аммо сиз айткан салла шулму ва ёким бўлакму, деб шуни ҳам гумон бирла юбордук. Ва яна амакингиз важҳидин сўрасангиз ўшал сиз бирлан кўргонимча қайтиб дубора кўрганимда йўқ, ўзингиз биласиз, мандада бир нимарса диюрга анга садъқаи сўзим қиламан. Ва аммо, мунда амма-хола ва хеш-ақраболар ҳаммалари сизни дуойи жонингизни қиладурлар. Ва ул Янгиқўрғон бўлисидин ҳам сизга салом бор.

Акбархўжа, алҳол, мадрасада ўқуб юрубдур. Ва махсум чойфуруш бўлди ва Ғофиржон ҳаммалари ҳам сўраб дуо дедилар. Ва яна ўшал илгариги хатимда бир нимарса илтимос қилиб эрдим, ҳеч нишони бўлмади, соғинур экан киши, гоҳ кўрарга ўз тасвирингизни сўраб эрдим, хаёлингиздин чиқиб кетти ва яна мундоғ қилманг, тез-тез хат ёзиб туринг....

Ва домлаларингизга ва мактабхонада бирла ўқуб юргувчи ўртоқларингизга ҳаммаларига мандин ғойибона салом еткуруб қўйинг. Зиёда нима дейин.

Аддуоу вассалом камина тағонгиз Муҳаммад Амин-хўжа Муқимий деб биласиз.

Ушбу хат ёзилди мартнинг йигирма тўртинчисида.

Албатта жавобини ёзуб вақтлиғ юборинг, бизлар

мунда хотиржам бўлойлук, аддуоу вассалом, нома та-
мом.

Н а з м

Доғи жудолиғим кам эмас эрди, эй фалак
Устина боз мунтазири хат ҳам айладинг.

* * *

Ва яна махфий қолмасунким, ушбу хатни сизга қур-
бон ойининг бошидин ўн беш кун илгари ёзуб, мазкур
харта билан Азимжонга пўштага ташланг, деб ўзим-да
Марғилонга кетиб эрдим. Ул ерда қарийб бир ой юриб
қайтиб келдим. Холо ҳам [харта] сизга кетмай Азимжон-
ни дўконида турубдур. Пўштага олиб борса, хом суф
экан, пухта суфга хартани яна дубора тикиб олиб кел,
деб олмаган эмиш. Яна мой ойини ўн иккинчисида бо-
хабар бўлуб иккинчи пўштага солдук. Сизга ушбу тўғ-
ридин ёмон айблик бўлдим, умид қиламан маъзур тутиб,
маоф айласангиз, деб. Ва боз Тожихон бой Масковга
борар бўлмушлар деб Марғилондин келган куни эшит-
дим. Дарҳол ўшал соатда тезлик ила бир хат ёзиб шул
нимарсани пўштага берганим баён айлаб, бир салла би-
лан рўймолларидин бир харта қилиб Акбархўжадин
юбориб эрдим. Ул жанобни[нг] қўлидин, мазкур нимар-
са ночиз нимарса эрди, бовужуди ўзингиз — оқил, кўр-
дингиз бу оламда бир фақир бечора кишиман, мандин
ҳар нимарса борса муни ҳам айбга қўшманг. Баҳар
чигуна ушбу хатга ва Тожихондин хат теккан бўлса анга
ҳам теккан, тегмаганлиғини[нг] хабарини, албатта-ал-
батта ёзунг. Камоли соғинганимдин хатингизга кечаю-
кундуз кўз тутиб нигаронман. Агарда тез-тез сиҳҳат ва
саломатлиғингиздин хат ёзиб турсангиз олло рози бўл-
сун.

Ва аммо сут ва қатиг ичсам яна безгак хуруш қила-
дур, дебсиз. Сизга бас совуқлиғ нимарса ёқмас экан,
иссиғ таомга ва иссиғ нимарсаларни кўпроғ истеъмол
айласангиз, токи мизож бир даража гармиятга кирса,
чунки сут ва қатиг билан ҳам безгак тутмаса керак.

Зиёда нима дейин.

Вассалом, аддои камина тағонгиз Муҳаммад Амин-
хўжа Муқимий.*

[КҮЗЛАР НУРИ ВА СИЙНАЛАР СУРУРИ АЪНИ РУЗИМУҲАММАДЖОН!]

...Ушал фебрални саккизида ёзган хатингиз мулла Азимжон қўлидин яхши соатда етиб жароҳатлиғ кўнгулға марҳам бахшлади. Аммо ман ҳам сизни кўргон каби бўлдим. Баъда ном тутуб ҳар бир қайсиларина юборган собунларингизни ўз қўлларина бердук, чўх хурсанд бўлишиб, хайриятким бизлар ҳам эсларина тушар эканмиз, деб суюнуб ҳаммаларини бир-бир сизга ҳам саломлари бор экан. Акбархўжага ҳам хат билан амонатларини топшурдук, «жавобина ўзум хат ёзаман», деб эрди, ёзса керак. Бу фақирға ҳам бир қаламтарош ва собун юборибсиз, кироий киши тутуб юрғудек кордча экан, васфина ушбу назм-рубойй ўлиндиким,

Ажаб бу кордчаи асли коргоҳи фаранг,
Кесарда тиғи баробар дамина мўм ила санг.
Қачонки тегди бу «забёёл» тамғаи олий,
Қутулдум эски фиҷоғдин ёмон босиб эди занг.

Ва яна фақир ёзуви чофа ўлуб, ажаб хушхат тушмиш ва ҳам бир дафтар китоб, иншоолло, ёзуб юборурмиз, ўқуб юрасиз.¹⁰ Ва жаноб Ҳазрат ҳам собунга дуойи хайр қилдилар. Ва ул икки мингбоши ва Махдум ва Гофиржон ҳаммаларина саломингизни дедук, аларни ҳам сизга кўпдин-кўп саломлари бордур.

Ва яна махфий қолмасунким, ғойибона жаноб улўф даражалу катта бой абзини ва фарзандларини ва эшиклариди ўзингизға эрта-кеч унс ва улфат олган одамлар ва мактабхонада ҳам — мактаб ўртоғлар била, мумкин бўлса, устозу муаллимларингизга саломлар айтинг.

Ушбу хат (Ап)релни оввалида ёзилди¹¹.

Таъхир бўлғонига айбга буюрманг, неча вақт бўладурким бетоб[ман], тангрига шукр, энди озгина дармон пайдо бўлуб турубдур. Ортуқча, дийдор кўрушмак орзусидин ўзга нима ҳам деб бўлади.

Аддуо вассалом, аддои Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ва Акбархўжа деб биласиз.

Ва яна ул бизга шуносолиғи бор биродарлар чунончи, Тожихон ва ғайри ҳам аларни кўрсангиз ҳам салом денг. Ушбу хатга дарҳол жавоб ёзинг Байт:

Еткач хатим жавобина бир руқъа соз қил,
Ирсол этиб бу янглиғ мени сарфроз қил.

Аслинг на ердан эрдингу, эмди на ердасан,
Ҳақни иродасини кўз оч, имтиёз, қил.

[КҮЗЛАРНИНГ НУРИ ВА СИНАЛАР СУРУРИ РУЗИМУҲАММАДЖОН]

Дуойи фаровон ватаҳиёти бепоён адосидин сўнгра назирингиз бўлсунким, фақир камина ўшал мадрасада истиқомат қилиб, кеча ва кундуз, эсон ва омон, хуш ва хурсанд юрмоқлигингиз истидъодир. Аммо, мактуби марғуби муҳаббат услубингиз Абдуллажон бойбачча қўлидин тегди, ўқуб мазмунидин воқиф бўлдукким, сиҳ-ҳат ва саломат безгак тутмай юрмиш экансиз. Ва «Масковларда совуқ, ҳар кун ёмғур» дебсиз, худованд таоло қудрати мундада 32 даража иссиғ ва андада мундоғ совуқ. Ва аммо июннинг аввалида¹² бир хат пўштага солиб эрдук, шул вақтгача тегди ваё тегмади — билолмадук. Ҳар дафъа хат берамиз-совғасиз, сизга муносиб юборғудек бир нимарса юборолмай хатларимиз қуриқдин-қуриқ бориб, ниҳоятда, ёзган хатларимиздин хижолат ва шарманда бўламиз. Бечорачилик, подшолик мадрасаларни[нг] вақфини олиб қўйган, ҳеч бир тарафдин даромад — дахл йўқ, қашшоқлиғ. Шу сабабли хижолат бирлан хатларимиз шундоғ қуруқдан-қуруқ борадур, айбга қўшманг. Олло тағонгизни шундоғ камбағал бечора халқ қилмиш... Ва аммо мунда ёру дўстлар хатингизни ўқуб эшитингиз, деб дуойи саломларингизни бир-бир ҳар воҳидларига, хусусан, алалхусус Ҳазратга айтиб дуоларини олдим. Ва яна ул икки мингбоши «Қовунлар пишти, келмосмукинлар?» дейдилар. Ушбу хат боргач, тўхтовсиз хат қилинг. Ва яна катта бой абзини ва ўғулларини ғойибона фақирни[нг] тарафидин сўраб дуолар айтинг. Ва аксар хатларда фаромуш бўлодурлар, Тожи-хон бойни ҳам кўбдин кўб сураб дуо айтинг.

Ушбу хат ёзилди июлни аввалида, аддои Муҳаммад Аминхўжа Муқимий.

* * *

Ва Акбархўжа, ва Гофиржон, ва Тойиржон, ва уста Қобил сартарош, ва Зокиржон бойбачча ҳаммаларидин сизга салом бор. Ва яна ул баъзи нимарсалар юбормиш эрдингиз, ҳар қайсини ҳар кимга бериб, бир кордчаи аъло дасталик юбориб эрдингиз, ёднома, деб ўзум тутуб юрар эрдим. Неча замонлар қалам кесмоққа ўтуб эрди, эмди ўтмай қолди. Камоли ўтмаслиғидин «Рўзимуҳаммаджон юборган!» демакка ҳам хижолат бўладур, киши; шундоғ ўтмас чиқти. Бовужуд, ёдгорлик, деб тутуб юраман. Аммо ўтмасроғ, ўтмаса ҳам ўткур пичоқдек билиб тутаман, ўзингизни кўргандек бўламан.

Илоҳо саломат бўлғайсиз.

Аддуо вассалом, Муқимий деб биласиз. Албатта жавобини ёзингиз!

НУРИЛАБСОРИ ВА ҚУДРАТУЛЪАЙНИ РУЗИМУҲАММАДЖОН!

Баъдаз саломи суннатул ислом ва пайғоми муҳиб-бона, замири мунири хуршид назирингизга маълум бўлсунким, юборган мактубларингиз билотаваққуф ўшал вақт мундарижалари мў-бамў мафҳум бўлмиш эрди. Аммо, бу фақир тағонгиз жавобина хат ёзарга бетоброғ бўлуб, фурсат бўлмай, ушбу рамазони муборак келдилар. Хулласиким орода бир-икки-уч ой ўтуб, ёд саломатлиғлардин руқъа ёзолмай сиздин шул бепарволиғ билан ниҳоятда хижолатманд эрдим. Эмдиким, андак, сиҳҳат топиб, муҳаббат изҳор айладим. Аммо жанобларидин ҳам иккинчи хат келмади. Бас, маълум бўладики, фақирдин хат борса, хат келар экан. Агар шундай узр сабаб бўлиб, баузр хат қилалмай юрулса, сира хат келмаслик лозим эрди. Ҳарчанд кўз туттумким, дубора хат айламадингиз. Бовужуди кўнгулга ҳеч ғубор келтурмай хат қилдим. Ёрабким, ҳар ерда, ҳар манзилда бўлсангиз соғ ва саломат безгак тутмай, хуш ва хурсанд юрсангиз, бизнинг муродимиз шулдур.

Умидким, жаноб улуғ мартабалу бой абзининг ва жамиъ катта ва кичик бойбаччаларнинг ва мактабхонада уқуйдурган ҳамсабоқ ўртоқларингизга биз тағонгиз жонибидин дуойи саломлар айтингиз ва Тожихонга ҳам. Ва баъда бундаги қавму қариндошлар ва эшитканлар, чунончи икки мингбоши ва Махдум ва Ғофиржон, ва Акбархўжа ва катта эна, ва амма-холаларингиз — ҳам-малари дуода...

Асло иложи йўқмикин, ёз мавсумларида мактабхона таътил бўлганда жавоб сўраб, мумкин бўлса келиб,

тамошо ва сайри-саёҳат қилиб яна борсангиз. Жавоб бермасмукинларким, Хўқанднинг саҳроларида сайри боғ ва сайри жазира қилишиб, хўб юрушуб хуморидин чиқсак. Ҳаттал имкон бир илож қилинг, мумкин бўлса, негаким бениҳоят соғиндик. Ҳамиша мақдамингизга интизор ва яна бир кўрарга зордурмиз. Аммо, сизнинг кўнглунгизни билмайманким, қайдоғдур. Ва яна ушбу хат боргач, ҳозир, жон жияним бир хат қилингиз, тавалло ҳам хатингизни соғиндик.

Аддуоу вассалом камина тағонгиз Муҳаммад Амин-хўжа Муқимий.

НУРИ ЧАШМИ, НОДИРИЛ ВУЖУДИ РУЗИМУҲАММАДЖОНИ

...Аммо, уч-тўрт йўл хатлари келди, фақир ҳеч бир хат қилолмадим, сабаб шулким беш-олти ой бўладир-ким, бетоб эрдим. Эмдиликда, худога минг-минг шукр-ким, филжумла сиҳҳатлиғ рўй бериб ва ҳануз ҳам дурст беморлиғ асари баданлардин тоза дафъ бўлғони йўқ. Ҳукамолар саёҳат қилмоққа буюруб эрдилар, «тоғлар ичинда хуш ҳаво сойларда бир андак вақт юрсангиз» дегонларини боисидин Исфара деган тоғ ичинда бир мавзий бўлур эрди, наҳоятда хушфайз, баҳаво жой. Алҳол ўшал Янгиқўрғон бўлуси мингбоши бўлган. Ул музофотларда беш-олти ҳафта туруб келдим. Азимжон бойбачча бир хат берди. Сиздан экан, ўқуб кўруб камоли иштиёқ шавқи муҳаббатдин хатларингизни кўзларимга сурдим. Ўшал мингбоши борганимда сизни сўраб, «хат қилганда бизлардин дуо айтинг» деб эрди. Ва Бешариф волоснойи ҳам кўпдин-кўп сўраб саломи бор. Ва лекин хеш-ақраболар чунончи, катта эна ва амма, холаларингиз... салом айдилар... Ва илло суврат тўғрисида илтимос қилиб эрдим, ёдингиздин фаромуш қилдингиз. Ва яна фақирдин бойларингизга кўпдин-кўп дуо айтингиз ва ўзингизга яқин ўртоғ ва дўстларингизга ҳам фақирдин тағангиздин салом айтингиз, албатта. Ва яна ушбу хат боргач, дафъатан жавобига хат ёзиб юборинг ва фақирни ҳол ва аҳволи маълумдур, ўзингиз хушъёр ва оқил, сиздин хат узулмай келиб турса сабаби дуо бўлур, дуо билан эл кўкарур, ёмғур билан ер, деган зарбулмасаллар бордур. Холо ёшсиз, ўн гулингиздин бир гулингиз ҳам очилгани йўқ. Сизга ҳар нимадин ҳам

дуо олмақ керак. Азбаройи ёднома бир рўймол ва бир тўппи совға бўлди. Агар чанди қадри андак бўлса ҳам айбга қўшманг, бечора камбағал кишиларни[нг] тухфаси шундоғ бўлур экан. Юз-юз хижолат билан юбордум...

Аддуоу вассалом, камина тағонгиз Муҳаммад Амин-хўжа Муқимий деб биласиз.

Ва яна ушбу рақима олтинчи июнда ёзилди.¹³ Албатта ушбу хат еткоч бирорта хат ёзинг, савоб бўладур. Фақир бетоблик жиҳатидин хат хабар ёзолмадим ва сиз ҳар дойим хабар ва хат ёзиб туринг, албатта.

КЎЗЛАР НУРИ ВА СИНАЛАР СУРУРИ АЪНИ ЖИЯНИМ РЎЗИМУҲАММАДЖОН!

Баъдаз изҳори лавозимат, туҳфаи дуо ирсоли адосидин сўнгра юборган хатларингизни пўшта билан яхши соатда ва нек фурсатда етушуб мазмунидин камокон воқиф ва огоҳ бўлдукким, Масковда эмас экансиз, анинг учун амонатлар тегмабдур, аммо хатларимиз текканга ўхшайдур. Ва ул пўштада юборган саллани мулла Азимжон бойбачча олиб юбориб эрди, ўзларини кўрсангиз сўзлашуб охчасини берурсиз ва ул қўлда борган нимарсага ҳеч бир нима даркор эмас, маҳзи савғоти эрди. Бечора камбағал одамларни савғоси шундоғ ночиз нимарса ва шумордин ташқари бўлур экан. Шундоғ нимарсаларни юборурга номус ҳам қилур экан киши; айбга буюрманг, жон жияним. Ва аммоким, икки жўра малла деб экансиз, мулла Азимжон «дафъатан Масковга борилмайдур» деб қабул қилмадилар. Пўшта ўзидин кўп кира олур экан, яна ўзингиз биласиз.

Ва лекин ҳар дойим, ҳар вақт ва ҳар ерда ва ҳар манзилда бўлсангиз хат қилиб туринг. Кўзлар ҳамиша йўлда интизордурмиз. Нехуш саодатлиғ вақтлар эканким, бултурги йил шул маҳалда шунда эрдингиз, тамошо қилишиб, қовун сайри айлаб юрган кеча ва кундузларимизни соғиниб жигарлар об бўладурким, қани эмди-да бўлсангиз, яна сайри қовун қилишиб юрсак. Ва яна Акбархўжа, ва Бешариғ мингбошиси ва Махсумнинг, ва Ғофиржоннинг ҳам саломи бор. Ва Ҳазрат тўрамга арзи ихлосларингизни ҳар дойим маълум қилман, ул жаноб ҳам кўп суроб турадилар. Албатта ушбу хат боргач било таваққуф хат қилингиз. Ва Тожихонга

ва яна ўзингизга яқин ошно ўртоғларингизга ҳам мандин бисъёр-бисъёр саломлар айтинг.

Ва яна «ман мунда эмасман» деб экансиз. Агарда Масковда бўлмасангиз қайда бўласиз, қайси ерга бориб, қайси ошёнда турдингизким, «ман мунда эмас», дебсиз. Ва яна «назм ёзувларингиздин юборинг» деб экансиз. Фақир неча муддат бўладурким, назм айтурга табиат лоҳази эрдим, бовужуду бир ёзув — назм пашшаларнинг шаънига айтиб эрдик, Бешариғда кўп бўлур экан, бу кеча анда машқ бўлуб эрди, қуруқ хат бормасун деб, кираси қилмаса ҳам, бир омади гап деб ёздук, айбга қўшманг. Зиёда нима дейин.

Тағонгиз камина фақир бечора Муҳаммад Аминхўжа Муқимий деб биласиз.

Мактубнинг охирида Р. Дўсматов томонидан қилинган қуйидаги қайд учрайди:

«Получил письмо из Коканда от Мухаммед Амина 1899 год, августа 12 дня. Рузи—Мухаммед».

КУЗЛАРИМИЗНИНГ НУРИ ВА СИЙНАЛАРИМИЗНИНГ СУРУРИ АЪНИ РУЗИМУҲАММАДЖОН!

Баъдаз дуойи лоюадду валоюҳсо адосидин сўнгра макшуфи замири мунири хуршид танвирингиз бўлсунким, 3-нчи августда ёзилган хатингиз ўн уч сўм ахча билан 13-нчи ўктябрда тегди. Сабабики, фақир камина Наманган деган вилоятда ёру дўстларимиз бўлур эрди¹⁴, алар ҳар йил бу бандани хат билан олдуруб борурлар эрдилар; ушбу йил ҳам хат билан «келсунлар, сайру тамошони ҳамроҳ қилайлук», деб илтимослари бўюнча борган эрдим. Ул вилоятда вақтлик келурга қўюшмай икки ой сохладилар. Ушбу ой ичи Хўқанд келиб, хатларини йўлуқуб олиб ичинда 13 сўм ахча билан бир суврат бор экан, кўпдин-кўп хурсанд ва сарафроз бўлуб, гўёки ўзингизни кўрдум; бошлар, вақтим чоғ бўлганидин, етти осмонга етти, Масков тарафиға қараб. Шундоғ ҳол ва аҳвол сўраб бу маҳжур, ғариб, бекас тағонгизни ёдлануб йўхлаб қилган хатларингизни қайта-қайта ўқуб сиздан миннатдор бўлдум, олло ҳамиша рози бўлсун, кўп йиллар тангри-таоло шоду хуррамлик бирла сихҳат ва саломат сохласун, илоҳи асло ҳаргиз безгак тутмасун.

Ва аммо яна илтимос шулким, ғойибона ушбу фақирдин, дурафтодадин жаноб ўлуғ даражалу, ҳурматлу бойға ва ўғуллариға — ҳаммалариға арзи ихлос айтинг. Камина ҳам хатингизда кимларга, салом айтинг, деган бўлсангиз ҳаммалариға бир-бир алоҳида саломингизни [айтдим], аларни ҳам [сизга] саломлари бор. Ва ул икки мингбоши ҳам жойларида барқарор сўр [ойдилар]. Махфий қолмасунким, ушбу хат етгач, етконина бир хат,

албатта, ёзинг. Хаёлингизга келмасунким, беш-олти ойдин сўнгра хат қилсам ҳам бўладур [деб]. Ҳар маҳал сизнинг хатингизга балиғ сув[га қандай чанқоқ бўлса], биз ҳам сиздин келадурган мактубга шундоғ. Илоҳи умрингиз узоғ бўлғай... Зиёда муштоқлиғдин бўлак нима ёзар эрдим.

Аддуо вассалом, камина тағонгиз Муҳаммад Амин-хўжа Муқимий.

Ушбу хат ёзилди ўктабрни 23-нчи кунида, якшанба оқшомида, шавол кечаси.¹⁵

НУРИЛАБСОРИ РЎЗИМУҲАММАДЖОН!

Дуойи фаровон ва таҳияи бепоён адосидин сўнгра, алҳамдиллоҳ, бу фақир ҳақир тағонгиз шукргузорлиғ кунжида бечоралик билан ўтуб, ҳамиша ёдлануб ёд қиламиз. Ва аммо ноябрнинг ўн тўртинда юборилмиш хатингиз яхши соатда тегди.

Мазмунларидин кўзларга нур ва иборатларидин кўнгулларга сурур ҳосил бўлуб, аввало Ҳазратга, иккинчи жамиъ ёру дўст, қавму қариндошларга, хусусан икки мингбошиға саломингизни еткуруб, аларни ҳам махсус-махсус сизга саломлари бор... Ҳар вақтиким, соғинмоқ ҳаддан тажовуз қилганда, сувратни ойнага яхшилаб солдурганман, кўруб озгина қувониб таскини дил бўладур.

Илоҳо, ҳар ерда ва ҳар шаҳарда бўлсангиз кўп йиллар эсон-омон, ўйнаб-кулуб безгак тутмай юрунгиз... Ва мактабхоналарда ҳаммактаб ўртоғларингизга ҳам дуо денг.

Ва яна ҳар доим хатингизким, келадур ҳануз ўқуб хуморидин чиқмай хат адо бўладур, киши ўқуб тўймай қоладур.

Ул мамлакатларда ажойиб ва ғаройиб ишлар кўп, ёзиб хатингизни кўпроғ қилингим, филжумла ўқуб қонгудек бўлайлик.

Ва яна Уста Қобил сартарош афсус қиладурким, «ман Рўзимуҳаммаджонга ёмон айблик ва беновот, қиёматгача ҳеч бир хатда сўрамайдиган гуноҳ қилганман. Агарда кечурсалар айни қарамлари, биламан», дейдурлар.

Ва яна белатингизни янгиламоққа мунда маҳкамага юбориб экансиз. Бизнинг часни илгариги мингбошиси чиқиб қолиб, бўлак мингбоши бўлган эрди. Янги бўлмуш мингбошидин эшитдимким, янгилаб юборибдур...

Аддуойи вассалом, аддон тағонгиз Муқимий деб биласиз. Ушбу хат ёзилди декабрь ойини (нг) ўн еттинчисиди.¹⁶

НУРИ ЧАШМИМИЗ РЎЗИМУҲАММАДЖОН!

Саҳифаеким анга шарҳи ҳажрингиз ёзилур,
Кўзум ёши-ла ўчар, ҳарна ёзингиз, ёзилур.

Баъдаз изҳори лавозимоти қавоиди дуо ва салом алҳамдулиллоҳ бу хаста дилафгор тағонгиз шукр гузорлиғ кунжида бечоралиғ ва ғариб бекаслиғ билан ўтуб ҳамиша, ҳар доим, ҳар маҳал, ҳар вақт сиз жигар гўшамиз эсон ва омонлиғи масъулдур. Илоҳи ҳар ерда, ҳар мамлакатда, қаю манзилдаким, бўлсангиз соғ ва саломат ўйнаб-кулуб, шоду хуррам танигиз сиҳҳат, безгак тутмай ҳеч бир ранжу озор ҳеч тарафдин етмай жаноб улуғ даражалу Катта бой абзини сояи давлат ва шафқатларида юрсангиз экан деб, мудом қўл очиб, Масковга қараб дуолар қиламиз, оллоҳ билсун. Ва яна махфий қолмасунким, ўн саккизинчи февралда ёзилган хатингиз Азимжон бойбачча қўлларидин бевосита тегиб, дарҳол дўконларида очиб ўқидим, мазмунларидин мажруҳ жароҳатлиғ ярадор сийналаримиз марҳам — шифо топиб мулла Азимжон акаларига саломлар хатингизда айткан экансиз, кўпдин-кўп сиздин хурсанд ва сарафроз бўлдилар, «олло рози бўлсун» ҳам дедилар. Ва айнан жаноб Тўра Ҳазратга ва жумла ёру дўсту ошноларга ва ул икки мингбошига, қариндошуруғ, аммаларингизга ва катта онангизга ва Хайриниса(ға) — ҳаммага бир-бир саломингизни еткизуб сизга дуо ва фотиҳаларини олдим, хотиржам бўлдим, сиз ҳам хотиржам бўлунг...

Ва яна амакингиз ноинсоф мазкур маҳалладин ҳавлини гаровдин чиқориб бўлак маҳаллага кетибдур. Аввал белатингизни мазкур маҳалла элликбошиси гувоҳлиги билан бўлган, иккинчи белат бизни маҳаллани[нг] элликбошисини «фақир билан гувоҳлангирдим» деб, менга мингбоши айди. Бас маълум бўлдики, ул маҳалладин амакингиз ҳавлини гаровдин чиқориб кетибдур. Агарда бизнинг элликбошимиз гувоҳга олмаса мумкин эрди. Азбаски бу маҳаллада фақирингизга боз риоят айлабдур. Бас, эмдиликда оқибатини ўйлаб бирорта жой ўз номингизга олиб, сариҳ равшан қилиб кетмадингиз, доим кўнгулга ушбу нукта тушуб турадур. «Жон бор ерда, қазо бор», ёким, иттифоқо, мундай бўлмас, бўлак бир бошқа шаҳарда бўлсам ва элликбошилар ҳам ҳар йилда янги бўлуб турадур, токайгача ҳовли-жойингиз бўлмаса ҳам гувоҳликка оладур. Эмдиликда мазкур белатда Эрмуҳаммад оқсоқол элликбоши номи тушгандур. Мазкур элликбошига айтиб шул мадрасага яқин ўз маҳалламиздин бирорта ҳавли ўз номингизга хат қилиб олиб берайлик. Баъзи беҳавли одамларга ижарага қўямиз, лоақал бир йилга ўн сўм — ўн беш сўмга ижарага олиб ўлтурадурган бечора одамлар кўп. Агарда амакингиздаги пулни олмаган бўлсангиз устига бирмунча маблағ охча юборсангиз ва ул амакингиздаги охчани добирнас [доверенность] хат билан ўзингиз ундуруб берсангиз номингизга юз сўм, юз эллик сўмга бирорта жой олиб қўйсангиз минбаъд ҳам беташвиш, маҳкамага белат келса яхшиланадурган бўлса деб илтимос қиламан.

Ва аммо ушбу хат ёзилди март ойининг аввалида. Ёзғувчи тағонгиз Муҳаммад Аминхўжа деб биласиз. Ва яна Акбархўжадин кўпдин-кўп салом.

НОБИНО КЎЗЛАРНИНГ НУРИ ВА ГАМГИН КЎНГУЛЛАРНИНГ СУРУРИ АЪНИ РЎЗИМУҲАММАДЖОН!

Гулдастай чаманистон дуойи салом ирсолидин сўнгра маълум бўлсунким, алҳамдиллоҳ камина фақир ҳақир тағонгиз ўшал ҳужрада бечорачилик ва ғариблик бирла ўтуб ҳамиша, ҳар доим, ҳар вақт, ҳар маҳал сиз жигаргўшанинг ҳар ерда, ва ҳар мамлакатда, ва ҳар манзилда бўлсаларда, эсону омон безгак тутмай роҳат ва фароғат билан осойишталикларингизни кўзлаб дуо қиламиз.

Ва баъда 15-нчи мартда юборган хатингиз келиб, ўшал вақтда — кўп замон бўлди фақирга тегмишига ва илло шул орода бетоброғ бўлуб хатга фурсат бўлмай сизнинг хатингизни жавобига жавоб қайтаралмай хижолатда ва шармисор эрдим. Эмдиликда баҳарчигуна худованди акбар азза исмиҳу лутфу марҳамати ила яна сиҳҳатга мубаддал топиб хат қилолдук. Узрларимизнинг инobatга олиб айбга қўшган бўлсалар маоф тутғайлар.

Ва яна маслаҳат оmez сўз эрди, ҳеч беташвиш бўлиб, андешага тушманг, бар зиёда охча бўлса, башарти, деб хаёл қилган эрдим. Бу қадар экан, аҳволингизга тушунмайдиган эканман, муни ҳам маъзур тутинг.

Ва яна мунда жамеъ катта-кичик хеш ва ақрабо, чунончи, катта ононгиз ва аммангиз ва ҳамшираларингиз, чунончи, Хайриниса ва Акбархўжа ва Ғофиржон ва ул икки мингбошилар — ҳаммалари сиҳҳат ва саломат ва дуойингизни аларга еткуруб эрдим, ҳамма-

ларини[нг] ҳам дуоסי бор. Ва Ҳазратимға ҳам саломларини айтиб, ул жаноб ҳам дуо қилдилар.

Зиёда ушбу хат борган замон тўхтовсиз хат ёзингиз, сизни[нг] хатингизни неча замонлардан бери олмадим, хумориси тутуб соғиндим.

Аддуо вассалом, Муҳаммад Аминхўжа Муқимий.

Ёзилди учунчи июнда.¹⁷ Албатта мусоҳала қилмай аҳволотларингиздин хат ёзинг, албатта, албатта, албатта.

ЖАНОБИ НУРИ ДИЙДА ВА СУРУРИ СИЙНАИ ҒАМДИЙДА АЪНИ РУЗИМУҲАММАДЖОН!

...Ва аммо, ҳар хатеким юборурсиз мулла Азимжон қўлидин тегиб турадур, мазмунларидин сиҳҳат ва саломатлигингизни англаб хурсандлар бўламан. Бу июннинг йигирмасинда ёзуб-да юборган хатингиз ҳам тегди, салом этган одамларга — ҳаммаларига бир-бир саломингиздин еткуздим ва аларни ҳам сизга чўхдин-чўх саломи бор. Ва лекин фақирдин саволи шарифингиз-да бўлса, неча вақт қулоғ оғриққа мубтало бўлуб, дўхтурдин дорулар олиб, эмдиликда худойнинг илтифоти ила андак, шукр, яхшидурмиз. Шул сабаб биздин сизга хат таъхирлик билан борадур. Ва аммо ушбу вақтларда Хўқандда мевалар пишган, ҳайфким, юборур (эрдук) бормайдур экан ва «йўлда борғунча чириб қоладур», дейдилар. Доғ бўлдимки, шафтолу, ё анжир, ва чилги узум — шундоғ жинс мевалардин саватчага жойлаб юбориб бўлмос экан, кўп афсус қилдим.

Зиёда нима дейин. Аддуо вассалом, аддои камина тағонгиз. Муҳаммад Аминхўжа Муқимий деб биласиз.

Ва яна ул ерда Тожихон бойнинг [кўрсангиз] биздин бетамаъ ва холис сўраб дуолар айтингиз. Ва яна махфий қолмасунким, халқ ичида бир масали машҳур бордурким, орзунинг айби йўқ, нону насиб, сиз қайда эрдингиз ва Масков [қайда эрди] яна охирида ажаб эрмаским нону насибаларингизни мунда ҳам сочган бўлса, тақдир; бир катта амалдор бўлуб шул тарафларга яна иккинчи келсангиз экан деб хаёлларга, кўкнорини[нг] хаёлидек хутур қиладур. Агар бу маъюс

ва надоматлиғ маҳзун кўнгулларда мундоғ умидлар бўлмаса тириклик бандасиға қийин бўлур экан. Ҳикмати парвардигор шундоғким, мумкин бўладурган мақсадларга овунтуруб қўяр экан, йўқса сиздек жондин, наздик жигаримдин жудо [бўлуб] зиндалиқ қилалмасам керак эрди. Баҳарчигуна шундоғ ёдингиздин фаромўш этмай, сўраб турсангиз олло рози бўлғай, зиёда хижолатдин бўлак нима изҳор қилурдим.

Боз аддуо вассалом, Муқимий деб биласиз.¹⁸

КҮЗЛАРНИНГ НУРИ ВА СИНАЛАРНИНГ СУРУРИ РУЗИМУҲАММАДЖОН!

Баъдаз адойи одоби салом ва суннатул ислом ва пайғоми муштақонаи меҳру муҳаббат анжом, макшуфи замири мунири офтоб танворингиз ўлғойким, алҳам-диллalloҳ ушбу фақиру ҳақир камина тағонгиз ўшал ўзингиз кўрган мадраса ва ўшал ҳужраи танггу торикда бекаслик ва ғариблик чирогини ёқиб, ҳамиша, ҳар доим, ҳар вақт ёдлониб умр жонларингиз дуосига машғулдурмиз. Умидким, сиз ҳам ёдингиздин фаромўш айламаган бўлунг. Аммо ҳар ойна инсофга қараганда ман айблик, негаким, бир-бир кетин сиздин уч йўл хат келдиким, ман бир хат қилалмадим. Сабаб шулким, неча ойлар қулоғ оғриғ бўлдим, қулоғ оғриқга ҳеч гапу сўз сизмас экан. Илоҳи душманинғ ҳам бу дардга мубтало бўлмасун. Анинг учун, зоҳиран, ман сизнинг фаромўш қилган каби бўлдум. Эмдиликда юз шукрим, сиҳҳат топиб хатга фурсат топтим. Албатта кўнгулингизга келгандурким, «хатимга жавоб бермай қўдилар» деб.

Ва яна мунда ҳаммаи қавму қариндошларингиз саломат ва омонлик даражасинда ўтуб, ҳамиша дидор кўришмакни орзусидадурлар. Чунончи икки мингбоши ва Махдум ва Ғофиржон ва Акбархўжа ва Исмоилжон ҳаммалари ҳар қачон мандин сизни сўраб турадурлар.

Ва яна ниҳон қолмасунким, ушбу хат ноябрь оининг 24-синда аср билан шомни[нғ] оросида мактуб бўлинди.¹⁹

Албатта, бу мактубга, манга ўхшамай, сиз жавоб дафъатан ёзинг. Ман агарда сизга хат ёзайин десам,

ҳайрон бўламан; на учунким, Масков боп хат ёзарни[нг] билмиман. Баъзи сизга қилган хатларда катта улуғ мартабалу бойга ва болаларина дуо айтиб, мактабларда ҳамсабақ шерикларингизга ва улфат бўлуб юрадирган ошноларингизга саломлар айтаман. Билмасманким, алар саломларимни инобатга оладурлар ё олмай-дурлар. Шу сабабли Масков боп хат ёзалмасман. Албатта, жавобини борган ҳамон ёзинг. Сиздан ҳам хат келмай қолиб хатингизни ниҳоятда соғиндим. Ва яна умид қиламанким, шу вақтдаги суратингизни олдириб юборинг ва ул илгариги суратингиз ҳам ҳамеша рўбарўда назарда турадур, боз янги суратингизни кўнгул хоҳиш қилиб, орзу қиламан... Зиёда нима дейин.

Аддуо вассалом, камина тағонгиз Муҳаммад Амин-хўжа Муқимий деб биласиз.

НУРИЛАБСОРИМИЗ АЪНИ РЎЗИМУЎАММАДЖОН!

Баъдаз изҳори лавозимоти дуою салом маълум бўлсунким, қурбон ҳайтдин бурун бир ифак сари салла юборилиб эрди, аммо, тегди-тегмади билолмадук. Иккинчи Тожихон бой қўлларидин бир салла ва бир рўймол юборилди, бул ҳам бедарак кетмасун, албатта хат бирла тезликда маълум қилинг. Аввал худо, иккинчи тириклигимда кимим бордурким, сиз манга сиҳҳат ва саломатлигингиздин ёзмайсиз. Керакким фақирни[нг] иштиёқиға боқғанда ҳар ҳафта бир хатингиз келиб тегиб маҳзун ва ғамгин кўнгулларнинг хуш этса.

Ва яна ҳама қариндошлар ва ёру биродарлардин саломлар бениҳоят етсун. Ва биз фақирлардин Катта бойга ва ўғуллариға, албатта, беҳад дуолар айтурсиз, зиқ вақтда ёзилди. Сўзум кўп эрди, барисин шарҳ этарга кунжойиш қилмади, маъзур тутинг. Албатта илтимосим инobatга олуб хат боргач, хат қилинг, кўзларимиз хатингизни йўлидадур. Зиёда аддуо вассалом.

Тағонгиз Муҳаммад Аминхўжа Муқимий деб биласиз. Акбархўжадан ҳам салом.

Аддуо вассалом, нома тамом.

Аддои Муҳаммад Аминхўжа Муқимий деб биласиз.

Ва яна сувратингизни юбормакни, суврати бўлса, филжумла кўруб гоҳ таскини хотир ҳам бўлур эркан. Зиёда яна аддуо вассалом. Ушбу хат рамазон шариф йирмалончисиди саҳарда ёзилди,²⁰ сўзларда саҳву хато кетган бўлса рўзани гаранглиғиға ҳамл қиласиз.

БИРОДАРИ МУҲАББАТ ТАВЪАМОН АЪНИ РЎЗИМУҲАММАДЖОН!

Ва аммо мастур қолмасунким, ушбу овони рамозони шарифда тағонгизни кўруб кайфияти аҳволларин сўрдимки, бетоб эканлар, яъни бетоблиғ шулким, ярақон деган захматга мубтало эканлар. Ул маразга гирифторм бўлгон кишини кўзларини[нг] оқи сариққа мубаддал бўлур экан. Шундоғ касалга бултурги йилинда ҳам гирифторм эрдилар. Ҳақимлар саёҳатга буюриб, тоғларда неча замон истиқомат қилиб, сиҳҳат даражасинда етиб келган эрдилар, магар тоза мусаффо сиҳҳат топмай, андак ғубори қолгон экан. Бу йил ҳам зимистон ибтидосинда мазкур касал ориз бўлуб, азрўйи узр ночори хат қилолмас эканлар. Йиғлаб-йиғлаб баёни воқеа қилдиларким, узрларини ман ҳам азрўйи тараҳҳум қабул қилдим, сиз ҳам қабул қилиб, инобатга олинг, начукким, ул кишини[нг] меҳри жонсипорлиғлариға боқгонда сиз ҳар қанча хат қилсангиз ҳам кам экан.

Зиёда бу руқъа ёзилди рамозони муборакни[нг] ўнинчисида.

Аддои камина мулла Азимжон бойбачча деб биласиз.

Ва лекин бовужуд ўзлари ҳам, айб бўлди, деб энди яқин фурсатларда рақимае ирсол айламоқчи эканлар, иншооллоҳ, хатларини яна ўзум сизга юборурман. Ва ҳам бир нимарсани сиздин илтимос қилган эканлар, сиз то ҳануз юбормабсиз. «Ул нима нимарса эрди?» дедим, маълум қилмадилар. Зиёда боз аддуо вассалом.

МАШАВИЙЛАР

[ХОН АКАМ]

Арз этайин тигнасалар хон акам,
Айладилар ваъдани ёлгон акам¹.

Абдусамадхон ва Хўжандий жавон,
Бўлган экан икавлари меҳмон.

Бизда не журм эрдик, қилмай хабар.
(Суҳбат) қилибсиз кечаси то саҳар.

Қайси латойифда сўздур масал,
Бир гани бирлан бор эди камбағал.

Иккиси ногоҳ экан ҳамсафар,
Йўлда бўлуб қолди намози дигар.

Қилди муаззинлар азонин тамом,
Бой туриб асрга бўлди имом.

«Шома имом ўл!» деди бечорани,
Яъни ўшал хаста жигар порани.

Дедик, ул камбағал: «Эй нек ном,
Индамайин асрга бўлдинг имом.

Хуфъясига қилдинг имоматчилик,
Жаҳрияда менга сўнарсен илик.

Уттунг ўқуйдургонига индамай,
Мунга ҳам ўт эмди ўзинг индамай».

Бўйла латифа ила ул хуш калом,
Шомға ҳам айлади бойни имом.

Эй эл аро заккию соҳиб карам,
Ишларингиз сизни[нг] қизиқ мунданам.

Бўйла келан кеча [баланд андозалар]
«Қайда экандурки» демайсизлар (?)

Чиқтики мундин кеча ёлғуз қолиб,
Бормиш экансиз бизи ночор олиб.

Йўқ биласизким бу кеча меҳмон,
Келмоғи наздику йироқдин гумон.

Баъда дейсизки бўюнни қашиб:
«Эй юрингиз ўлтирамиз гаплашиб».

Хуррам этиб, йўхламанг иккисида ҳам,
Сўрмасангиз анда, деманг мунда ҳам.

Айласам ҳар қанча гила сиздин оз,
Хуш карам аҳлиға фақир этса ноз.

Мухтасар айлаб сўзум эттим тамом,
Хоҳ сўранггу сўраманг вассалом.

[ТАРТИБНОМА]

Чекиб ширин наво тўтийи хома,
Бу янглиф тузди хуш тартибнома.

Шубу тартиб бирлан жўра-улфат,
Муносиб қилсалар ҳар ерда суҳбат.

Қаю суҳбатки, бетартиб — вайрон,
Киши ўлтурса андин яхши зиндон.

Авал тартиб шулки, гапда ҳар гап,
Ўтулса ташқариға чиқмағай хап.

Бўлак ерда бориб гар қилса изҳор,
Жарима қўйсалар ҳаққига даркор.

Қўюб қўл дўғма буйруқ қилса тўра,
Олурлар иштараб уч сўм жўра.

Иккинчи соат олтида тутар жой,
Ўшал соат келур хоҳ камбағал, бой.

Келиб жумла бир одам қилса таъхир,
Закун буюнча анча шулки таъзир:

Берур бир сўм ила олтмиш тийинни,
Қошиб бечора бойқуш бўйинни.

Берилмай қолса ҳар бир сўмиға ҳам.
Олинмас эртаси бир тангадин кам.

Ва гарна бир ҳаводис монӣъ ўлса,
Гувоҳини олиб узриға келса.

Кечар ул вақтларда дўғмаҳона,
Ва лекин кечмагайлар бебаҳона.

Учинчи гапга қасддан келмаганлар,
Берурлар иштаробини қачонлар.

Агарда келса меҳмон, бўлса бетоб,
Гувоҳлаб маълум айлар зуд башитоб.

На хат келса, на одам — бедарак-гум,
Тўлар албатта ул бойвачча беш сўм.

Чаҳорум солса дастурхонни нелар,
Записка дўғмани амрича айлар.

Такаллуф қилсалар ортуқча аммо,
Қутулмас бермаса бир сўм асло.

Агар рози бўлиб қўл қўйса аҳбоб,
Муқимийё, бу гап оламда наёб.

[Қ О Р Х А Т]

Қор ёғди ба амри холиқи ҳай,
Соқиё, тут қадаҳни пай-дарпай.

Қор хат халқ ичида расми қадим,
Билки хотир писанди шоҳу надим.

Бўлса сизга бу рўқъамиз манзур,
Базм тарҳин қуринг било маъзур.

Базми шоҳоналар қилинг ижод,
Қилмаган бўлсалар бийик Бекзод.

Икки ёрни тараддида бўлинг,
Дафъатан катта дош қозонни қуринг.

Айлаюб бор ошнога хабар,
Ўтқузинг ҳаммасин қилиб пар-пар.

Ғижжаку, чанггу, най, навозанда,
Топтуринг жўра-жўра созанда.

Дунбалик бош кесинг семиз қўйни,
Ясатинг бир алоҳида уйни.

Ҳофиз овозидин малоикалар,
Осмонда қулоғи бўлсун қар.

Оқил одамга бир ишорат бас,
Кийдуринг шол, беқасам, адрас.

Бу сифат қил зиёфат айшу тараб,
Бот бўлгилу эмди турма қараб.

Ташлади хат Муқим хаста ниҳод,
Топгилу ушлағил ҳалолинг бод!²

МУҚИМИЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИНГ МАНБАЪЛАРИ

(Икки том учун)

Маълумки, ҳар қандай ёзувчи ижодини чуқур ва илмий асосда ўрганиш у қолдирган меросни тўплашдан бошланиши керак. Зотан, ёзувчи ижодий меросини тўлиқ йиғмай, уни системалаштирмай туриб, у тўғрида жиддий сўз юритиш мумкин эмас. Шунинг учун маданият тарихида ҳамма вақт ижод эгаларининг меросини тўплашга ва сақлашга айрим аҳамият берилади.

Адабиёт тарихининг фактлари шуни кўрсатадики, ўтмишда айрим санъаткорлар ўз асарларининг тақдири тўғрисида ўзлари қайғурганлар ва уларни тўплаганлар. Шарқ адабиётида кенг тарқалган «Куллиёт», «Девон»лар шу заминда майдонга келганлар. Агар «Куллиёт» турли жанр намуналарини ўз ичига олган «Асарлар тўплами» бўлса, «Девон» фақат лирик шеърларни ўз ичига олган «Асарлар тўплами» ҳисобланади. Адабиёт тарихимизда мустаҳкам ўрнашиб қолган «Куллиёт» ва «Девон» тузиб, ўз асарларини бир ерга тўplash традицияси қадим замонлардан, Улуғ Октябрь революциясигача давом этиб келган бўлса-да, бу умумий қоидадан четга чиқувчи шоирлар ҳам бўлган. Шуларнинг бири Муқимийдир.

Муқимий қисқа, лекин маҳсулдор ижодий фаолияти даврида талайгина асарлар ёзган бўлса ҳам, уларни на «Девон», на ўша замонда одат тусига кирган «Баёз» ва на оддий «Мажмуа» ҳолида тўплади. Бугина эмас, Муқимийнинг яратган мазмундор ва жўшқин поэтик мероси у ҳаёт вақтида бир муқова остига тўпланмаганидек, шоир вафотидан сўнг ҳам тарқоқ, пароканда

ҳолида қолиб кетди. Шунга қарамай, халқ томонидан севилиб ўқилган ва куйларга солиб қўшиқ қилинган Муқимий асарлари турли формаларда, китоб шаклида «Баёз»ларда, халқ санъаткорлари — чолғучи ва ашулачиларнинг «ён дафтарлари»да, адабиёт ҳаваскорлари — жузъихонларнинг коллекцияларида, айрим парча қоғозларда турли кишилар қўлида сақланган, халқ ичида, халқ билан бирга яшаб келган.

Шоирнинг бу пароканда, тарқоқ қолган ижоди мутлақо тўпланмади десак, тарихий фактларга хилоф қилган бўламиз. Лекин Муқимий асарларини нашр этувчиларнинг ҳеч бири шоир қолдирган ижодий меросни тўлиқ тўплаш вазифасини ўз олдига қўймади. Октябрь революциясидан кейин шоир меросини тўплаш ва илмий асосларда нашр этишга киришилган бўлса-да, шу вақтгача, «Танланган асарлар» эълон қилишдан нарига ўтилмади. Совет ҳокимияти йилларида Муқимий асарларидан қилинган бешта нашр (1938, 1942, 1951, 1953, 1958)нинг ҳаммаси «Танланган асарлар» бўлиб, бир-бирларидан, асосан, фарқ қилмайдилар. Ҳолбуки, атоқли демократ шоиримизнинг ижодий меросини мукамал тўплаш ва унинг «Асарлар тўплами»ни нашр этиш вақти аллақачонлар келиб етган. Шу мулоҳаза билан шоир ижодий меросини тўплашга киришдик ва унинг икки томлик «Асарлар тўплами»ни туздик.

Ҳозирги кунда «шоир мероси тўпланиб бўлди» деб, тўлиқ қаноат билан айтиб бўлмайди. Юқорида қайд қилинганидек, шоир асарларининг ўз вақтида тўпланмаган бўлиши, вафотидан сўнг тарқоқ ҳолда қолиб кетиши ишонч ва қаноат билан бундай ҳукм чиқаришга йўл бермайди. Текширувчи кутмаган вақтда кутилмаган ўриндан шоирнинг янги бир асари чиқиб қолиши эҳтимолдан узоқ эмас. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, вақт ўтиши билан шоир ижодий мероси янги материаллар билан тўлишиб боради. Кейинги вақтларда Муқимийнинг баъзи асарлари топилди ва туғилганига юз йил тўлиши муносабати билан ўтказилган Зокиржон Фурқат юбилей кунларида (сентябрь, 1959) вақтли матбуотда эълон қилинди.

Муқимий ижодий меросини тўплаш ишининг шу вазияти ва хусусиятини назарда тутиб, бу соҳада шу вақтгача қилинган ишнинг характери ва ҳажми билан китобхонларни таништиришни зарур ҳисобладик.

Муқимий ижодий мероси учрайдиган манбаларнинг тури ва характерига қараб, уларни тўрт гурппага ажратиш мумкин:

А. Давлат фондларидаги қўлёзма манбалар.

Б. Айрим адабиёт ҳаваскорлари тўплаган коллекциялар.

В. Туркистонда революциядан илгари литография ва типография йўли билан нашр қилинган материаллар (газета, журнал, тўпламлар, китоблар).

Г. Оғзаки манбалар.

А. Давлат фондларидаги қўлёзма манбалари

І Ўзбекистон Фанлар академиясининг Бируний номидаги Шарқшунослик институти фонди:

Институтнинг катта ва бой фондида умуман XIX аср II ярми адабиётидан, шу жумладан Муқимий ижодидан, фавқулодда аҳамиятли ва қийматли коллекция тўпланган.

Бу коллекциянинг бир қисми институт томонидан нашр этилаётган кўп томлик «Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР» китобида тавсиф ҳам қилинган. Бу каталогнинг вазифаси айрим ёзувчилар библиографиясини тузиш ва тавсиф этиш бўлмай, китобхонларни умуман фонд бойлиги билан таништириш бўлгани учун каталог бошқа принциплар асосида тузилган. Натижада Муқимий асарларининг ўз ичига олган қўлёзма китобларнинг ҳаммаси бир ерга тўпланган ҳолда берилмаган. Каталогда тавсиф қилинган Муқимий асарлари ҳар қайси ўринда алоҳида кўрсатиб ўтилади.

1. Фондда 7521 инвентарь номери остида сақланаётган қўлёзма алоҳида диққатга сазовор бўлган муҳим манбадир. Шу ондаёқ айтиб қўяйлик: бу асар институт каталогда «Девони Муқимий» деб аталган бўлса-да, аслида девон эмас, оддий баёздор, «Баёзи Муқимий» деб аташ тўғрироқ бўлади.

Тўпламда 212 шеърый асар, 3 дона диний мазмундаги прозаик парча жойлашган. Шеърый асарларнинг 199 таси Муқимийга мансуб, қолганлари бошқа шоирларга, кўпроқ замондошлари (Фурқат, Муҳаййир, Завқий, Муҳий ва бошқалар)га тааллуқли.

Китоб сукутли, унинг бир неча ўринларида текст бўлиниб қолади.

Қўлёзма Қўқонда кўчирилган. Қитобнинг Фурқат мактуби билан («Руқъаи манзумаи Фурқат шоир аз Бомбай ба Тошкент фиристода») бошланишига қараганда, қўлёзма мазкур мактуб ёзилгандан кейин (яъни 1892 йилдан кейин) китобат қилинган. Китоб охирида (85а) 1322 ҳижрий (1904 йил мелодий) тарихи турадики, шубҳасиз бу тарих қўлёзма китобати тарихига оиддир. Шундай қилиб, қўлёзма 1892—1904 йиллар мобайнида, эҳтимол, китоб охирида қайд этилганидек, 1904 йилнинг ўзида китобат қилингандир.

Илмий адабиётда қўлёзма котиби шоирнинг ўзи бўлган, деган фикр ҳукмронлик қилади. Шунинг учун бу китобни «Муқимийнинг ўз қўлёзма катта баёзи» деб юритадилар.¹ Лекин, қўлёманинг бир қатор хусусиятлари уни шоирнинг ўзи эмас, бошқа киши томонидан китобат қилинганини кўрсатиб турадилар.

Қўлёманинг охирида 85а бетида турган тарих (1322 ҳижри) хоҳ китобат тарихи деб қабул қилинсин, хоҳ қилинмасин — бундан қатъи назар, уни Муқимий ёзган бўлиши мумкин эмас, чунки Муқимий, маълумки, 1321 ҳижрида вафот этди. Агар бу тарихни ва бутун китоб текстини бир қўл билан, бир почерк билан ёзилганини эътиборга олсак, китоб текстига ҳам Муқимийнинг котиб сифатида алоқаси йўқ эканлигини эътироф қилишга тўғри келади.

Қўлёмандаги таажжубланарлик ҳол шуки, айтилган шеър бир неча ўринда қайта-қайта берилади. Масалан, «Жаҳон боғида» сарлавҳали лирик шеър (радиф: «мундоғ») (икки ўринда — 4б ва 64а бетларда учрайди. Худди шундай «Султони ҳўбон сизмусиз» сарлавҳали шеър ҳам (радиф: «сизмусиз») икки ерда — 63а ва 73а саҳифаларида, шунингдек «Кўп эрди ҳасратим, жоно!» шеъри ҳам (радиф: «келдим») икки ўринда — 64а ва 83б саҳифаларида учрайди. Бундай ҳол шоирнинг шахсий тўпламида эмас, котиблар китобатида рўй бериши мумкин. Котиблар қўлга тушган шеърларни оққа кўчириб борар эканлар, бир шеър нусхаси улар қўлига бир неча марта келиб тушиши ва ҳар гал илгариги нусхани эсан чиқазган котиб томонидан янги асар сифатида китобга тиркалиши мумкин.

¹ Қаранг: Уйғун — Муҳаммад Аминхўжа Муқимий. «Муқимий. Танланган асарлар» тўпламида. Тошкент. 1942, бет 10, 12.

Бизнинг мулоҳазамизча, бу қўлёзма Қўқондаги Муқимий таланти муҳибларидан бирига мансуб бўлиб, у Муқимий асарларини бир ерга тўплаш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва шеърларни қўлга тушишига қараб оққа кўчириб борган. Афсуски, бу иш тугалланмай чала қолиб кетган. Бу тўпламни Муқимий ҳаёт вақтида бошланган бўлиши ва шоирнинг бу тўпламни кўрган ва тегишли тузатишлар киритган бўлиши ҳам (бундай тузатишлар тўпламнинг 58А, 79А, 79Б бетларида учрайди) эҳтимолдан узоқ эмас. Бу ва шунга ўхшаш тахминлардан қатъи назар, қўлёзма Муқимий асарларидан энг кўп намуналарни ўз ичига олиши билан, текст жиҳатидан пухта ва ишончли бўлиши билан, ниҳоятда қийматли ва нодир манбадир. Мазкур қўлёзма Муқимий ижодий меросини тўплаш ва ўрганишда автографдан кейин энг муътабар манба сифатида асосга олиниши керак.

2. Қўлёзма инвентарь № 9309. Бу баёз, асосан, XIX аср Фарғона шоирларининг асарларидан намуналарни ўз ичига олади.

Китобда XIX-асрнинг II ярмида яшаган прогрессив шоирлардан Фурқат, Завқий, Муҳаййир асарлари қаторида Муқимий шеърларидан ҳам намуналар берилган. Бу шеърларнинг умумий сони 10 та бўлиб, улар асосан лирик характердадир. Китоб охирида (178^б — 179^{а^б}) бир ҳажвий асар — «Тўй Иқон бачча» берилган (шеърнинг охирги қисмлари тушиб қолган).

Қўлёзманинг тузилган жойи ва йили кўрсатилмаган. Шунингдек котиби ҳам номаълум. Лекин Шарқшунослик институти фондига 1950-йилда Қўқондан олинган бу қўлёзмага Муқимийни яхши биладиган Қўқон адабиётчилари ва шоирнинг яқин кишилари томонидан тузилган бир ҳужжат илова қилинган. Бу ҳужжатга Қўқон улкани ўрганиш музейининг илмий ходимларидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Пўлатжон Қаюмов, шоир Ҳамраалиев — Чархий, Муқимийнинг жияни Рўзимухаммад Дўстматоевлар қўл қўйганлар. Уларнинг ишончли манбаларга суяниб берган гувоҳликларига қараганда бу китоб ўша замоннинг адабиётчиларидан Муқимийнинг дўсти Обиджон Аълам илтимосига кўра Муқимий томонидан тузилгандир. Муқимийнинг каллиграфия — ҳуснихат санъатида катта маҳорат қозонганини ва кўп қўлёзмаларнинг китобат

қилганини назарга олсак, бу китобнинг Муқимий автографи бўлишига таажжубланмаса ҳам бўлади. Муқимийдан бизгача етиб келган кўп миқдордаги мактуб — автографларга мазкур китоб хатини солиштириб кўриш ҳам юқоридаги мутахассислар берган гувоҳлигини тасдиқламоқда. Бу келтирилган фактдан биз учун келиб чиқадиган муҳим хулоса шуки, китобда учрайдиган Муқимийнинг 10 та асари шоирнинг ўз қўли билан ёзилган автографдирлар, бинобарин улар энг ишончли ва муътабар ҳужжат сифатида қабул қилинишлари керак.

3. «Баёз», инв. № 5736. Бу «Баёз» Муқимийнинг тошкентлик яқин дўстларидан шоир Камий (Каримбек Шарифбек ўғли — 1866—1922) қалами билан 1893/94 йилларда тузилган муътабар нусхадир. Муқимийнинг 40 та асари бор. Уларнинг кўпчилик қисми ишқий темада ёзилган лирик ғазаллардир.

Шоир Камий қалами билан тузилган бу «баёз»нинг бир муҳим хусусияти шуки, унда Муқимийнинг Тошкент даври ижодий фаолияти яхши акс этган. Муқимийнинг 1887—1888 йилларда Тошкентдан Қўқонга — Фурқатга, Намангандаги дўсти Нодимга ёзган шеърий мактубларининг тўпلامда бўлиши, яна қўлёзмаларда кам учрайдиган «Қариллик юки» сарловҳали шеърини «Баёз»га киритилиши шуни кўрсатади. Бундан ташқари «Баёз» Муқимийнинг Тошкент адабий муҳитига муносабатини, Тошкент илғор — прогрессив шоирлари билан олиб борган ижодий ҳамкорликларини (Алмайнинг «Ҳаёт» радибли шеърига Муқимий боғлаган мухаммас ва бошқалар кўрсатувчи фактлар ҳам «Баёз» да учрайди.

Бу «Баёз»нинг яна бир фазилати шуки, умуман унда берилган шеърлар, шу жумладан Муқимий асарларидан олинган намуналар текст жиҳатидан анча пухта ва ишончлидир.

Муқимий ва Камий ўртасидаги яқин муносабатларни эътиборга олсак, бу нусхани Муқимий кўрган, деган хулосага ҳам келиш мумкин.

4. Қўлёзма инв. № 7512. Бу қўлёзма Ўз. Ф. А. Шарқшунослик институтидаги каталогда «Баёзи Муқимий маа Фурқат» деб аталган. Ҳақиқатда қўлёзма Муқимий ва Фурқат асарлари билан чекланиб қолмайди. Кўп «Баёз»ларда бўлгани сингари, унда ҳам Алишер На-

вой, Жомий, Фузулий, Амирий, Адо, Фазлий ва бошқаларнинг асарлари учрайди.

«Баёз»да бошқаларга қараганда Муқимий — катта-роқ ўринни ишғол қилади, ундан 21 асар берилган. Улар форма жиҳатидан ғазал, мухаммас ва мураббаълар бўлиб, асосан ишқий темада ёзилган лирик шеърлардир.

5. Қўлёзма инв. № 5666. Қўлёзмада ҳеч қандай библиографик маълумот учрамайди. У кўпчилик «Баёз»лар сингари машҳур шоирлар асарлари билан бошланади.

«Баёз»да Муқимийнинг 32 асари бор. Улардан 31 таси ишқий — лирик шеърлар, биттаси «Саёҳатнома»дан парча («Қўқондан Шоҳимардонга»—78 а, б), шеърларнинг кўпчилиги ўзбек тилида, иккитаси форс-тожик тилида ёзилган мухаммас («Мекуни ё не?»—90а, б, «Намеарзад»—93б—94а) ҳам бор.

Тўпламда «Саёҳатнома»дан берилган парча тўлиқ эмас, 19 банд ўрнида 12 банд учрайди. Кучли танқидий характерга эга бўлган бандлари тушириб қолдирилган. «Саёҳатнома»нинг тексти ҳам анча хом, яна ҳам тўғриси, бузуқ. Бу бузуқлик одатда котиблар эътиборсизлиги натижасида келиб чиқадиган англашилмовчиликлар эмас, балки онгли равишда қилинган «таҳрир» натижасидир. Масалан, «Айлар юрак бағримни хун» мисраи бу насхада. «Айлар юрак бағрингни хун» формасида, «Эрмаклари кўкнор экан» мисраи. «Эрмаклари гулёр экан» тарзида ўзгартириб берилади. «Саёҳатнома»даги машҳур «Ўйнаб оқар оби равон» мисраи «Жомиълару оби равон» шаклида бузиб берилган ва бошқалар. Умуман Муқимийни «таҳрир» қилиш, унинг ижодини «яроқсиз», «ёқимсиз» элементлардан «тозалаш» тенденцияси маълум адабий гуруҳларга хос бўлиб, улар «ижодий иши»нинг излари баъзи қўлёзма нусхаларда кўриниб туради.¹ Мазкур нусха шундай «таҳрир» қилинган материаллардан бири бўлиб, унга танқидий муносабатда бўлишни тақозо қилади.

¹ Бу ҳақда «Муқимий ҳаёти ва ижодини ўрганиш тарихидан» сарловҳали мақоламизда тўлароқ маълумот берилган. Қаранг: В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг илмий асарлари. «Ўзбек адабиёти». Янги серия, СХУШ чиқиши, 15 китоб, бет 7—34.

6. Қўлёзма инв № 1325. Қитоб фавқулодда характерли бўлиши билан бирга анча бой манба ҳисобланади.

Тўпламда XV—XIX — аср шоирлари асарларидан намуналар берилган, лекин унда Муқимий марказий ўринни ишғол қилади. Тўплам каттагина ҳажмда: 1—370 бетдан иборат.

Тўпламдаги Муқимий шеърларининг умумий сони 120 та.

Бу тўпламнинг мавжуд бошқа қўлёзмалар билан солиштириб чиқиш шуни кўрсатдики, бу китоб билан «Девони Муқимий» ёки «Баёзи Муқимий» номи остида келадиган 7521 инвентарь номерли қўлёзма ўртасида қандайдир алоқа бор. Тўпламдаги 120 асардан юздан ошиқроғи «Девони Муқимий»да ҳам учрайди ёки аксинча. Бу, албатта, тасодифий ҳодиса эмас. Агар «Девони Муқимий»ни бу қўлёзмадан олдин тузилганини назарга олсак, мазкур қўлёзманинг котиби «Девон»дан кўчирган, деган хулоса чиқаришга тўғри келади. Бу фикр ҳар икки китобни яқиндан чағиштириб кўрилганда ҳам тасдиқланади. Ҳозирги қўлёзмамизнинг 264-бетидан 358 бетигача жойлашган бир юз битта шеър «Девон»да қандай тартибда бўлса, худди шундай тартибда, ўзгаришсиз кўчирилган. Бунинг устига у шеърларнинг текстлари ҳам бир турли келади, фарқ қилмайди. Бас маълум бўладики, мазкур қўлёзмани тузишда кстиб «Девони Муқимий» китобини кўрган ва ундан фойдаланган. Шундай қилиб, бу нусха, ўзининг келиб чиқиши билан, Муқимий қисмида «Девон»га бориб боғланади.

Бу қўлёзма Муқимийнинг камёб сатирик, асарлари текстини ўз ичига олиши жиҳатидан алоҳида қийматга эгадир.

7. Инвентарь № 1821. Бу «Баёз» Муқимий асарларини ўз ичига олувчи китобларнинг энг кексаларидан биридир. Қўлёзма 280 варақдан иборат. Китоб икки қисмдан, бир-бирига боғланиши бўлмаган икки турли асардан ташкил топган. Китобнинг биринчи қисмида (1 б — 46 Б варақ) маълум ва кенг тарқалган диний асар — «Чил ҳадис» берилади, иккинчи қисми (47 б—280 б варақ) эса шеърлар тўплами «Мажмуан ашъёр» ёки «Баёз» ҳисобланади.

«Баёз»нинг бош қисмида (47 б — 53 б.) котиб томонидан ёзилган сўзбоши бор. Сўзбошидаги библиографик маълумотлардан маълум бўлишича, қўлёзманинг котиби

Муҳаммад Тоҳир Муҳаммад Саид марҳумидир. Икки ўринда (53 б ва 278 а) китобат тарихи — 1301-йил) ҳижри (1883-84 йил мелодий) кўрсатилган. Китобат ўрни ҳам аниқ — Қўқон Шаҳридир.

Тўпламда Муқимийнинг 10 та шеъри бор. Булар ичида мухаммас формасидаги бир юмор («Ҳажви от») бўлиб, қолган тўққизтаси лирик шеърлардир. Тўпламнинг 1883 йилда тузилган бўлишидан шу хулоса чиқадики, ундаги шеърларнинг ҳаммаси, шу жумладан «Ҳажви от» юмори ҳам мазкур тўплам тузилмасдан илгари ёзилган ва Муқимий ижодининг илк даврига мансубдирлар.

8. Инвентарь № 9072. Қўлёзма, асосан, XIX аср Фарғона шоирларининг лирик асарларини ўз ичига олади.

Тўплам 1899 йилда китобат қилинган. Тўпламнинг тузилган жойи, тузувчиси кўрсатилмайди. Қўлёманинг қатор хусусиятларидан (мазмун, қоғози, хати, муқоваси) унинг Фарғонада тузилган «Баёз»ларнинг бири эканини тахмин қилиш мумкин.

Тўпламда Муқимийдан турли ҳажмдаги 8 та шеър берилган. Муқимийнинг кичик формадаги шеърлари — рубой, муаммо, фард — биринчи мартаба шу тўпламда учрайди.

9. Инвентарь № 4179. Қўлёзма «Девони Нодим» деб аталади. Лекин, китобнинг тузилиши номига мос эмас. Бу қўлёзма наманганлик шоир Нодимнинг баёзи ёки ён дафтари, яъни мусаввадаси бўлган. Буни «Баёз»даги материалларнинг мазмуни ва характери кўрсатиб турибди.

Муқимийнинг Нодим «Баёз»ида етти шеъри учрайди. Бу қўлёзма бой адабий материалларни ўз ичига олади. У шоир Нодим ижодини ўрганишда асосий манба бўлишидан ташқари, бир томондан, XIX аср II ярми, XX аср бошлари адабий ҳаётини ўрганишда, иккинчи томондан, Нодим ва демократ шоирлар (Муқимий, Фурқат, ва Завқий) муносабатлари масаласини ёритишда қиймат баҳо материаллар беради.

10. Инвентарь № 9971. Қўлёзма институтнинг кейинги вақтларда олган китобларидан бўлиб, тўпламда Муқимийдан учта шеър учрайди (иккита ғазал, битта мухаммас). Уларнинг бири «Дариё, мулкимизнинг соҳиби аҳли шаррор ўлмиш» мисраи («ўлмиш» радифи) билан бошланадиган ҳажвий мухаммас бўлиб, бу шеър бошқа манбаларнинг ҳеч бирида учрамади.

11. Инвентарь № 10072. Бу тўплам ҳам институт картатекасида «Мажмуаи ашъор» номи билан юритилади.

«Мажмуа»да Муқимийнинг бешта шеъри бор, уларнинг 3 таси такрорий, иккитаси янги, бошқа манбаларда учрамайди.

12. Инвентарь № 6352. Қўлэзмада, асосан Фарғона ва Тошкент тарафларда яшаган XIX—XX аср шоирлари асарларидан намуналар берилган. Муқимийнинг «Баёз» да бошқа манбаларда мутлақо кўрилмаган бешта асари бор. Улар ғазал мураббаъ формасидаги лирик шеърлардир.

13. Инвентарь № 7710. Қўлэзма шоир «Камий мусаввадаси» ҳисобланади. Унда шеърий асарлар, прозаик парчалар бор. Турли шоирлар ижодидан намуналар учрайди. Муқимийдан ҳам учта лирик шеър бор. Уларнинг 2 таси такрорий, биттаси янги.

14. Инвентарь № 9966. Қўлэзма институтга 1956 йили Қўқондан олинган бўлиб, одатдаги «Баёз»ларнинг бири ҳисобланади. Лекин китоб суқутли. Қўлэзмадаги маълумотларга қараганда, у 1882 йилда китобат қилинган.

«Баёз» Муқимийнинг манбаларда учрамайдиган бир нодир асари бор. Бу ғазал формасидаги лирик шеърдир. Эй яхшилар келайлук, бир жойга йиғилайлук,

Уйнойлук, қулайлук, хурсанд бўлайлук.

байти билан бошланади. Китобнинг 1882 йилда тузилганини эътиборга олиб, бу шеърни ҳам Муқимий ижодий фаолиятининг илк даврига мансуб бўлган асарлардан бири деб ҳисоблашга тўғри келади.

15. Инвентарь № 1429. Бу қўлэзма одатдаги «Баёз»ларнинг биридир. Қаерда, қачон ва ким томонидан кўчирилгани маълум эмас. Муқимийнинг иккита шеърий асари бор, ҳар иккови ҳам илгариги манбаларда учраган, такрорий нусха.

16. Инвентарь № 4182. Қўлэзма институт картатекасида «Баёзи мажмуаи ашъор Нодира ва Нодим» деб юритилади. Бу ном тўпламни ташкил қилган шеърлардан ҳам кўриниб туради: унда машҳур шоира Нодира ва наманганлик шоир Нодим шеърларидан намуналар берилган. Китобда Муқимийнинг «Ашъарҳо дорад» сарловҳали форс-тожик тилида ёзилган бир мухаммаси учрайди.

17. Инвентарь № 9940. Қўлэзманинг китобат йили маълум — 1317 йил ҳижрий (1899—1900— йил мелодий).

Кўлёзма одатдаги «Баёз»лардан бўлиб, Муқимийдан битта шеър учрайди, у ҳам бўлса илгариги манбаларда кўринган, такрорий нусха.

II Ўзбекистон Фанлар Академиясининг адабиёт музейи фонди.

1. Музейнинг 13 инвентарь номерли кўлёмаси одатдаги «Баёз»лардан бири бўлиб, классик адабиётимизнинг машҳур вакиллари асарларидан намуналарни ўз ичига олади.

«Баёз»да, ҳаммаси бўлиб, 52 шоир қатнашали.

«Баёз»да Муқимийнинг олтига шеъри учрайди. Уларнинг бештаси лирик характерда, биттаси ҳажвдир («Қадоқчи Ҳожим» шеъри) «Баёз» китобат тарихидан чиқиб келиб, бу шеърларнинг ҳаммасини 1892—йилдан илгари ёзилган, деб қабул қилишга тўғри келади.

2. Музейда 233 инвентарь номери билан сақланаётган кўлёмма фонд 1956—йилда, Қўқонда олинган бўлиб тузилиши ва характери жиҳатидан сўнгги давр «Баёз»ларидан биридир. «Баёз» сукутли, боши ва охири йўқ. Ким томонидан, қачон ва қасрда кўчирилгани ҳам маълум эмас. «Баёз» да Муқимийнинг бошқа манбаларда учрамайдиган шеъри бор. Сатирик характерга эга бўлган 7 байтли бу мазмундор шеър «Сайлов» радифли бўлиб, шу ном билан матбуотда эълон қилинмоқда.

III В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университетининг фундаменталь кутубхонаси фонди.

Университетнинг анчагина катта кўлёмма ва литографик фондида сақланаётган кўлёммалар ичидан В 09/133 номерли китоб Муқимий асарларидан намуналарни ўз ичига олади¹. Бу китоб картатека ва инвентарь дафтарда «Мажмуатуш-шуаро» деб аталади. Ҳолбуки, китоб қураллиши, характери жиҳатидан адабиёт тарихидан бизга маълум бўлган «Мажмуатуш-шуора»ларнинг ҳеч бирига ўхшамайди, аксинча у оддий, бу даврда кўп тузилган «Баёз»ларнинг биридир, китобни «мажмуаи ашъор» («шеърлар тўплами») деб аташ тўғрироқ бўлади.

Тўплам, асосан, сўнгги даврда (XIX—XX) етишган Фарғона шоирларини ўз ичига олади.

Муқимийнинг кўлёммадаги 22 шеъридан 21 таси юқорида тилга олинган Қамий қалами билан Тошкентда ки-

¹ А. А. Семёнов — Описание персидских, арабских и турецких рукописей фундаментальной библиотеки Среднеазиатского Государственного Университета, Ташкент, 1935 г. стр 75.

тобат қилинган 5736 номерли қўлёзмада учрайди. Бундан Тошкентда тузилган бу қўлёзмаларнинг бир-бири билан боғлиқ эканлиги аниқ, равшан кўриниб турибди. Муқимийнинг манбаларда кам учрайдиган «Танобчилар» сатираси, Тошкентдан Қўқонга — Фурқатга, Наманганга — Нодимга ёзган машҳур шеърини мактублари, «Муҳаммас бар мазаммати мардуми Оқжар», «Ҳожи қадоқчи» каби ҳажвий асарлари бу ҳар икки китобда ҳам бир турли тартибда, бир турли текст варианты билан берилди. Мазкур қўлёзмаларнинг қайси бири иккинчиси учун асос бўлганлиги масаласига келганимизда, шубҳасиз, мазкур «Мажмуаи ашъор»нинг кексароқ эканлигини таъкидлаш керак бўлади. Камий 1893 — йилда китобат қилинган ўз нусхаси учун 1892— йил бошида китобат қилинган мазкур котиб Абдусаттор нусхасини асос қилиб олган бўлиши керак.

IV Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти фонди.

Пединститут қошидаги ўзбек тили ва адабиёти кабинетида тўпланган кичик қўлёзмалар фондида 56 инвентарь номерли бир «Баёз» сақланади.

Қўлёзманинг Тошкентда тузилгани кўриниб туради. Биринчидан, китобда Тошкент шоирларига катта ўрин берилган, иккинчидан, китоб соҳиби «Аъзамхон Акрамхонов» тошкентлик бўлган (бу китобнинг жуда кўп бетларида учрайдиган муҳр-шахсий киши печатидан маълум бўлади, бу печатда юқоридаги исм ва фамилия ўзбек ва рус тилларида ўйилгандир).

«Баёз» умуман ишқий — лирик шеърлардан ташкил топган. Шунинг учун Муқимий ҳам лирик шеърлари билан тўпланда иштирок этади. Тўпланда Муқимийнинг 35 шеъри бор: Улардан 26 таси бошқа манбаларда учрайди, такрорий нусха, 9 таси янги.

Б. Айрим адабиёт ҳаваскорлари тўплаган коллекциялар

Асарлари халқ ўртасида кенг ва чуқур томир отганлиги хусусида ўзбек классик адабиётида улуғ Алишер Навоийдан сўнг Муқимий туради. Шунинг учун Муқимий асарларидан коллекция тўпловчи кишилар биз тахмин қилгандан кўра кўп ортиқ бўлиши табиийдир. Лекин уларнинг ҳаммасини ҳисобга олиш ва улар устида текшириш ишлари олиб бориш мумкин бўлмаганидек,

ҳамма ҳолда ҳам бир турли фойда, натижа бермаса керак. Биз бу ўринда ёлғиз маълум ва машҳур бўлган, шунингдек ўзининг салмоғи жиҳатидан шоир ижодий меросини ўрганишда аҳамиятга эга бўлган коллекциялар устидагина сўз юритишимиз мумкин.

I — Н. Остроумов фонди

Узоқ муддат Туркистонда хизмат қилган Н. Остроумовдан бой фонд қолган. Бу фонд, ҳозир, Ўзбекистон ССР Марказий давлат архивида (Центр. Госуд. Архив Узб ССР) «Остроумовнинг шахсий фонди» номи остида («Личный фонд Остроумова» Л. Ф. О.) сақланмоқда (фонд 1009). Фонд 185 пакетдан иборат бўлиб, турли характердаги материалларни ўз ичига олади.

Маълумки, Н. Остроумов қисман ўзбек адабиёти, фольклори масалалари билан шуғулланган, унинг алоҳида намуналарини, шу жумладан Муқимий асарларидан баъзиларини матбуотда нашр этган. Фонддаги пакетларнинг баъзилари ўзбек адабиёти масалаларига бағишланган бўлиб, уларда ўзбек адабиётининг бошқа йирик намояндалари қаторида Муқимий асарларидан намуналар ҳам учрайди. Бу намуналарнинг бир қисми нодир — уникал нусхалардир.

II. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий коллекцияси

Муқимий асарларидан Ҳамза тўплаган коллекция унинг шахсий архиви билан бирга Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Институтдаги Ҳамза архиви 7628 инвентарь номери остида бўлиб, бу номер остида бир қанча папкалар бор, шулардан бири (7628. XXII — папка) Муқимий асарларидан тўпланган коллекцияни ўз ичига олади.

Мазкур папкада сақланаётган материаллар ўзининг, мазмуни ва характери билан ниҳоятда қийматли ва уникал ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги шоирнинг дастхати автографи бўлиб, бебаҳо адабий ҳужжатлардир. Бу ҳужжатлар ичида айрим қоғозларга ёзилган шеърлар (улар саккиз дона), Тошкентдаги дўстларига ва Москвадаги жияни Рўзимухаммад Дўстматовга ёзган насрий хатлари (улар тўрт дона) ва турли форматдаги бир қанча қоғозларга жалий хати билан ёзилган лавҳалар — коллеграфия санъатининг намуналари бор.

Афсуски, бу материалларнинг тўпланиш шароити ва тарихига оид Ҳамза ҳеч маълумот қолдирган эмас. Шунингдек, бу документларнинг бирор ўрнида ҳам (ҳошиясида ёхуд охирида) уларни кимдан, қачон ва қандай вазиятда олинганлиги тўғрисида қайдлар учрамайди. Бунга қарамай, тўпланган коллекция беҳад аҳамиятли ва Муқимий ҳаёти ва ижодини ўрганиш учун қийматли манба ҳисобланади.

III. Шоир ва драматург Собир Абдулла коллекцияси

Собир Абдулланинг шахсий кутубхонасида Муқимий асарларини ўз ичига олган иккита қўлёзма «Баёз» сақланади. Уларни Собир Абдулла 1953— йилда Қўқонда бўлган вақтида ҳусусий кишилар қўлидан олган эди. Бу қўлёзмалар билан яқиндан танишиш шуни кўрсатдики, улар Муқимий меросини йиғиш ва ўрганиш жиҳатидан маълум аҳамиятга эгадирлар ва баъзан уникал нусхаларни берадилар. Шунинг учун бу қўлёзмалар устида алоҳида тўхташга тўғри келади. Тавсифни осонлаштириш мақсадида, шартли равишда, қўлёзмаларнинг бирини, котиби андижонлик Аҳмад Али исмли киши бўлгани учун «Андижон нусхаси», иккинчисини Собир Абдулла томонидан Қўқонда сотиб олингани учун «Қўқон нусхаси» деб юритамиз.

Андижон нусхаси.

Тўпلامда Муқимийнинг ўн иккита шеъри бор. Уларнинг еттитаси манбаларда учрайди, такрорий нусха, бештаси ёлғиз шу тўпلامда, уникал нусхаларда учрайди. Бу бешта шеърнинг 2 таси ишқий-лирик характерда, қолган учтаси Муқимий ҳажвиётига мансуб. «Пашшалар», «Дўндиқчалар» радифли икки сатирик шеър турмуш иллатларини фош этишга бағишланган бўлсалар, «Печ» радифли шеър Муқимийнинг илғор шоир сифатида ҳаёт янгиликларини табриклаганидан дарак беради.

Тўпلامдаги шеър текстларини бошқа нусхаларга чағиштириш шуни кўрсатдики, котиб Аҳмад Али баланд даражали савдохон бўлмаган. Қўлёзмада очиқдан-очиқ нотўғри ўқилган сўзлар, хато англанган мазмунлар ва баъзан шеърларда вазн сакталиги учраб қолади. Тўпلامнинг бу камчиликларига қарамай, у Муқимий меросини ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Қўқон нусхаси. Бу тўпلام Муқимий меросини ўрга-

ниш жиҳатидан яна ҳам қийматлироқ бўлиб чиқди. Қўл-
лэзманинг ташқи кўриниши, тахминан, «Анджон нусха-
си»ни эслатади. Қўлэзма суқутли бўлиб, бош қисмидан
84 бет тушиб қолган, китоб 85 бетдан бошланади. Маз-
кур тўпламнинг яна бир хусусияти шуки, унда ҳеч қан-
дай библиографик маълумот йўқ.

Китобда Муқимийнинг 24 та шеъри бор. Уларнинг
18 таси бошқа манбаларда учрайди, такрорий нусхалар,
олтитаси ёлғиз шу қўлэзмада, уникал нусхада келади.
Бу олти шеърнинг тўрттаси ишқий темадаги лирик шеър,
2 таси сатирик характердадир.

Собир Абдулланинг шахсий кутубхонасида бу икки
қўлэзма китобдан ташқари Муқимийнинг алоҳида қоғоз-
ларга ёзилган шеърлари ҳам бор. Бу шеърлар олти дона.
Улар текстини Муқимийнинг ўз қўли билан ёзилган бош-
қа документларга айниқса мактубларга чағиштириб
кўриш натижасида мазкур шеърларни автограф экан-
лиги аниқланди.

IV Рўзимуҳаммад Дўстматов коллекцияси

Москвада Лазарев номидаги Шарқ жонли тиллари
институтини қошидаги гимназияда ўқиб турган Муқимий-
нинг жияни Рўзимуҳаммад Дўстматов¹ 1898 йилниг,
июнь ойида, каникул вақтида Қўқонга ўз юртига келади
ва бу ерда икки ой тургандан сўнг яна ўқишни давом эт-
дириш учун Москвага қайтади. Шундан бошлаб Муқи-
мий билан жияни Р. Дўстматов ўртасида хат алоқаси
бошланади. Мунтазам борган бу алоқа 1901 йилгача
давом этади ва натижада ҳар икки тарафдан бир қан-
ча хатлар майдонга келади.

Р. Дўстматов тоғаси Муқимийдан ва Қўқондан борган
бошқа хатларни эҳтиёткорона сақлаган, 1904 йилда
Москвадан Қўқонга бир йўла қайтганда бу хатларни ўзи
билан бирга олиб келган ва охири 1941 йилда дўстла-
рининг маслаҳати билан уларни Қўқон область ўлкани
ўрганиш музейига топширган. Афсуски, Москвадан Қў-

¹ Рўзимуҳаммад Дўстматовнинг 1894 йилда Москвада ўқишга
кириши унинг Эрон, Туркия, Арабистон ва ниҳоят Россияда боши-
дан кечирган ажойиб саргузаштлари билан боғлиқ. Бу саргузашт-
лар ўртоқ Ҳ. Зарифовнинг «Муқимий. Ҳаёти ва ижодига онд ма-
териаллар» (Тошкент, 1955) номли китобида, қисман, баён қилин-
ган, (бет 27—28).

қонга Муқимий адресига ёзилган хатларнинг тақдири маълум эмас.

Шундай қилиб, ҳозир Қўқон музейида шоир Муқимийнинг дастхати билан ёзилган ва Москвага юборган хатларининг асл нусхалари — автографлари сақланади. Бу хатлар музейда «Муқимий мактублари» деб аталган махсус папкага жойлаштирилган. Хатлар турлича ҳажмда катта-кичик саҳифаларда. Улар асосан прозада ёзилган бўлиб, мактуб тексти ичида, баъзан, шеърий парчалар (фард, рубойи в. б.) ҳам учрайди.

Папкадаги хатлар 16 та, улар 5514—5538 рақамлари орасида номерация қилинган.

Умуман айтганда, папкадаги хатлар Муқимийнинг Москвага, жиянига ёзган мактубларининг ҳаммаси эмас, албатта. Юқорида қайд қилинганидек «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий коллекцияси»да ҳам Муқимийнинг Р. Дўстматовга ёзган бир мактуби борлиги эътиборга олинса, мактубларнинг сони, аслида, кўпроқ бўлганлиги аниқланади.

V. Пўлатжон Қаюмов материаллари

Ўзбек классик адабиётининг, айниқса XIX—XX асрлар адабиётининг билимдонларидан бири бўлган ҳурматли Пўлатжон Қаюмов шу давр адабиёт фактларини тўплаш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва бу мақсадини узоқ йиллар давомида олиб борган текширув ишлари натижасида амалга оширди.

Республикамизнинг кекса маориф ходими ва адабиётимизнинг қизгин ҳаваскорларидан бири қўқонлик Пўлатжон Қаюмовда бу идеянинг туғилиши тасодифий бўлмаган, албатта. Маълумки, XIX аср ўрталаригача бўлган адабиёт материаллари турли тазкираларда, «Мажмуатуш-шуаро»ларда тўпланган. Лекин XIX аср ўрталари XX аср бошларидаги Фарғона ва Тошкент группа шоирлари ҳеч қаерда қайд этилган эмас эди. Улар турли манбаларда сочиқ, пароканда ҳолда ётар эди. Бу давр Бухоро адабий ҳаётига оид ўнлаб тазкиралар (Вожеҳнинг «Тухфатул-ахбоб фи тазкиратул асҳоб», Ҳожи Азим Шаръининг «Тазкиратуш-шуаро», Мирза Азим Сомийнинг «Миръотул-хаёл» ва бошқалар) бўлгани ҳолда Фарғона ва Тошкент группа шоирларига бағишланган биронта ҳам тазкира ёки мажмуатуш-шуаро тuzилмади. Адабиёт тарихининг мана шу камчилигини Фар-

ғона группа шоирлари қисмида Пўлатжон Қаюмов материаллари маълум даражада тўлдиради.

Пўлатжон Қаюмовнинг узоқ йиллик меҳнати натижаси бўлиб, 3 та қалин дафтар майдонга келди. Бу дафтарлар, албатта, бугун биз англаган адабиёт тарихи эмас. Пўлатжон Қаюмов қўллаган метод маълум даражада, хрестоматияларни эсга туширади. У аввал ҳар қайси шоир тўғрисида биографик маълумот беради, ундан сўнг шоир асарларидан намуналар келтиради. Шундай тарзда бутун бир адабий ҳаётнинг бирин-кетин йиғилган ёрқин лавҳалари майдонга келади.

Пўлатжон Қаюмов дафтарларида XIX асрнинг II ярми XX асрнинг бошларидаги Фарғона шоирлари ҳақида шу жумладан Муқимий ҳақида қийматли маълумотлар тўпланган. Уларнинг кўпчилиги билан кекса маорифчи ҳам аср бўлган, маълум қисми билан эса ҳамсуҳбат ҳам бўлган. Шунинг учун дафтарнинг баъзи саҳифаларини жонли хотиротлар, нодир маълумотлар безатиб туради.

В — Туркистонда революциядан илгари литография ва типография йўли билан нашр қилинган материаллар

Маълумки, Туркистонда литография, умуман, китоб нашр қилиш — матбаачилик иши XIX асрнинг II ярмида, Ўрта Осиё Россияга қўшилгандан кейин майдонга келди. XX асрда, айниқса, 1905 йилдан кейин матбаачилик ишлари — китоб, газета журнал нашр этиш анча ривож олди. Туркистоннинг ҳамма йирик шаҳарларида деярли литография ва типографиялар очилди, уларда кўпроқ бадий адабиёт нашр этилди. Бу даврда бадий адабиётнинг энг кенг тарқалган турларидан бири шеърлар тўплами — баёзлар тузиш ва нашр этиш бўлди.

Тошкент қўлёзма фондларида бой литографик фондлар ҳам тўпланган. Улар халқимиз маданияти тарихининг қиймат баҳо бойлиги сифатида сақланади. Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти катта литографик фондга эга. В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети асосий кутубхонасида ҳам яхшигина литографик фонд тўпланган.

Туркистонда матбаачилик тарихи, дастлабки литографияларнинг пайдо бўлиши, уларнинг тараққий этиши,

биринчи литографик китоблар, уларнинг мазмуни, характери, ташқи кўриниши, биринчи китоб нашр этувчилар, уларнинг фаолияти ва бошқалар маданият тарихимизнинг муҳим масалалари бўлиб, ўзининг махсус текширувчиларини кутмоқда.

Биз литографик китоблар, айниқса, баёзлар билан қизиққанда уларда Муқимий шеърларининг нашр этилиши нуқтаи назардан масалага ёндошдик. Чиндан ҳам литографик китоблар билан танишиш шуни кўрсатдики, уларда Алишер Навоий, Лутфий, Машраб ва қардош тожик халқининг Бедил, Ҳофиз каби классиклари қаторида кейинги даврда яшаб ижод этган шоирлар, хусусан Муқимий, Фурқат каби демократ шоирлар катта ўрин олади.

Литографик баёзлардаги Муқимий асарларини ҳисобга олишда, қўлёзма китобларда қўллаган усул билан ҳаракат этдик. XIX асрнинг II ярми асарнинг бошларида нашр этилган кўп миқдордаги баёзларни силлиргасига кўрдик ва Муқимий асарлари учрайдиган баёзларни сайлаб, ажратиб олдик. Хар бир баёз билан танишганимизда шу баёздаги Муқимий шеърларининг қайси бири илгариги манбаларда учраган, қайси бири янги, бошқа манбаларда учрамаган — буларни қиёсий текшириш йўли билан аниқлаб бордик. Натижада, баёзларда нашр қилинган Муқимий асарларининг ҳаммаси миқдор, ҳажм жиҳатидан қанча эканлиги маълум бўлишидан ташқари, уларнинг қанчаси такрорий нусха, қанчаси янги эканлиги ҳам аниқланди.

Жами бўлиб, элликка яқин литографик баёзларни шу усул билан кўриб чиқдик. Қуйида Муқимий асарлари учраган баёзлар билан китобхонларни таништирамиз.

1. «Баёз». (Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фонди, № 333).¹ «Баёз» Утаб котиб қўли билан ёзилган ва 1907 йилда Тошкентда Фуломия (Орифжонов) литографиясида нашр этилган.

«Баёз»да Муқимийдан 22 шеър бўлиб, улардан 10 таси газал, 5 таси мураббаъ, 7 таси мухаммас. Бу асарларнинг ҳаммаси илгариги манбаларда учраган такрорий нусха.

¹ Биз ўз ишимизда, асосан, Шарқшунослик институти фондини фойдаландик. Бошқа текширувчи ўртоқларнинг ишини осонлаштириш мақсадида шу фонд адреси ва инвентарь номерини қавс ичида қисқартирилган ҳолда бериб борамиз.

2. «Девони Муқимий. Из дивана Муқими, Ферганско-го поэта» Издал Н. Остроумов (отдельный оттиск из Туркестанской туземной газеты за 1907 г.) в Ташкенте, в 1907 году (Ўзб. Ф. А. Ш. и инв. 10119). Тўпламнинг охирида (29—31 бетлар) Н. Остроумов томонидан ёзилган охирги сўз бор. Унда Н. Остроумов Муқимий биографиясининг асосий моментларини қисқача баён қилади. Бундан сўнг Муқимий вафотига бағишлаб шоирнинг яқин дўсти Мавлавий Йўлдош томонидан ёзилган тарих берилган. Муқимий вафотининг тарихи тўғрисидаги бу маълумот энг ишончли манба сифатида бутун текширувчилар томонидан фойдаланилади.

Тўпламда Муқимийнинг 20 та шеъри бор, улар 396 мисрадан иборат. Шеърларнинг 15 таси такрорий бўлиб, 5 таси янги, фақат шу тўпламдагина учрайди.

3. «Девоний Муқимий маа ҳажвиёт» (Ўзб. Ф. А. Ш. И. инв. 309). 1910— йилда, Тошкентда Порцев литографиясида нашр этилди. Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Қосим Дода Муҳаммад ўғли.

Бу китобда 1907 йил Н. Остроумов нашр этган «Девони Муқимий» тўпламидаги охирги сўз айнан кўчирилган ва китобнинг 2—3 бетларига «Сўзбоши» ўрнида жойлаштирилган. «Девон»да Муқимийдан 56 та шеър бўлиб, уларнинг 48 таси такрорий, 8 таси янги, фақат шу тўпламдагина учрайди.

4. «Девони Муқимий маа ҳажвиёт» (Ўзб. Ф. А. Ш. И. Инв. № 318) 1912 йилда, Тошкентда Фуломия (Ориф-жонов) литографиясида нашр этилди. Бу тўпламни қиёсий текшириш натижасида уни 1910 йилда Порцев литографиясида «Девони Муқимий маа ҳажвиёт» номи билан нашр этилган тўпламнинг айнан, ўзгаришсиз қайта нашри эканлиги аниқланди.

5. «Баёз маа ҳажвиёти мавлоно Муқимий маа мавлоно Фурқат» (Ўзб. Ф. А. Ш. И., инв. № 236) 1912 (1913 йилда (1331— йил ҳижрий) Қўқонда Шмаков литографиясида нашр этилди. «Баёз»нинг котиби Абдул Қодир Хўқандий.

«Баёз»да Муқимийнинг 918 мисрани ташкил қилдиган 41 асари бор. Уларнинг 25 таси такрорий бўлиб, 16 таси янги, фақат шу «Баёз»дагина учрайди.

6. «Баёзи Ҳазиний» (Ўзб. Ф. А. Ш. И., инв. № 317) 1912 йилда (1331 йил ҳижрий) Тошкентда Лахтин литографиясида нашр этилди. «Баёз»нинг ҳажми 1—240

бет. «Баёз» «Шавкат», «Шоан», «Сидқий-Хандақлий» тахаллуслари билан шеърлар ёзган калиграф Сирожиддин махсум томонидан кўчирилган.

«Баёз»да бу даврдаги диний-мистик адабиётнинг кўзга кўринган намояндаларидан бири фарғоналик Ҳазиний шеърларидан ташқари Амирий, Фазлий, Адо, Асирий, Махмур, Хижат, Шавкат (Сидқий-Ханақий), Хислат, Васлий-Самарқандий, Фурқат, Завқий шеърларидан намуналар берилган. Тўпламда Муқимийдан 20 та шеър бўлиб, уларнинг 7 таси ғазал, 4 таси мураббаъ, 6 таси мухаммас, 3 таси маснавий формасида. Бу шеърларнинг ҳаммаси такрорий нусха бўлиб чиқди.

7. «Баёзи янги» (Ўзб. Ф. А. Ш. И., инв. № 346) 1911 йилда (1329 йил ҳижрий) Тошкентда Яковлев литографиясида нашр этилди. «Баёз»нинг ҳажми 1—144 бет. «Баёз»нинг титул саҳифасида ушбу китобни мулла Мирза Абдулла бинни Мирза Ориф марҳумий билан мулла Саид Умархон махдум биргаликда нашр этганлари кўрсатилган.

«Баёз»да Муқимийдан бешта шеър учрайди, уларнинг 2 таси ғазал, 1 таси мураббаъ, 2 таси мухаммас. Уларнинг 4 таси такрорий нусха, биттаси янги бўлиб чиқди.

8. «Баёзи мусаввар» (Ўзб. Ф. А. Ш. И., инв. № 334). 1911 йилда (1399 йил ҳижрий) Тошкентда Яковлев литографиясида нашр этилди. «Баёз»нинг ҳажми 1—265 бет. «Баёз»нинг ношири Қавомиддин махдум, котиби Абдул Ҳамид қори Жалолобадий.

«Баёз» номидан ҳам кўриниб турганидек, суратлар билан безатилган. Бу суратлар шеърлардаги ишқий тематикани таъкидлайдилар.

«Баёз»да Муқимийдан ўн та асар бор, улардан тўрт таси—ғазал, тўрт таси мураббаъ, иккитаси мухаммас бўлиб, уларнинг ҳаммаси такрорий нусха бўлиб чиқди.

9. «Баёзи маҳалло». (Ўзб. Ф. А. Ш. И., инв. № 321). 1911/1912 йилда (1330 йил ҳижрий) Тошкентда Ғуломия (Орифжонов) литографиясида нашр этилди. «Баёз»нинг ҳажми 1—144 бет. Китобнинг ношири мулла Мир Махдум бинни Шоҳ Юнус марҳум, котиби кўрсатилмаган.

«Баёз»да XX аср бошларида яшаб ижод этган Тошкент гурӯҳи шоирлари кўпчиликини ташкил қилади. Зариф қори, Шавкат Искандарий (Сидқий-Хандақлий), Алмай, Қамий, Хислат, Мискин. Фарғона шоирларидан

фақат Муқимий ва Фурқат шеърлари тўпламга кири-
тилган.

«Баёз»да Муқимийдан саккизта шеър бор, уларнинг
учтаси ғазал, учтаси — мураббаъ, иккитаси — мухаммас-
дир. Саккизта шеърнинг олтитаси такрорий нусха бўлиб,
иккитаси янги, фақат шу «Баёз»дагина учрайди.

10. «Баёзи гулшани ашъор» (Ўзб. Ф. А. Ш. И., инв.
№ 325). Тошкентда, Яковлев литографиясида нашр этил-
ди. Ношири Муҳаммад Носиҳ бинни Али Муҳаммад.
Китобнинг босилган йили шунингдек котиби кўрсатил-
маган. Китоб ҳажми 1—288 бет.

«Баёз»да Муқимийдан 28 та шеър учради. Уларнинг
17 таси ғазал, 4 таси мураббаъ, 7 таси мухаммас. Бу
шеърларнинг 27 таси такрорий нусха, 1 таси янги бўлиб,
ғазал формасидаги лирик шеърдир.

11. «Баёз» (Ўзб. Ф. А. Ш. И., инв № 336). Тошкентда
Ғуломия (Орифжонов) литографиясида Ўтаб котиб қа-
ламида нашр этилди.

Муқимийдан «Баёз»да 26 та шеър бор. Улардан ға-
заллар—13 та, мураббаълар—4 та, мухаммаслар—7
та, фардлар—2 та, сўнгги 2 та фарддан бошқа шеърлар-
нинг ҳаммаси такрорий нусха бўлиб чиқди.

12. «Савғоти Шавкат». (Ўзб. Ф. А. Ш. И., инв. № 310)
Шоир Шавкат (Сидқий-Хандақлий)нинг шеърлар тўпла-
ми, Тошкентда нашр қилинган, ношири, котиби, нашр
этилган йили кўрсатилмаган. Муқимийдан иккита асар
учради, бири форс-тожик тилида Жомий ғазалига му-
хаммас тарзида ёзилган. «Мекуни ё не?» шеъри (25—28
бетлар), иккинчиси ўзбек тилида «Айладинг» радиф-
ли мураббаъдир. Бу ҳар икки асар ҳам такрорий
нусха.

13. «Баёзи маҳбул-қулуб» (Ўзб. Ф. А. Ш. И., инв
№ 328). 1911/12 йилда (1330 йил ҳижрий) Тошкент-
да Ғуломия (Орифжонов) литографиясида нашр,
этилди.

«Баёз»да юқоридаги «Савғоти Шавкат» тўпламида
учраган Муқимийнинг форс-тожикча «Мекуни ё не?»
сарлавҳали битта мухаммаси бор (60—62 бетлар).

14. «Баёзи Маҳдий» (Ўзб. Ф. А. Ш. И., инв. № 335).
1915/16 йилда (1334 йил ҳижрий) Тошкентда, «Тур-
кестанский курьер» номли газетанинг типолитографияси-
да нашр этилди. Китобнинг титул саҳифасида қуйидаги
библиографик маълумот бор: «Бо ихтимоми роқим Маҳ-

ди Маҳдум Катта Қурғоний дар балдаи Тошкент ба зевари табъ ораста гардид».

«Баёз»да Муқимийдан учта (157—159, 148 бетларда) шеър бор, уларнинг ҳаммаси такрорий нусхалар бўлиб чиқди.

15. «**Армуғони Хислат**». Тошкентда, 1911 йилда (1329 йил ҳижрий) Фуломия литографиясида нашр этилди. Муқимийдан китобда (бет 171—172) бир лирик характердаги шеър бор, бу шеър янги бўлиб, бошқа манбаларда учрамайди.

16. «**Туркистон вилоятининг газети**» саҳифаларита (1891, 1903, 1907 йил сонларида) шоир Муқимийнинг лирик ва сатирик характердаги бир қатор асарлари босилган. Бу ўринда шунини айтиш керакки, ушбу газетада босилган «Қўр Ашурбой ҳожи» каби сатиранинг ва «Андижон зилзиласи» каби ажойиб шеърнинг бошқа нусхаси ҳеч қаерда учрамайди.

17. «**Записки Восточного отделения русского императорского Археологического об-ва.**» Петербургда чиқадиغان бу тўпламнинг 1896 йилдаги IX томида (стр 87—93) Муқимийнинг «Виктор бой» сарловҳали сатирик шеъри «Песня-сатира Виктор бой» сарлоғаси остида икки тилда — ўзбек ва рус тилларида нашр этилди. Тўпламдаги текст мазкур сатиранинг бизгача етиб келган ягона нусхасидир.

Литографик ва типографик манбаларга қисқа тарзда берилган бу тавсифдан кўринадики, улар Муқимий ижодий меросини маълум қисмини ўзларида сақлайдилар ва демократ шоиримиз ҳаёти ва ижодини ўрганиш жиҳатидан қийматли манба сифатида катта аҳамиятга эгадирлар.

Оғзаки манбалар

Муқимий меросини тўплаш ва ўрганиш масаласида оғзаки манбалар ҳам аҳамиятлидир.

Фарғона водийсининг ҳамма катта шаҳарларида, шунингдек Тошкентда Муқимийни яхши биладиган кишилар кўп. Бу кексалардан, қисман, Муқимий асарлари ёзиб олинган бўлса-да, улар мавжуд нусхаларнинг оғзаки варианты сифатида сақланмоқдалар.

ИЗОҲЛАР

1. ҲАЖВИЕТГА ИЗОҲЛАР

Сатираларга

1. Собиқ Туркистонда чоризм ҳукмронлик қилган даврда ҳар йили, белгиланган вақтда, уезд упрвлениясининг чиновниклари — танобчилар қишлоққа чиқиб, деҳқонларнинг ерларини ўлчар эдилар. Ҳосилнинг қандай бўлишидан қатъи назар солинадиган ўлпон (налог) шу ҳисобдан олинлар эди. «Таноб воқiasi» деб юритиладиган бу воқиа халқни талаш, эксплуатация қилишда чор колонизаторларининг, маҳаллий эксплуататорларнинг қўлида асосий қурол эди. Ҳақиқатан бу танобчилар Муқимий айтгандай «икки танобни қилиб ўн таноб» камбағал деҳқонни хонавайрон қилар эдилар. Бу шеърда халқ ҳаётининг мана шу фожиали аҳволи типик эпизодлар орқали ҳаққоний тасвирланади.

2. *Султон Алимхўжа билан Ҳакимжон Қўқон* — уезд упрвлениясининг чиновниклари бўлиб, ер ўлчаш иши шулар қўлида эди. Уларнинг кирдикорларидан, ички ҳаётларидан, феълу атворларидан Муқимий яхши хабардор бўлиб, сатирада шоир ўз шахсий кузатишларини бадий умумлаштиради ва чор чиновникларининг ҳаққоний образини яратади.

3. *Махтуми аъзам, шоҳлиқ мазор, Эрхубби, Нурота, Бибубайда Хизр* — руҳонийлар томонидан халққа талқин этилган «авлиёлар», мазорлар номи.

4. Шу вақтгача «дўма», «даъма» формаларида ёзилиб келган ва изоҳ қилинмаган бу сўзнинг асли «дўғма»дир. Манбаларнинг кўрсатишича, «дўғма» сўзи маълум мансаблардан бирининг номи эканлиги маълум бўлади.

XIX асрнинг охириларида ёзилган «Ансобус салотин ва таворихул Хавоқин» асарининг автори Мирза Олим ибни Мирза Раҳим чоризм ҳукмронлиги давридаги амалдорларни санар экан, «дўғма» сўзини «мингбоши», «элликбоши» сўзлари қаторида ишлатади.

Бундан «дўғма» ўша давр амалдорларидан бири экани онглашилади.

Баъзи элликбоши бўлди, баъзи дўғма,
Юзин урар тўқсонини — қилур туғма,
Нафс йўлига кирганларга бало бўғма,
Куфри зулмат исъёнига ботти дўстлар.
Яна:

Юрт яхшисин сайлаб анга амал берди,
Мингбошию, элликбоши, дўғма қилди.

Мирза Олим ибни Мирза Раҳим — Ансобус салотин ва таворихул ховокин, қўлёзма Ҳзб Ф. А. Шарқшунослик институти, инв.

1314, варақ (169а—170а) Муқимий ўзининг бу ва «Воқиян Виктор» номли бошқа асарида ҳам юқоридаги сўзни шу маънода ишлатади.

5. Бу байтдаги «Эл» сўзидин мурод Ҳакимжон ва Султон Алихўжа сингари чиновникларни қўллаб қувватлайдиган ҳукумат доираларига мансуб бўлган расмий маъмурлар муҳитидир. Шоир Султон Алихўжа ва Ҳакимжонларни «яхши» деб қувватловчи ана шу расмий муҳитдан нафратланади ва улар тамизидан «ҳазар қилиш»га чақиради.

6. Бу мисралардан маълум бўлишича, Ҳакимжон танобчи ўзининг Жалолхон деган ўғлини Муқимийга ҳисоб (руқум) ўргатинг, деб шогирдликка топширган. Муқимий шу боланинг бемазалигидан койийди ва бу иш ўзи учун ортиқча бир дардисар бўлганини билдиради. Бу эпизод Муқимийнинг чиновникларга бўлган салбий муносабатини кўрсатишдан ташқари бошқа бир масала учун ҳам характерли. Бу эпизоддан маълум бўладики, Муқимий дунёвий илмлардан хабардор бўлган олим сифатида ҳам замондошлари ўртасида танилган экан.

7. *Масковчи бойлар* — Урта Осиё Россияга қўшилгандан сўнг капиталистик муносабатларнинг ривожланиши натижасида маҳаллий халқ ичидан Москвага қатнаб савдогарчилик қиладиган бойлар чиққан эди, гап шу тўғрида бораётир.

8. *Ҳодихўжа эшон* — қўқонлик бир бой. Унинг катта пахтакорлик ерлари, пахта тозалайдиган заводлари, магазинлари, бу магазинларнинг Фарғонанинг айрим районларида бўлимлари бўлган. Муқимий «Вексель», «Виктор бой» ва яна бошқа сатираларида ҳам бу бой тўғрисида сўзлайди, унинг характери феъли-авторининг янги-янги томонларини очиб ташлаб тўлиқ образини яратади, эксплуататор синфнинг типик вакили сифатида фош қилади.

9. *Печать бойламак* — революциядан илгари бирор киши қарздор бўлиб, шу қарзини белгиланган муҳлатда тўлай олмаса, яъни

«синса», унинг бутун моли-мулки пулдорлар томонидан ушланар, «печать» қилинар эди. Шоир капиталистик муносабатлар туғдирган шу ижтимоий ҳодиса ҳақида сўзлаётир.

10. *Сўмига ўн тийин бериш* — қарздор киши пулдорга (судхўрга) белгиланган миқдорда пул ижораси тўлашга мажбур эди. Судхўрлик айниқса капиталистик муносабатлар ривожлангандан кейин авж олди, натижада меҳнаткаш халқ ўртасида қарздорлик кўпайди. Қарздорлик масаласи бу давр адабиётида асосий темалардан бири ҳисобланади ва бу ижтимоий ҳодиса адабиётда анча кенг акс этади.

11. *Подшоҳўжа* — Ҳодихўжабойнинг укаси, шериги. Бой уни Москвага мол олиш учун юборган эди.

12. Турли сабаблар билан ўз юртига қайтган ишчи йигитлар ўз ёр-дўстларига бу ердаги оғир аҳвол тўғрисида сўзлаб, уларни огоҳлантирар эдилар:

«Агар ўша томонларга бора қолсангиз, унинг саройига асло бориб ишга тушмангиз, чунки эй қадрдонлар, сиз у ерда ўласиз».

13. *Хайруллахон* — қўқонлик машҳур аълам (қозихона адвокати).

14. Агар биров-бирова даъво қилса, шарият даъво қилувчига ёки жавобгарга қасам ичира эди. Бу қасам масаласи шариятнинг энг ярамас қонунларидан бири бўлиб, бойлар, катта ер эгалари, муттаҳамлар қасамни қурол қилиб, талай камбағал қосиб, деҳқонларни хонавайрон қилар эдилар.

15. Бу сатиранинг ёлғиз нусхаси ЎзФА Шарқшунослик институтидаги 7521 номерли қўлёзма «Девони Муқимий» да учрайди.

16. Чор амалдорлари мансаб таллашиб сайловчиларни (соққа ташловчиларни) пора билан сотиб олар эдилар. Бундай «шошинч» вақт учун зарур пулни жамғариб қўймаган амалдорлар қарз-қавола қилишга ва пул кучи билан амални қўлга киритишга тиришар эдилар. Бундай вақтда кимнинг пули кўп бўлса, ким кўп «зар сочса», ўша «амалдорлик»ка муяссар бўлар эди. Амалга эришган чиновник эса сайлов вақтида сарф қилган пулини ишлаб олиш учун янги-янги талов усулларини ўйлаб чиқарар эди. Шундай қилиб, сайловнинг бутун оғирлиги оддий халқ бошига, қосиб, ҳунарманд, деҳқонлар бошига тушар эди. Чоризм ўрнатган сайлов системасининг бу «можароси», халқ бошига келтирадиган кулфатлари адабиётда акс этган. Муқимийнинг «Сайлов» шеъри бу муҳим темага бағишланган адабиётимиздаги дастлабки асардир.

Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзининг «Бой ила хизматчи» драмасида бу ижтимоий ҳодисага яна мурожаат қилади ва уни даҳшатли оқибатлари билан яққол кўрсатиб беради.

17. Бу шеър қўлёзма манбаларда учрамайди. Бу шеър текстини биринчи мартаба ўртоқ Ҳодн Зарифов ўзининг 1955 йилда нашр қилган «Муқимий. Ҳаёти ва ижодига оид материаллар» номли китобчасида (бет 42—43) эълон қилди. Шеърнинг қисқартирилган ва таниб бўлмастик даражада ўзгартирилган вариантини 1951 йилда ўртоқ Абдулла Олимжонов нашрга тайёрлаган «Муқимий. Танланган асарлари» тўпламида эълон қилинган эди. Биз ўртоқ Ҳ. Зарифов эълон қилган текстига асосландик. Ўртоқ Зарифовнинг берган маълумотига қараганда, шеърнинг Муқимий қалами билан ёзилган асл нусхаси — автографи қўлёзма «Ҳафт авранг» китобининг ҳошиясида бўлиб, у китоб билан биргаликда Қўқонда хусусий бир киши қўлида сақланади.

«Ахтаринг» ғазали автобиографик характерга эга бўлиши билан Муқимий ижодида алоҳида ўрн тутади. Шеърнинг қандай вазиятда, қандай воқиа муносабати билан қачон майдонга келганлигини аниқ белгилаш қийин бўлса ҳам, унинг айрим мисраларида шоир шахсий ҳаётига ишора бор эканлиги шубҳасиздир. Масалан шеърнинг бош мисраи «Подшоҳ йўқлатсалар ногаҳ, гадо деб ахтаринг» мисраи тасодифий эмас. Бу мисрага суяниб, шоир ҳукумат маъмурлари томонидан таъқиб қилинган ва яширинишга мажбур бўлган экан деган тахминни қилиш мумкин. Эҳтимол, шоир шу қувғиндан бекиниш вақтларида ҳукумат маъмурлари устидан истеҳзо билан кулиш баробарида ўзининг «ғамға мубтало» бўлган оғир аҳволидин дўстларини хабардор қилиб шу шеърни ёзгандир. Муқимий билан ҳукмрон доиралар ўртасидаги жиддий келишмовчиликларни, унинг сатирик шоир сифатида фош этувчилик фаолиятини, ниҳоят Муқимий ҳаётига оид замондошлари берадиган маълумотларни ҳисобга олсак бу шеърда ишора қилинадиган биографик нуқталар жиддий ва принципиал аҳамият касб этади. Ҳар ҳолда «Ахтаринг» шеъри шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишда диққат марказида туриши керак ва бу муҳим адабий фактнинг атрофлича ўрганишни давом этдириш лозим.

18. Бу мухаммасдаги асли ғазал XIX аср биринчи ярмида яшаб ижод этган шоир Махмурники бўлиб, унда Ҳапалак қишлоғига (Қўқон атрофида) Қўқон хони Умархон томонидан солинган налогнинг беҳад оғирлиги ва халққа қилинган жабр-зулмларнинг даҳшатлари ва фожиалари тасвир қилинади. Халқ ҳаётига бағишланган бу ғазал ўз замонасида ўқувчилар диққатини тортиши билан бирга келгуси замонларда ҳам аҳамиятини йўқотмади. Фактларнинг кўрсатишига қараганда Махмурнинг бу ғазали XIX асрнинг II ярмидаги адабий ҳаётда кенг тарқалган ва кўп шоирлар диққатини ўзига жалб этган, унга ўхшатмалар — назиралар ёзилган, мухаммаслар боғланган. Махмур ғазалининг XIX аср

II ярмида ҳам бундай эътибор қозониши тасодифий эмас. Чунки Ҳапалак қишлоғи, унга ўхшаган юзлаб, минглаб қишлоқларнинг аҳволи, меҳнаткаш деҳқоннинг турмуш шароити XIX асрнинг II ярмида хоризм даврида, колониал қуллик ҳукмронлик қилган даврда ҳам ўшандай, балки ундан ҳам оғирроқ эди. Шунинг учун халқ ҳаёти темаси бу давр адабиётининг энг муҳим ва актуал темаларидан бири бўлиб турди ва бу темада ёзилган асарлар зўр қизиқиш билан қарши олинди.

Махмур ғазалига боғланган мухаммаслардан Муқимий ва Нодим мухаммаслари маълум. Муқимийнинг яқин дўсти наманганлик шоир Нодим томонидан ёзилган мухаммас 8 банддан иборат бўлиб, чуқур мазмунли, реалистик картиналарни чизиб беради.

19. Бу сатира Фарғона водийсида катта шов-шув туғдирган «Виктор воқияси» муносабати билан ёзилгандир.

Виктор Демитрович Ахматов Қўқондаги ака-ука Каменскийлар савдо конторасида иш бошқарувчи бўлиб хизмат қилган. Шу даврда у маҳаллий бойларга арзон баҳода Москвадан мол келтириб беришни ваъда қилиб улардан пул йиғишга киришган ва кўп миқдорда пул тўплаб бўлгандан сўнг доми-дараксиз йўқолган. Бу воқияга бағишлаб Фарғона шоирларидан бир нечалари шу жумладан Муқимий қатор шеърлар ёзган. Айтиш мумкинки, адабиётда «Виктор цикли» деб аталиши мумкин бўлган сатирик шеърлар серияси майдонга келган.

Муқимийнинг бу сатираси биринчи мартаба Петербургда чиқадиган «Записки Восточного отделения Императорского Русского Археологического общества» тўпламининг 1896 йилги IX томида (стр. 87—92) рус ва ўзбек тилларида босилган. Н. Остроумов шеър тэжистига ёзган изоҳида 1891 йилда Қўқонда бўлган вақтида бу шеърни ашулачилар, оғзидан ёзиб олганини ва нашрга тайёрлаганини айтади. Бас бундан маълум бўладики, «Ҳажви Виктор бой» сатираси 1891 йилда ёзилган ва ўз вақтида ашула бўлиб халқ ўртасига кенг тарқалиб кетган эди.

20. Бу мухаммаснинг ягона нусхаси Ўзб. Ф. А. Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзма баёзда (инв. 5666 varaқ 180 аб) учрайди. Мухаммаснинг айрим мисралари шоир ва драматург Собир Абдулланинг «Муқимий» номли музикали драмасидаги шоир Муқимий оғзидан айтилган «Ҳажви Виктор» ғазалини эсга туширади. Бахтга қарши юқоридаги мухаммаснинг бошқа нусхалари бўлмаганидек, Собир Абдулла келтирган ғазалга ҳам бошқа манбаларда дуч келмадик.

21. Бу воқиа банд сатиранинг ягона нусхаси Ўзб. Ф. А. Шарқшунослик институтидаги (инв. 1325, varaқ 3626—370а) қўлёзма баёзда сақланмоқда. Сатиранинг охирида традиция талабига муво-

фиқ шоир тахаллуси бўлмаса ҳам мазкур сатирани Муқимийга мансуб асар сифатида тўпلامга киритдик. Чунки, биринчидан қўл-ёзма баёзда бу асар Муқимий шеърлари орасида келади, иккинчидан, Муқимий сатираларининг персонажларидан Ҳодихўжа эшон, Қарим охун, Лахтин ва бошқалар бу сатирада ҳам учрайди. «Воқеан Виктор» асарини Муқимийга мансуб эканлигини кўрсатувчи энг муҳим далил, сатиранинг стил жиҳатидан Муқимий стилига яқин бўлишидир.

22. Бу сатира ва юқоридаги «Ҳажви Виктор» мухаммаси, шунингдек Собир Абдулла драмасида келтирилган «Ҳажви Виктор» газали ўртасида муштарак нуқталар, ўхшаш мисралар учрайди. Бундай ҳол, яъни баъзи мисра ва байтларни бир асардан иккинчи асарга кўчиб юриш фақат бу сатирадагина эмас, лирик шеърларда ҳам, балки фақат Муқимийда эмас, бошқа шоирларда ҳам учраб турадиган ҳодисадир. Ўзбек классик адабиётига, шунингдек фольклорига хос бўлган бу хусусиятни чуқурроқ ўрганиш ва изоҳ қилиш учун материал бериш мақсадида Виктор ва Лахтин ҳақидаги сатираларни манбаларда учраган вариантда сақлашни ва шу ҳолда нашр этишни мувофиқ ҳисобладик.

Сатиранинг ягона нусхаси Ўзбекистон ССР Марказий Давлат Архивида сақланаётган «Остроумовнинг шахсий фонди»да (Л. Ф. О.) учрайди (фанд 1009).

23. Бу сатира биринчи мартаба 1903 йил 15 январда Муқимий вафотидан бир неча ой илгари «Туркистон вилоятининг газети» саҳифасида «хўқандлик бир бойнинг шаънига Муқимий шоирнинг айтқон шеърини» сарловҳаси остида босилган эди.

24. Шу кунгача «Баччағар» номи билан юритилиб келган бу сатирани биз «Ҳажви Халифай Мингтепа» деб аташни мувофиқ кўрдик. Бу ном шоир Нодимнинг мусаввада дафтаридан олинди.

Ҳақиқатан ҳам сатирада гап Мингтепага «бидъат ўчоғини» қуриб олган реакционер Дукчи эшон тўғрисида борар эди.

25. Уммисибён — афсноага кўра, «Болалар онаси» деб номланган дев бўлиб, у болалар касалига сабаб бўлар эмиш. Муқимий Дукчи эшонни шу даҳшатли, нафратланган девга ўхшатади.

26. Бу давр адабиётида «Дукчи эшон цикли» деб аталиши мумкин бўлган сатирик шеърлар серияси майдонга келди. Демократ шоирларнинг ҳаммаси деярли бу темада асар ёздилар. Муқимийнинг Дукчи эшонга қарата ёзган бир неча асарлари борлиги маълум.

«Ҳажви Халифай Мингтепа» асарининг ёзилиш тарихига келганда, унинг мазмунидан кўринишича, асар фитна кўтаришмасдан илгари, яъни 1898 йилдан илгари ёзилгандир.

27. Бу муҳим социал қийматга эга бўлган сатиранинг нусхалари манбаларда кўп учрамайди. Унинг бир нусхаси УзФА Шарқшунослик институтида 1325 инвентарь номери остида сақланаётган қўлёзма баёзда варақ 2346) учрайди. Бошқа бир нусхаси Собир Абдулланинг шахсий кутубхонасидаги баёзда бор. Шу нусхага асосланиб туриб, Собир Абдулла сатира текстини 1953 йилда, Муқимий вафотининг 50 йиллиги муносабати билан ўтказилган юбилей кунларида «Муштум» журналининг 9 сониди эълон қилди. Биз сатира текстини нашрга тайёрлашда Собир Абдулла вариантини асос қилиб олдик.

28. Сатира Ойим қишлоқда 1898 йилда ёзилган.

29. *Уруғ* — чигит. Революциядан илгари пахтаинг янги навлари эндигина расм бўлган пайтларда, унинг чигитига талаб кўп бўлган. Катта фойда талаб бойлар уруғлик чигит келтиришда бир-бирлари билан рақобат қилишдилар. Кўплаб келтирилган уруғ ўтмай қолади, кризис бошланади. Муқимий бу шеърда ана шу ҳодисани тасвирлаб ҳажв қилади.

30. Бир йили ҳўл мевадан тарқалиши мумкин бўлган касалликнинг олдини олиш учун «ҳўл мева ейилмасин, ланг бор» деган буйруқ бўлган эди. Мингбошилардан бошлаб, ҳамма амалдорлар, полициягача бу фармойишни ўринлатиш учун истаган номаъқулчиликларини қилган эдилар. Муқимий ўз сатирасида юрт ичида бўлиб ўтган шу воқеани тасвир қилади, чор чиновниклари кирдикорларини танқид қилади.

31. Бу сатира Уз. Ф. А. Шарқшунослик институтида сақланаётган 5736 номерли қўлёзма баёзда учрайди. Баёзнинг китобат тарихи 1892 йил 3 февраль. Бас, бундан маълум бўладикки, бу асар мазкур баёз тузилмасдан илгари ёзилган экан.

32. *Шом, Ҳалаб* — Арабистондаги шаҳарлар исми.

33. *Ғозиёғлиқ* — Қўқондаги бир маҳалланинг номи.

34. *Таҳматан* — Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарига бош қаҳрамон Рустамнинг лақаби: ботир, қаҳрамон маъносини билдиради.

35. Бу сатиранинг ягона нусхаси Собир Абдулланинг шахсий кутубхонасидаги қўлёзма баёзда учради (баёз ичидаги алоҳида қоғозда). Кўрииб турибдики, бу нусхада мухаммаснинг охири йўқ, шунинг учун тахаллус ҳам учрамайди. Лекин бунга қарамий мухаммаснинг Муқимий қаламига мансуб эканлигига шубҳа йўқ. Сатиранинг стили, унинг Муқимий асарлари орасида учраш шунини кўрсатиб туради. Бу сатирага оид бошқа библиографик маълумот, ҳозирча, топилмай келади.

36. Сатиранинг объекти бўлган бу «Охунум» мулла Йўлдош охун исмли тарихий шахс бўлиб у 1887—88 йиллар атрофида

Муқимий билан биргаликда Қўқондан Тошкентга саёхат қилган эди.

Муқимий мулла Йўлдош охун кирдикорлари тўғрисида бу сатирадан ташқари, 1887—88 йиллар орасида Тошкентдан Қўқонга ёзган мактубларидан бирида («Ассалом» мактубида) қуйидаги мисраларни ёзган эди:

Мулла Йўлдош охун ила мунда келганидин бери,
Ул киши гар соғ эса, ман дарди дандон, ассалом.
Гар топиб фурсат қўшиндин, гаплашай, деб бораман,
Лоҳаз улкун анда йўқ иноға дармон, ассалом.

Юморларга

1. Муқимий печкани сандалдан ва гулхондан афзал эканлигини таъкидлайди. Бу шеър шоирнинг турмушда рўй бераётган ўзгаришларга, туғилаётган янгиликларга муносабатини кўрсатувчи характерли фактдир.

2. Шеърнинг ягона нусхаси Собир Абдулланинг шахсий кутубхонасида сақланаётган баёзда учради. Баёз суқутли бўлгани учун китобга ва шунингдек, ундаги алоҳида шеърларга оид библиографик маълумот йўқ.

3. *Маллахон* — Худоёрхоннинг биринчи марта тахтдан тушганидан кейин, 1858—1862 йиллар орасида ҳукмронлик қилган Қўқон хонларидан.

4. *Шайдон*, *Ола маҳрам* — Фарғона водийсидаги қишлоқларнинг номи.

5. Бу тўрт шеър («Қўсамен», «Ҳайрон кўсамен», «Паришон кўсамен», «Девонамен») найчи — санъаткор Исмоил ота тўғрисида ёзилган.

Шоир Муқимий бу санъаткор билан дўстона алоқада бўлиб, енгил ҳазил йўли билан унга бағишлаб юқоридаги шеърларини ёзган бўлса-да, лекин бу фактлар тагида аччиқ ҳақиқат ётади. Чиндан ҳам у замонларда шоир тасвир қилганидек, халқ ичидан етишиб чиққан талант эгалари — санъаткорлар оч-яланғоч яшашга ва тиланчилик билан умр кечиришга мажбур эди. Муқимийнинг бу темага қайта-қайта мурожаат қилиб, кекса санъаткор ҳақида бир неча асарлар ёзишнинг бошқа муҳимроқ сабаби ҳам бор эди: ўз замонасидан раҳм-шафқат кўрмай фиғон қилиб ўтган демократ шоир Муқимий ўз тақдирини, қисман, «демона» — тиланчи санъаткор тақдирини кўрар эди, у найчи — санъаткор тўғрисида ёзар экан, ўзи тўғрисида, шоир — санъаткор тўғрисида сўзлагандек, бўлар эди.

6. Бу юмөр 1883 йилда китобат қилинган қўлёзма баёзда учрайди. (Бу баёз ЎзФА Шарқшунослик институтида 1821 номери остида сақланмоқда).

7. Бу мисрада Муқимий сўз ўйини ишлатаётир. «Сақар-сақар» сўзлари орқали ҳам сўлоғи чиққан араванинг юришини бермоқчи. ҳам «мунда юриш дўзахдан ҳам ёмон» демоқчи. Сақар — дўзах лемакдир.

8. *Нух тўфони* — афсонага кўрай қадим замонларда бутун ер юзини сув босган (тўфон бўлган), бутун жонли мавжудот тўфон вақтида ҳалок бўлган. Фақат бу тўфонни илгаридан билган Нух пайғамбар катта бир кема ясаб, ҳамма жониворлардан бир жуфт-бир жуфт олиб кемага тушган ва ҳалокатдан сақланиб қолган. Кемадаги жониворлардан ер юзида яна ҳаёт бошланган. Муқимий муболаға приёmidан фойдаланиб, ҳаддан ташқари авж олиб кетган лойгарчиликни мана шу Нух тўфонига ўхшатади.

9. Байтнинг таржимаси: «Менинг вужудим бошдан-оёғига қайғулардан, ғамлардан ҳоли эмас эди. Бунинг устига тангри менга бу безгак дардини қаердан юборди?»

10. Байтнинг таржимаси: «Қувватимни бутун ғорат қилиб кетган эди, яна бугун ғалво билан етиб келди. Мен тушунмадим, безгакнинг бизда яна нима ҳақи бор экан?!»

11. Манбаларда кам учрайдиган бу юморнинг ягона нусхаси ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 7521 номерли қўлёзма «Девони Муқимий»да (варақ 29 а,б) учрайди.

12. Шоир Нодим ҳижри ҳисоб билан 1341 йил, 10 рамазонда, мелодий ҳисоб билан 1923 йил 27 майда Наманганда вафот этган.

13. Юморнинг ягона нусхаси шоир Нодимнинг ЎзФА Шарқшунослик институтида 4179 номери остида сақланаётган мусавада дафтарида учради.

14. Бу юморнинг ягона нусхаси Собир Абдулланинг шахсий кутубхонасида сақланаётган баёзда учради.

15. Бу характерли юморнинг Муқимий қалами билан ёзилган ягона нусхаси Собир Абдулланинг шахсий кутубхонасида сақланади. Алоҳида қоғозга чиройли настаълик билан ёзилган бу шеърнинг бир четига бошқа қалам билан «Марғилонлик Охунжон сассиқ бой» сўзлари ёзилган. Бу «сассиқ бой» ким бўлган, Муқимийнинг унга қандай алоқаси бор эди?— каби масалаларни ҳал қилиб бўлмаганидек, «Кал қизиқ»ни ҳам ким эканлигини аниқ айтиб бўлмайди.

16. Муқимий 1899 йилнинг ёз ойларида Москвага жияни Р. Дўстматовга ёзган хатларидан бирида: «Ва яна назм» ёзувларингиздан юборинг, деб жонсиз... бовужуди бир ёзув — назм

пашшаларнинг шаънига айтиб эрдук, Бешарифда кўп бўлур эркан, бу кеча анда машқ бўлуб эрди» дейди ва бу шеърни юборганини айтади. Бас, бундан маълум бўладики, мазкур «Пашшалар» шеъри 1899 йилда ёзилган экан.

САЁХАТНОМАГА ИЗОҲЛАР

1. Муқимий «Саёхатнома»си ўз замонида катта шуҳрат қозонган ва кенг халқ ўртасига тарқалиб кетган. Муқимийга тақлид қилиб, кўп шоирлар «Саёхатнома»лар ёзганларидек, Муқимий «Саёхатнома»сининг халқ ўртасида турли-туман вариантлари ҳам туғилган. Шундай қилиб, ўша давр адабиётида ўзининг алоҳида услуби ва хусусиятларига эга бўлган шеърини формадаги «Саёхатнома» жанри шаклланган ва бу жанрга мансуб бўлган бой адабий материаллар майдонга келган.

2. *Умар, Қаҳҳор* — Муқимий даврида бутун Фарғона водийсида долг чиқарган Исфаранинг машҳур халқ ҳофизларидан.

МАКТУБЛАРГА ИЗОҲЛАР

Шеърини мактубларга

1. Бу байтнинг таржимаси: «Назм билан хат ёздим, лекин афсуски, саломни қуруқдан-қуруқ минг хижолатлар билан сизга юбораман».

2. Хат 1887—88 йиллар орасида, Муқимийнинг биринчи Тошкент сафари даврида ёзилган. Хатнинг энг муҳим аҳамияти шундаки, унда Муқимийнинг Фурқат, Завқий сингари машҳур демократ шоирларга бўлган самимий дўстона муносабати очиқ ифодаланган.

3. Бу мактуб 1887—1888 йилларда наманганлик Нодим хатига жавоб сифатида майдонга келган.

4. Маҳмудхўжа Қўқонга саёхат билан келган вақтларда Муқимий қўли қандайдир шикастга учраган эди. Мактубда Муқимий қўли ҳақида сўзлаб, дўсти Маҳмудхўжани тинчитиб қўяди.

5. *Макайхон, Макайлик* — Муқимий замонасида катта шуҳрат қозонган машҳур санъаткор таланти ашулачи. Унинг асли исми Муҳаммаджон бек, отасининг исми Қосимбой. Муҳаммаджон Қўқонга яқин «Макай» қишлоғидан бўлгани учун «макайлик» номи билан аталиб кетган.

6. Бу мактуб сўнги вақтларда (1959) «Остроумовнинг шахсий фонди»дан топилди. «Остроумовнинг шахсий фонди» Ўзбекистон ССР Марказий Лавлат архивининг тарихий фондлар бўлимида (фонд 1009) сақланмоқда.

7. Бу мактубнинг автографи Қўқон ўлкани ўрганиш музейида сақланмоқда.

8. Рўзимухаммад Дўстматов Москвадан тоғаси Муқимийга ўз сурати билан ўн уч сўм пул юборган эди. Бу тўғрида Муқимий жиянига юборган прозаик хатларида ҳам сўзлайди,

Насрий мактубларга

Муқимийнинг бизгача етиб келган бу насрий хатлари, унинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда, хусусан унинг сўнги давр ҳаётини ўрганишда муътабар манба бўлганлари учун китобга мавжуд хатларнинг ҳаммасини киритдик ва зарурият бўлмаган ўринда текстни қисқартирмасликка ҳаракат қилдик. Шу билан бирга Азимжон бойвачча исмли Муқимий замондошининг Москвага — Р. Дўстматовга шоир ҳаёти ва аҳволи тўғрисида ёзган мактубини ҳам илова қилдик.

1. Муқимийнинг Маҳмудхўжа ва шоир Камийга (Мулла Каримжонга) юборган ушбу мактуби 1889 йилнинг июнь ёки июль ойида ёзилган бўлиб чиқади.

Муқимий ўз ижодининг сўнги маҳсулотларидан намуна сифатида мактубга «Қани?» радифли 7 байтдан иборат бўлган лирик шеърини илова ҳам қилади.

2. *Сайид Оқилхон* — Сайид Оқилхон Тўраҳон ўғли ҳозир ҳаёт бўлиб, 1868 йилда Тошкентда Бешсғоч даҳа, Муҳаммадалихон (Чақар) маҳалласида туғилган. Сайид Оқилхон эсдаликларига қараганда, у шоир Муқимий билан тахминан, 22 ёшларда (1890 йилда) Қўқонга борганида тоғаси Сотиболди ҳазрат воситасида танишган ва шоир талантининг ихлосмандларидан бири сифатида у билан алоқасини давом этдирган.

3. *Ҳазрат* — Сотиболли ҳазрат кўзда тутилади. Бу киши Муқимийнинг Қўқондаги ихлосмандларидан, шоир истиқомат қилиб турган мадрасадаги ҳужрани унга тақдим этган, замонасининг «кўзи очиқ», илғор фикрли одамларидан бири.

4. *Хон акам* — Абдулазизхон кўзда тутилади.

5. *Сиддиқ қори* — Муқимий, шунингдек Фурқатнинг яқин дўстларидан бири, Тошкентнинг Себзор даҳа, Тешик қопқа маҳалласидан, замонасининг илғор фикрли кишиси бўлган.

6. Шоир Камийнинг илтимосига кўра Муқимий томонидан «жалий қалами» билан ёзиб юборилган лавҳа бизгача етиб келган. У Узб. ССР Ф. А. Шарқшунослик институтининг фондида (инв. 7628 — XXII) сақланади. Лавҳа остига қўйилган тарихдан маълум бўлишича, у 1316 йил ҳижрийда, 1898—99 йил мело-

дийда ёзилган. Бу тарих аини замонда мазкур мактуб тарихи ҳам ҳисобланади.

7. Бу фарднинг таржимаси:

«Фигон ва нолаларимиз бор, лекин у ўз қулоқларимиз тагидан нарига бормайди.

Аслда ўз завқи-шавқларимизни бошқаларга етказиш мақсади бизда ҳеч бўлган эмас».

8. Хатнинг мазмунидан кўринишича, бу Муқимийнинг Москвадан олган хатга жавобан ёзган биринчи хатидир. Хатда ой ва кун кўрсатилган «(...ёзилди 12 ўктабирда)». Маълумки, шоирнинг жияни 1898 йил июнь, июль ойларида, ёзги каникул вақтида Москвадан Қўқонга келган ва август бошларида яна Москвага қайтган эди.

9. Мартнинг охирларида ёзилиб, майнинг ўрталарида «пўштага ташланган» бу хат 1899 йилда ёзилган бўлиши керак.

10. Бу ўриндаги «...фақир ёзуви чофа ўлиб...» сўзлари диққатга сазовор. «Чофа ўлуб» сўзи ҳозирги замон имлосидан бошқачароқ формада ёзилган бўлиб, «нашр этилиб» маъносини берувчи «чоп ўлиб» иборасидир.

11. Мактубда тарих ўрнида кўрсатилган «апрель ойи» 1899 йилга тааллуқли бўлса керак.

12. Бундан илгариги хат кўзда тутилса керак, у ҳолда «июннинг аввали» эмас, «июннинг охири» деб ёзилса тўғрироқ бўлар эди.

Бу хатда Р. Дўстматовни қовун сайилига чақирилишидан маълум бўладики, 1899 йили ёзилган экан (июль 1899).

13. Бу ердаги «рақима олтинчи июнда ёзилди» сўзлари 1899 йилга тааллуқли.

14. Муқимий бу ўринда шоир Нодим Намангонийни кўзда тутди.

15. Хат тарихига оид 23 октябрь 1899 йилга таалуқли бўлиши керак.

16. Хат 1899 йилнинг 17 декабрида (29 декабрда) ёзилган.

17. Тарих ўрнида берилган «Ёзилди учинчи июнда» сўзлари 1900 йилга тааллуқли.

18. Мактубнинг умумий мазмунидан уни 1900 йил ёз ойларида ёзилганлиги кўринади. Мазкур хат 20 июнда Р. Дўстматов ёзган хатга жавобдир.

19. Москвадан келган уч хатга жавоб берилмай, касаллик туфайли анча кечикиб, 24 ноябрда ёзилган бу мактуб 1900 йилга тааллуқлидир.

20. Бу хат ҳам 1900 йилга тааллуқли. Чунки, ўтган ноябрь ойида ёзилган хатда келаётган «рамазони шариф» тўғрисида гап

бор эди, бу хат мазмунидан эса, у кириб келган «рамазони ша-
рифнинг йигирманчисида» ёзилгани маълум бўлади. Шундай қилиб,
хат тарихи 1900 йил декабрь ойи деб белгиланиши мумкин.

21. Мазмунидан демократ шоир Муқимийга чуқур ҳурмат се-
зилиб турган бу мактуб шоир замондошларидан қўқонлик мулла
Азимжон томонидан 1900 йилнинг 30 декабрида ёзилган. Бу тарих
хат охиридаги «бу руқъа ёзилди рамазони муборакнинг ўнинчиси-
да» деган сўзлардан келиб чиқади. Чунки ўша йили (1900 йили)
биринчи рамазон 2 декабрга тўғри келган эди.

• МАСНАВИЙЛАРГА ИЗОҲЛАР

1. Бу ердаги «Хон акам»дан мурод Абдулазизхондир. Абду-
лазизхон Муқимийнинг тошкентлик дўстларидан биридир.

2. Манбаларда учрамайдиган бу шеърнинг автографи Собир
Абдулланинг шахсий кутубхонасида сақланади.

ЛУҒАТ

А

- Авбош* — бебош, безори, саёқ, дайди.
Азкийё — закийлар, зийрак, ҳушёр, тез фаҳм кишилар.
Айзан — яна, шунга ўхшаш.
Алоло — шовқин-сурон, ҳайқириқ.
Аъмо — кўр.
Анбуҳ — талай, беҳад.
Асас — кеча қоровули, тунги соқчи.
Аълам — билағон, эски вақтларда шарият билағони.
Арақ — тер.
Атолат — бир ишга кўнгил қўйиш, мойиллик, майл қилиш.
Афъи — катта заҳарли илон.
Афъол — феъллар, феъли-атворлар, одат-қилиқлар.
Аҳли фунун — ҳунар аҳллари, билимдонлар.
Ақидат — эътиқод, ишонч, ихлос.

Б

- Баргашта* — қайтган, юз ўгирган.
Бий — қора қурт.
Билотаваққуф — тўхтовсиз.
Боз айламак — очмоқ (эшикни очмоқ), ёймоқ.
Ботин аъмо — зеҳнсиз, уқувсиз.
Булъажаб — таажжуб, ажаб қоларли.
Булбули шўрида — қайғули булбул, фарёд-фиғонли булбул.
Бум — бойқуш.
Бурҳон — далил, ҳужжат.
Бухлукина — бахиллик ва гина қилиш.
Бўлус — волостное управлениенинг бошлиғи.

В

Вожун — вожгуннинг қисқартирилган шакли.

Вузу — диний йўл билан махсус ювиниш.

Восиъ — кенг, катта, бағри кенг.

Г

Гавда хар — эшак гавдали.

Гаждум — чиён.

Гарониш — шаҳар бошлиғи, шаҳар ҳокими (городоначальник).

Гудоз — сўз бирикмасида эрувчи, куювчи.

Густох — одобсиз, андишасиз, тортинмайдиган, ҳайиқмайдиган.

Д

Дабернас — русча — «доверность» сўзининг ўзбекча талаффузи.

Дахлу сарф — крим-чиқим.

Дирам — танга.

Додар — ука.

Додхоҳ — адлу инсоф сўровчи, адолатни хоҳловчи; катта мансаб.

Дузди бадбурт — мўйлови шопдай ўғри.

Дурафтода — узоқлашган.

Дуғма — амалдор, чиновник. Чоризм ҳукмронлиги даврида жорий қилинган маъмурий мансабларнинг (юзбоши, мингбоши сингари) бири.

Ж

Жондор (жандарм) — жандарма, миршаб.

Жаъд — гажак, соч ҳалқаси.

З

Зордолу — ўрик.

Зину ложам — эгар-жабдуқ.

Зоиқа — мазани, тамни билиш қувваси.

И

Ижтиноб — узоқлашиш, сақланиш, қочиш, чекиниш.

Иътило — баланд даражали бўлиш, мансабга кўтарилиш

Инжилло — жилва кўрсатиш, намоён бўлиш.

Инок — жилов, юган.

Интихоб — танлаш.

Истидъо — сўраш, ялиниб-ёлвориб сўраш.

Истиҳқоқ — бир нарсага ҳақли бўлиш.

Ишком — қорин.

Иҳзон — қайғурмоқ, хафаланмоқ.

Иҳтисоб — сўроққа тутиниш, тергаш.

К

Камокон — батамом, мукаммал, тўлиқ.

Кантуралар — конторалар.

Карруфар — мақтанчоқлик, ҳашамат.

Корд, *кордча* — пичоқ, қаламтарош.

Кордон — ишбиларман, тажрибакор, ишбоши.

Коҳдон — сомонхона.

Қўй — қишлоқ, кўча.

Қўс — катта ноғора.

Л

Лак — юз мивг.

Лисон — тил.

Лажам — юган.

Лутфу дониш — яхшилик, марҳамат ва билим.

М

Мазоҳир — бир нарсанинг кўринадиган, зоҳир (пайдо) бўладиган жойи, ўрни.

Мазраъ — экин экиладиган жой, экинзор.

Макрамат — ҳурмат, шараф, иззат; сахийлик, улуғлик.

Макшуф — очилган, кашф этилган.

Малолат — малоллик, кўнгилга етган оғирлик.

Маол — буди-шуд, моҳият, мазмун.

Маоф — бўшаган (вазифадан), кечирилган, узрли ҳисобланган.

Маоф айламак — кечирмак, узрли ҳисобламак.

Музтар — мажбур бўлган, ночор, ҳайронликда қолган.

Мафҳум бўлмоқ — фаҳмланмак, мазмунидан хабардор бўлмоқ.

Маҳжур — айрилиб қолган, узоқлашган; маҳрум.

Мийно — вино шишаси, шиша.

Магас — чибин, пашша.

Марду зан — эркак-хотин.

Мақол — сўз.

Мирасас — қоровул бошлиғи, соқчи.

Музоҳир — ёрдамчи, қўлловчи.

Мазҳар — бир нарсанинг пайдо бўладиган ўрни;

Мунағғам — ғанийлик, бойлик, давлатмандлик.

Мунир — нур берувчи, ёритувчи.

Мункир — инкор қилинган, манъ қилинган. Кори мункир — манъ қилинган ишлар.

Муқаллид — тақлид қилувчи, бировга эргашувчи, азкиячи.

Мунъим — ~~иъом~~ берувчи, тўйдирувчи,

Муттако — суянчиқ, орқа.

Муфт — текин.

Мухтасар — қисқа қилиб айтилган, қисқартирилган.

Муқтадо — иқтидо қилувчи, эргашувчи.

Н

Ниҳон — яширин.

Нуктадонлар — донолар, сўзни тушунувчилар, ақли етуқлар.

Нушқат — нушхўрд, қолган-қутган.

О

Ойин — қолун, тартиб, йўл-йўриқ.

Оши арус — никоҳ тўйи.

Ошуб — тўполон,

П

Пойдор — асосли, маҳкам доимий, барқарор.

Р

Рамида — ҳурккан, чўчиган.

Рам — ҳуркиш, чўчиш, қочиш.

Рамуз — рамзлар, имо-ишора билан англатилган фикрлар.

Рақима — руқум, хат, мактуб.

Реву ранг — ҳийлаю макр.

Рикоб — узанги.

Рўғардон — юз ўғирган, тескари турган.

С

Сахт — қаттиқ.

Соҳиби афгон — фигон эгаси.

Суд — фойда.

Суф — сурп, матонинг бир тури.

Т

Таблиғ — топшириш.

Тавфиқ — 1) мувофиқланиш, уйғунлик,

2) ёрдам, мадад.

Тазаллум — нола, фарёд этиш.

Таррор — ўғри, кисавур.

Тафриқа — ажралиш, ажратиш; паришон бўлиш.

Таҳматан — Фирдавсий «Шаҳнома»сининг бош қаҳрамони Рус-тамнинг лақаби, ботир, қаҳрамон.

Тош — километр сингари узунлик ўлчови. Бир тош тахмидан 8 километр.

Тужжор — савдогарлар.

Тунд бод — совуқ, ёқимсиз, ёмон шамол.

Турилик — аччиғлиқ.

Турфа — ажиб, қизиқ.

Туғро — белги, нишон, герб.

У

Ужб — такаббурлик, димоғдорлик.

Уёнмоқ — уялмоқ, андиша қилмоқ.

Устивор — маҳкам, асосли.

Ф

Фавт — ўлим, вафот этиш.

Фаррош — супурувчи, кўча супурадиган ходим.

Фарбеҳ — семиз, йўғон.

Х

Хариш — қўтир.

Харта — халта, қопчиқ.

Хиссат — хасислик, очкўзлик, бахиллик.

Хон — дастурхон.

Хурус — хўроз.

Ч

Час — русча «часть» сўзини ўзбекча талаффузи.

Ш

Шаппарак — кўршапалак.

Қ

Қалами жалий — катта ҳарфлар ёзиладиган қалам.

Ҳ

Ҳамл — бир нарсани бир ердан иккинчи ерга кўчириш, олиб ўтиш.

МУНДАРИЖА

ҲАЖВИЁТ

Сатиралар

Танобчилар	5
Масковчи бой таърифида	8
Сайлов	11
Ахтаринг	12
Ҳапалак қишлоғи тўғрисида	13
Дариғо мулкимиз	15
Дар мазамати замона	17
Ҳажви Виктор бой	18
Ҳажви Виктор	19
Воқиаи Виктор	20
Дар шикояти Лахтин	25
Воқиаи кўр Ашурбой ҳожи	26
Туй	29
Век ил	34
Ҳажви Халифзи Минг тепа	35
Турфа нодон баччағар	37
Дар мазамати қурбақа	38
Авлиё	39
Чойфуруш	40
Уруғ	41
Тар мевалар	43
Ҳожи қадокчи	45
Гап тўғрисида гап	47
Лайлак	50
Асрорқул	51
Дар мазамати сагеки, элликбоши номи ниҳода буданд	52
Бедарак кетдинг, Охуним!	54

Юморлар

Таърифи печ	56
Кўсамен	57
Ҳайрон кўсамен	58
Паришон кўсамен	59
Девонамен	60

От	61
Ҳажви от	63
Бу отингиз	66
Отим	67
Дар сифати асби Тожи тилгровчи, ба тариқи ҳажв Муқимий	68
гуфтааст	69
Улоқчилар	70
Араванг	71
Ароба	72
Лой	73
Ҳайрон қилди лой	74
Дар мазамати искаб топар	75
Шикояти безгак	76
Беҳад ёмон безгак	77
Жўжам	78
Қийғирчилар	79
Фонус	80
Шамол	81
Бўқоқ	83
Кал қизиқ	84
Пашшалар	

САЁҲАТНОМА

Қўқондан Шоҳимардонга	87
Қўқондан Фарғонага	90
Қўқондан Исфарага	92
Исфара саёҳатидан	95

МАКТУБОТ

Шеърӣ мактублар

Ассалом	99
Миннатдорман	102
Жавоби руқъаи Нодим Намангонӣ	104
Нуктадонлар ассалом	106
Салом, эй меҳрибонлар	108
Салом, эй ёру ошнолар	110
Бор эрди	112
Пайгоми манзума	114
Ул ҳусн султониға салом	115

Насрий мактублар

Маҳмудхўжа... ва ғойибона ошнамиз мулла Каримжон!	116
Биродари киромиӣ мавлавий Камий!	118
Нури дийдамиз ва жигар гўшамиз Рўзимуҳаммаджон!	120
Кўзларнинг нури ва мажруҳ сийналар сурури аъни Рўзимуҳаммаджон!	123
Кўзлар нури ва сийналар сурури аъни Рўзимуҳаммаджон!	125
Кўзларнинг нури ва сийналар сурури Рўзимуҳаммаджон!	127
Нурилабсори ва қуратулъайни Рўзимуҳаммаджон!	129
Нури чашм, нодирил вуҷуди Рўзимуҳаммаджон!	131

Кўзлар нури ва сийналар сурури аъни жияним Рўзимуҳаммад- маджон!	133
Кўзларимизнинг нури ва сийналаримизнинг сурури аъни Рў- зимухаммаддон	135
Нурилабсори Рўзимуҳаммаддон!	137
Нури чашшимиз Рўзимуҳаммаддон!	139
Нобини кўзларнинг нури ва гамгин кўнгулларнинг сурури аъ- ни Рўзимуҳаммаддон!	141
Жаноби нури дийда ва сурури сийнаи гамдийда аъни Рўзи- муҳаммаддон!	143
Кўзларнинг нури ва сийналарнинг сурури Рўзимуҳаммаддон!	145
Нурилабсэримиз аъни Рўзимуҳаммаддон!	147
Биродари муҳаббат тавъамон аъни Рўзимуҳаммаддон!	148

МАСНАВИЙЛАР

Хон акам	151
Тартибнома	153
Қор хат	155
Муқимий ижодий меросининг манбалари	157
Изоҳлар	179
Луғат	192